

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНЧИЛИК

ТЎПЛАМИ

33-сон
(1209)
2025 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

454. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процессида мажбурлов чоралари институти такомиллаштирилаётганлиги муносабати билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 15 августдаги ЎРҚ–1081-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

455. «Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги ПФ–130-сон Фармони

456. «Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизimini йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 августдаги ПФ–133-сон Фармони

457. «Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги ПҚ–247-сон қарори
458. «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги ПҚ–250-сон қарори

Учинчи бўлим

459. «Маданий мерос соҳасига оид маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 августдаги 512-сон қарори
460. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида айрим тоифадаги оилаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 14 августдаги 515-сон қарори
461. «Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 августдаги 517-сон қарори

Бешинчи бўлим

462. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 14-iyuldagi 6-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi 271-son "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2820-3*)
463. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 14-iyuldagi 7-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi 272-son "Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2821-4*)
464. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 9-iyuldagi 270-son "Bojxona organlari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga ko'rsatiladigan pulli xizmatlar ro'yxati va tariflarini tasdiqlash to'g'risida"gi

- buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3659*)
465. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 24 июндаги 10-сон “Халқаро молия институтларининг миллий валютада ифодаланган облигацияларини чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3660*)
466. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 9-iyuldagi 14-2025/B-son “O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3661*)
467. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 10-iyuldagi 14/12-son “Kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3662*)
468. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 10-iyuldagi 14/11-son “Banklar tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga badallar to'lash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3663*)
469. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 11-avgustdagi 20-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to'g'risida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3664*)
470. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2025 йил 28 июлдаги 11-сон “Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-4*)
471. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 16-iyuldagi 16/2-son “Faktoring elektron platformalarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3665*)

472. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasining 2025-yil 5-avgustdagi 19-son "Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish uchun to'lovlarni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2105-3*)
473. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 17-iyuldagi 273-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 7-iyuldagi 2025-14-son "O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim tashkilotlarida ta'lim olish uchun yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2107-2*)
474. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 16 июлдаги 17-сон "Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" акциядорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3666*)
475. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 29-iyuldagi 13-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3667*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****454 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га жиноят процессида мажбурлов чоралари институти та-
комиллаштирилаётганлиги муносабати билан қўшимча ва ўзгарти-
ришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
22 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 28 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократ-
лаштиришга ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқа-
ришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳо-
фаза қилиниши, жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши
учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратиш янги таҳрирдаги Ўзбекистон
Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини
таъминлаш борасидаги энг муҳим кафолатлардан бири сифатида белгилаб
қўйилди.

Бироқ жиноят содир этган шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги
эҳтиёт чораси қўлланилмаганда ушбу шахсларнинг Ўзбекистон Республика-
си ҳудудидан чиқиб кетиб, суриштирувдан, дастлабки терговдан ёхуд суддан
яшириниши ҳоллари кузатилмоқда. Натижада жиноятдан жабрланган шахс-
ларнинг ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш
имконияти пасаймоқда.

Мазкур Қонун билан «Прокуратура тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг
Жиноят-процессуал кодексига гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судла-
нувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган
тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиб, суришти-
рувдан, дастлабки терговдан ёхуд суддан узрли сабабларсиз бўйин товла-
ши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи,
прокурор ёки суд томонидан уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш
ҳуқуқи вақтинча чекланишига доир тартибни назарда тутувчи қўшимча ва
ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқа-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 августда эълон қилинган.

ли ҳимоя қилинишини таъминлашга, унинг қонуний манфаатларига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 10, 797-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда, № 8, 823-модда, № 10, 1075-модда, № 12, 1291-модда; 2025 йил, № 1, 8-модда) **28-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** «камоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда;

2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 2, 196, 201-моддалар, № 3, 376-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **31'-модданинг иккинчи қисми** «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **36-модданинг:**

биринчи қисми «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **38'-модданинг:**

биринчи қисми «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **254¹-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси-дан чиқиб кетиши ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) қуйидаги мазмундаги **28²-боб** билан тўлдирилсин:

**«28²-боб. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини
вақтинча чеклаш**

**254⁷-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини
вақтинча чеклашнинг мақсади ва асослари**

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиб, суриштирувдан, дастлабки терговдан ёхуд суддан узрли сабабларсиз бўйин товлаши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда қўлланилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

**254⁸-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини
вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Прокурор, терговчи, суриштирувчи Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш заруриятининг юзага келишига сабаб бўлган асослар баён этилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги суриштирувчининг ёки терговчининг қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**254⁹-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини
вақтинча чеклаш тўғрисидаги илтимосномани
кўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғри-

сидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси томонидан, мазкур суднинг судьяси бўлмаган ёхуд Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг тергов судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан саккиз соатдан кечиктирмай ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, шунингдек, агар ишда иштирок этаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур ҳолларда, суриштирувчи, терговчи судга чақирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланиб, у гумон қилинувчининг, айбланувчининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш заруриятини асослаб беради. Кейин ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) қиради.

254¹⁰-модда. Суд ажрими

Судья Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисида;

2) Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни рад этиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги судьянинг ажримида гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳақидаги маълумотлар, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш асослари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга қиради. Судьянинг ажрими ижро этиш учун ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига юборилади, маълумот учун прокурорга, суриштирувчига ёки терговчига ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига берилади.

Судьянинг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан ажрим чиқарилган кундан эътиборан қирқ саккиз соат ичида

гумон қилинувчи ёки айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан апелляция тартибида протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилиб, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Шикоят ёки протест бериш Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги судьянинг ажрими ижросини тўхтатиб турмайди.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси мазкур материалларни улар шикоят ёки протест билан бирга келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай яқка тартибда кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилишга ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашга ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни рад этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш рад этилган тақдирда, мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

254^{II}-модда. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашни бекор қилиш

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш жиноят иши суриштирув ва дастлабки тергов босқичида тугатилганда, судда эса жиноят ишини тугатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёки ҳукм қонуний кучга кирганда бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклашга зарурат қолмаганда эса ушбу чора ажрим чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жиноят процессида иштирок этиши зарурлиги ёки соғлиғининг ёмонлашуви ва унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббий ёрдам кўрсатиш имкони йўқлиги ёки хориждаги яқин қариндошларининг вафоти билан боғлиқ узрли сабаблар юзага келган ҳолларда, тегишинча прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи томонидан, шунингдек прокурор ёхуд суд томонидан, ажрим чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши мумкин»;

7) 374-модда учинчи қисмининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) эҳтиёт чораларини, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, пас-

портнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини, шунингдек фуқаровий даъвои таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги»;

8) **382-модда учинчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш ҳақида судга илтимоснома киритади ёхуд илтимосномага розилик беради»;

9) **423-модданинг иккинчи қисми** «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **457-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **17-банд** билан тўлдирилсин:

«17) судланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш зарурми»;

11) **471-модданинг 1-банди** «судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 255 — 260-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор» деган сўзлардан кейин «судланувчининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 254⁷ — 254¹¹-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–703-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 663-модда; 2024 йил, № 2, 117-модда, № 8, 823-модда, № 9, 964-модда; 2025 йил, № 1, 8-модда) **40-моддасининг иккинчи қисми** «шунингдек қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 август,
ЎРҚ-1081-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

455 Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қишлоқ хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш орқали ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар бўйича долзарб маълумотларни шакллантириш, замонавий интерактив хизматлар, шунингдек, учувчисиз учадиган аппаратлар ёрдамида хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 4 млн гектардан ортиқ ер майдонларида экинларни экиш ва суғориш жараёнларини рақамлаштириш;

(б) маҳсулот етиштириш жараёнларини мониторинг ва прогноз қилишда инсон омилини қисқартириш, маълумотлар аниқлигини ошириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

(в) қишлоқ хўжалиги соҳасида жорий этилган 30 тадан ортиқ ахборот тизимларини «ягона нуқта»га бирлаштириш орқали фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда маълумотларнинг ўзаро мувофиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

(г) 100 га яқин рақамли хизмат ва сервислар кўрсатишни йўлга қўйиш, жумладан, робототехника, учувчисиз учадиган аппаратлар (кейинги ўринларда — дронлар) ва бошқа «ақлли» қурилмалар ёрдамида хизмат кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун қулай шароит яратиш;

(д) соҳада кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қулайликларни таъминлаш, имтиёзли кредит ва пул маблағлари айланмалари бўйича маълумотларни онлайн тақдим этиш;

(ж) қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини рақамли технологиялар ёрдамида кафолатлаш ҳамда ахборот тизимларидаги маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 августда эълон қилинган.

II. Соҳада рақамли технологиялардан фойдаланиш қўламини кенгайтириш

2. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан экинларни мустақил жойлаштириш ва етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобини юритиш жараёнларини рақамлаштириш мақсадида:

(а) биринчи босқичда — 2026 йил ҳосилидан бошлаб фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа юридик шахс мақомидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги ташкилотлари) ўзларига тегишли ер участкаларига экиш режалаштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисидаги маълумотларни «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформасига (кейинги ўринларда — Агропортал) контурлар кесимида мустақил жойлаштириб боради. Бунда:

(i) қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ўзларига тегишли ер участкаларига рухсат этилган фойдаланиш турларига асосан (асосий, такрорий, тўқсонбости усулида) экинларни жойлаштиришга оид маълумотларни Агропорталга киритиб боради;

(ii) Агропорталда белгиланган тартибда маълумотлари жойлаштирилмаган экинларнинг суғорилиши сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланиш деб баҳоланади;

(iii) рухсат этилган фойдаланиш турларига асосан бир нечта турдаги экинларни экиш режалаштирилган тақдирда, Агропорталга ер участкасининг 90 фоиз қисмига белгиланган экин турларини жойлаштириш бўйича маълумотлар, пахта ва бошоқли донни етиштириш режалаштирилган тақдирда — ер участкасининг 45 фоиз қисмига пахта, қолган 45 фоиз қисмига бошоқли дон жойлаштиришга оид маълумотлар киритилади. Бунда ер участкасининг қолган 10 фоиз қисмига қишлоқ хўжалиги ташкилотларига исталган экинларни экишга рухсат берилади;

(iv) қишлоқ хўжалиги ерларида экиладиган экинлар тўғрисидаги маълумотлар келгуси йил ҳосили учун ҳар йили 1 августга (2025 йилда 1 октябрга) қадар Агропорталга мустақил жойлаштирилмаганда, туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари 15 кунлик муддатда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига экинларни жойлаштириш бўйича маълумотларни Агропорталга киритишга қўмаклашади;

(v) қишлоқ хўжалиги ташкилотларига пахта ва ғалладан ташқари экинларни жойлаштириш бўйича кўрсаткичларга ҳар йили асосий экинда — 15 апрелдан 1 майгача, такрорий экинда — 15 июлдан 1 августгача, тўқсонбости усулида — 15 августдан 1 сентябргача белгиланган сув ҳажми бўйича лимитларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш киритишга рухсат берилади;

(vi) экинларни жойлаштириш бўйича шаклланган батафсил ва географик нуқталарга боғланган маълумотлар ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги геопорталларида онлайн режимда акс эттириб борилади;

(vii) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли кредитларни ажратиш жараёнларида туман (шаҳар) ҳокимликлари ва туман қишлоқ

хўжалиги бўлимлари билан келишиш ҳамда улардан маълумотнома олиш талаблари бекор қилинади;

(б) иккинчи босқичда — 2027 йилдан бошлаб деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан етиштириладиган маҳсулотлар тўғрисидаги тегишли маълумотлар базаларини Агропорталга интеграция қилиш орқали маҳсулотлар, жумладан, картошка ва мева-сабзавотлар ҳисобини ягона тизимда юритиш йўлга қўйилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) Агропортални қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун соҳада хизмат кўрсатишнинг «ягона нуқтаси» сифатида эътироф этиш. Бунда Агропортал орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ҳам кўрсатилади;

(б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖни қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш йўналишида ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона оператор (кейинги ўринларда — Ягона оператор) этиб белгилаш.

4. Агропорталда қуйидаги қўшимча рақамли хизмат ва сервислар кўрсатиш имкони яратилсин:

(а) қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан экин майдонларига экинларни мустақил жойлаштириш;

(б) қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланувчилари томонидан экин майдонларининг асосий фойдаланиш турини белгилаш ва уларга ўзгартириш кириштиш;

(в) агротехник тадбирларни бажариш жараёнлари ва экинларнинг ривожланиш босқичларини мониторинг қилиб бориш;

(г) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали ажратиладиган имтиёзли кредитлар бўйича тўлов хизматларини кўрсатиш;

(д) қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари ва маҳсулотлари олди-сотдиси, экинларни парваришлаш ҳамда бошқа йўналишларда шартномалар тузиш хизматларини йўлга қўйиш;

(ж) қишлоқ хўжалиги соҳасида хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш имконини яратиш.

5. Қуйидагилар:

(а) Агропортал таркибига кирувчи ахборот тизимлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

(б) Агропортал орқали кўрсатиладиган рақамли хизмат ва сервислар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки, Республика комиссияси:

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-навосини барқарор сақлаш, озиқ-овқат балансидаги импортга боғланган ёки етишмовчилик хавфи мавжуд бўлган маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш бўйича коллегиял маслаҳат органи ҳисобланади;

(б) рухсат этилган фойдаланиш турларига асосан ер участкаларида экин жойлаштириш улушларига (фоизлар) ҳудудлар ихтисослигидан келиб чиқиб ўзгартириш киритади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

(i) ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил учун озиқ-овқат балансининг прогнози ва Агропорталда шаклланган экинларни жойлаштириш бўйича маълумотларни таҳлил қилади;

(ii) таҳлил натижалари асосида етишмовчилик кузатилиши хавфи бўлган алоҳида маҳсулотларни танлаб олади ва уларни етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали ажратиладиган имтиёзли кредитлар миқдорини эълон қилади;

(б) Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига асосан алоҳида танлаб олинган маҳсулотларни етиштиришни рағбатлантириш мақсадида уларни етиштириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидияларни жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермерлари кенгашининг «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» МЧЖ таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида қуйидагиларга ихтисослашган корхонани ташкил этиш ва унинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун ташаббускор тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни ўрнатиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) қишлоқ хўжалиги ташкилотларига робототехника, дрон ва бошқа қурилмалар ёрдамида хизматлар кўрсатиш;

(б) хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда дронлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа «ақлли» қурилмаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда таъмирлаш хизматларини кўрсатиш;

(в) ўқув ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

(г) иқлим ўзгариши, ерлар деградациясига қарши курашиш бўйича халқаро ва маҳаллий лойиҳаларда иштирок этиш.

10. Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалигида рақамли хизмат ва сервис кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ташкилотларига:

(а) агротехник тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг механизация йўналиши ҳисобидан ҳам дрон хизматларидан фойдаланишга рухсат берилади;

(б) дрон хизматларидан фойдаланиш учун Агропортал орқали ариза бериш, шартномаларни тузиш ва тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади;

(в) Агропортал орқали учиш баландлиги 30 метргача бўлган дронлар ёрдамида кўрсатиладиган хизматлар ваколатли идоралар билан келишилган ҳудудларда уларнинг йиллик рухсатномалари асосида тақдим этилади.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Агропорталда қуйидаги хизмат турларини жорий қилсин:

(а) 2025 йил 1 декабрдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ерларини иккиламчи ижарага бериш юзасидан:

(i) иккиламчи ижарага бериладиган ерларни белгилаш, ижара шартномасини тузиш, давлат рўйхатдан ўтказиш ва тўловларни амалга ошириш;

(ii) иккиламчи ижарага бериладиган ерларда маҳсулот етиштиришга кредитлар олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш;

(б) 2026 йил 1 мартдан бошлаб қонунчиликда белгиланган тартибда ер тоифасини ўзгартириш ва нобудгарчилик ҳисобини юритиш бўйича:

(i) қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартириш юзасидан аризалар бериш, уларнинг ҳолатини онлайн кузатиб бориш ва натижаларини тақдим этиш;

(ii) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича белгиланган тартибда тўланадиган компенсация тўловини автоматик ҳисоблаш, тўловларни амалга ошириш ва ундирилган тўловлар ҳисобини юритиш.

III. Ташкилий масалалар ҳамда Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Белгилансинки:

(а) давлат органлари ва бошқа ташкилотларга Агропортал таркибига кирувчи ахборот тизимлари ҳамда у орқали кўрсатиладиган рақамли хизмат ва сервисларни жорий қилиш ҳамда кенгайтириш учун тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан лойиҳа ва техник ҳужжатларни тайёрлаш, ахборот тизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича Ягона оператор билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади;

(б) Ягона оператор ҳисобига қуйидаги ажратмалар йўналтирилади:

(i) Агропортал орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи;

(ii) Агробиллинг тизими орқали хизматларни кўрсатганлик учун тўланадиган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи.

13. Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва тижорат банклари билан бирга 2026 йилдан бошлаб ҳар йили март — октябрь ойларида республика бўйича пахта ва ғалла экинларини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлардан мақсадли фойдаланиш ҳолатини космик суратлар ва дрон ёрдамида олинган маъ-

лумотлар асосида мониторинг қилишни йўлга қўйсин. Бунда сурат ва маълумотларни таҳлил қилиш билан боғлиқ харажатлар Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

(б) космик суратлар ва дрон ёрдамида олинган маълумотлар асосида ўтказилган таҳлиллар натижаларини Бош прокуратура, Солиқ қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда Кадастр агентлигига тақдим этиб борсин. Бунда ушбу таҳлиллар асосида ваколатли органлар томонидан ундирилган маблағларнинг 10 фоизи мазкур Агентликка йўналтирилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги соҳасида рақамли технологияларни қўллашни янада жадаллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 6-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Бош прокуратура қишлоқ хўжалиги ташкилотлари экинлар тўғрисидаги маълумотларни Агропорталга мустақил жойлаштириши, белгиланган тартибда маълумотлари жойлаштирилмаган экинларни суғориш ҳолатлари бўйича оширилган солиқ ставкалари ундирилиши устидан назорат ўрнатсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

(а) Кадастр агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига тегишли ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини белгилаш тадбирларини амалга оширсин;

(б) Сув хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда соҳада жорий қилинаётган рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ходимлари учун ўқув семинар-тренинглари ташкил қилсин;

(в) Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан экин майдонларига сув етказиш бўйича лимитларни белгилаш, шартнома тузиш, етказилган сув ҳажмини космик сурат асосида баҳолаш ва ҳисобварақ-фактураларни имзолаш жараёнини рақамлаштириш бўйича Хоразм вилояти Янгиариқ туманида пилот лойиҳани амалга ошириш, натижаларини бошқа ҳудудларга жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

* 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Сув хўжалиги вазирлиги:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

(i) қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги тегишли илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда 2026 йил якунига қадар ҳудудлар кесимида гидромодуль район ҳудудлари чегаралари ва хариталарини қайта кўриб чиқиб, уларни янгиласин ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартиби ва меъёрларига ўзгартиришларни киритсин;

(ii) ҳар йили Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги маълумотларидан фойдаланган ҳолда бир хил шароит ва экин тури бўйича сувдан самаралироқ фойдаланган фермер хўжаликларини аниқлаб, уларнинг ижобий тажрибасини бошқа фермер хўжаликларига оммалаштириш чораларини кўрсин;

(б) Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги билан келишилган ҳолда 2026 йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлигига рақамлаштириш учун ажратилган маблағлар доирасида сув омборларига (доимий сув йиғилмайдиган сел сув омборлари бундан мустасно) сув сатҳини ўлчайдиган ҳисоблагичларни ўрнатсин, уларни Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг ахборот тизимига интеграция қилсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов, Агропортал ва унинг таркибига кирувчи ахборот тизимлари, соҳадаги рақамли хизмат ва сервисларнинг ўз вақтида ишга туширилиши ва узлуксиз ишлаши учун масъул этиб қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қ.А. Юлдашев белгилансин.

21. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 август,
ПФ–130-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

456 Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш, муҳтожларга меҳр билан ёндашиш, эзгулик ва адолат тамойилларига содиқ қолиш динимиз, маданиятимиз ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда давлат ва жамият ўртасида инсонпарварликка асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эзгу йўналишда юртимиз ҳар қандай даврларда ўз бағрикенглиги, меҳр-шафқати ва инсонпарварлик анъаналарини намоён этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга олиб келинган фаластинлик фуқароларга (кейинги ўринларда — меҳмонларга) бошпана берилиши ҳамда кўмак кўрсатилиши халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятларга содиқлиги ва давлатимизнинг ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати амалда ифода бўлаётганидан далолат бермоқда.

Меҳмонларга адолат тамойили асосида доимий ғамхўрлик ва ижтимоий кўмак кўрсатишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Меҳмонлар ижтимоийлашувини таъминлаш

1. Меҳмонлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилгани маълумот учун қабул қилинсин:

(а) меҳмонларни вақтинча яшаш объектларига жойлаштириш, уларнинг бирламчи эҳтиёжлари юзасидан масалалар ҳал этилди;

(б) меҳмонларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилди;

(в) меҳмонларнинг жамиятга интеграция қилиниши ва маънавий қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида маданий-маърифий учрашувлар ва дўстлик кечалари каби тадбирларни (шу жумладан, болалар учун) ўз ичига олувчи махсус дастурлар ташкил этилди.

II. Меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш

2. Фаластинлик беморлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларни Ўзбекистон Республикасида яшашга мослаштириш жараёнига кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Қўйидагилар Республика комиссиясининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

(а) меҳмонларга яратилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) меҳмонларни ҳудудлар кесимида жойлаштириш ҳамда мазкур чора-тадбирлар билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

(в) меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиш ҳамда бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чоралар кўриб бориш;

(г) меҳмонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган таклифларни ишлаб чиқиш, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш;

III. Меҳмонлар эҳтиёжларини аниқлаш ишларини ташкил қилиш

4. Республика комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда меҳмонлар эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолаш орқали уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш бўйича ҳар бир оила учун зарур бўлган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Белгилансинки:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

(б) меҳмонлар билан маҳалла даражасида бевосита ишлар «маҳалла етилиги» ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ташкил этилади;

(в) меҳмонлар учун ишлаб чиқилган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг бўлинмалари учун мажбурий ҳисобланади.

IV. Меҳмонларни ижтимоий хизмат ва ёрдам билан қамраб олиш

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров):

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров) билан биргаликда икки ой муддатда ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган меҳмонларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган даволаниш муддатидан қатъи назар ногиронликни белгилаш чораларини кўрсин;

(б) икки ҳафта муддатда меҳмонларга зарур иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга бериладиган нафақа тайинланишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

(а) ҳар бир меҳнат ёшидаги меҳмон (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар бундан мустасно) учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида яшаш нафақаси жорий этилади;

(б) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига яшаш манзили бўйича уй-жойнинг ижара харажатлари қоплаб берилади;

(в) меҳмонларга фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ҳамда дафн этиш учун нафақа тўлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган миқдорда тўланади;

(г) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига бирламчи зарурий воситалар (оилада ишлатиладиган ноозиқ-овқат маҳсулотлари тўплами) хариди учун бир марталик кўтарма пул қўшимча равишда тўлаб берилади;

(д) меҳмонларнинг оила аъзоларига шахсий ҳамроҳлик қилиш ва индивидуал кўмак кўрсатиш, шунингдек, уларнинг эҳтиёжлари ва индивидуал талабларини рўёбга чиқариш мақсадида биттадан маҳалладаги ижтимоий ҳодим бириктирилади.

V. Меҳмонларнинг фарзандларини таълимга жалб қилиш

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Э. Каримова):

(а) меҳмонлар яшаш манзиллари бўйича уларнинг фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга жойлаштириш;

(б) меҳмонларнинг ҳар бир фарзанди ўқув ва тарбия жараёнига мослашиши учун мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларнинг директорлари ўринбосарларини бириктириш;

(в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда таълим ташкилотларида меҳмонлар фарзандларининг мослашуви ва ҳар томонлама камол топиши юзасидан доимий мониторинг амалга ошириш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

(а) меҳмонлар давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловидан 2028 йил 1 январига қадар озод этилади;

(б) меҳмонларнинг фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида жойлаштирилади;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–12-сон қарори доирасида меҳмонларнинг фарзандларини давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида қўшимча таълимга (касб-хунар, ахборот технологиялари, олий таълим ташкилотларига тайёрлаш йўналишида) жалб қилиш ҳамда уларни ўқитиш харажатларининг 100 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) икки ой муддатда меҳмонларнинг хорижий давлатда умумий ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олишни тест синовларисиз ва йиғим ундирмаган ҳолда амалга оширсин.

VI. Меҳмонларнинг соғлиғини қўллаб-қувватлаш

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров):

(а) меҳмонларнинг яшаш манзиллари бўйича оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ҳисобга қўйилишини таъминласин;

(б) меҳмонларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишда камбағал оилаларга мансуб шахслар тоифаси қаторида йўлланма ажратиб борсин.

VII. Меҳмонлар бандлигини таъминлаш

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров) билан биргаликда бир ой муддатда меҳмонларнинг хоҳишига кўра уларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий касб-хунарни эгаллашига кўмаклашиш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк, АТ «Халқ банки» ва бошқа тижорат банклари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган меҳмонларни оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш», «Бизнесга биринчи қадам» ва «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурлари доирасида тадбиркорликка жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда дастурлар доирасида меҳмонлар молиявий кўмаклардан фойдаланиши учун буюртмалар қабул қилиш ва ажратилган маблағлардан фойдаланишни мониторинг қилиш ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкирлари томонидан амалга оширилади.

VIII. «Маҳалла еттилиги»нинг меҳмонлар билан ишлашини ташкил этиш

14. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2-иловага мувофиқ меҳмонларни ҳамжиҳатликда маҳалланинг маънавий муҳитига қўшиш бўйича «маҳалла еттилиги» ва бошқа вакилларга қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махкамова) бир ой муддатда «маҳалла еттилиги» ва бошқа вакилларга қўшимча юклатилган вазифаларга асосан ички дастурларни қабул қилсин ва режа-жадвалга мувофиқ зарур чоралар кўриб борсин.

IX. Меҳмонларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш ва Фармон ижросини ташкил этиш

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг меҳмонларнинг масалаларини ҳал этиш чора-тадбирларини молиялаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомисиз махсус жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

17. Белгилансинки:

(а) махсус жамғарма қўйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

(i) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

(ii) халқаро ташкилотларнинг грантлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

(iii) махсус жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан олинган фоиз тарзидаги даромад;

(б) махсус жамғарма маблағлари меҳмонларнинг қўйидаги эҳтиёжларига йўналтирилади:

(i) зарур шарт-шароитлар яратиш ва тегишли хизматларни ташкил этиш;

(ii) турли харажатларни қоплаш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

(iii) моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш.

18. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) махсус жамғарма маблағларини тасарруф этиш Республика комиссияси қарори асосида амалга оширилади;

(б) махсус жамғарма харажатлар йўналишларига ўзгартириш киритиш Республика комиссияси қарорига мувофиқ амалга оширилади;

(в) меҳмонларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан беғараз бериладиган мол-мулклар (уй-жой ва автомобилотранспорт) маҳаллий ҳокимликлар балансига ўтказилиб, Республика комиссияси томонидан тасарруф этилади.

19. Бош прокуратура (И. Адхамов) Ижтимоий инспекция (Х. Кутпиддинов) билан биргаликда ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам равишда назорат қилиб борсин.

20. Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов) Давлат хавфсизлик хизмати (Б. Курбанов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов) ва Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) билан биргаликда бир ой муддатда меҳмонларга яшаш гувоҳномаси (ID-карта) расмийлаштирилишини ҳамда уларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

22. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик ривожланиш бўйича маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 август,
ПФ–133-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 14 августдаги
ПФ–133-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Меҳмонларни ҳамжиҳатликда маҳалланинг маънавий
муҳитига қўшиш бўйича «маҳалла еттилиги»га
юклатиладиган қўшимча вазифалар**

(а) маҳалла раиси:

(i) миллий қадриятлар ва ибратли анъаналарни ҳисобга олган ҳолда халқаро ва миллий байрамларга, тўйлар ҳамда бошқа маросимларга кенг жалб қилиш;

(ii) меҳмонлар орасида соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, Ўзбекистоннинг маданий меросига ҳурмат туйғуларини шакллантириш;

(iii) ўзбек халқининг маънавий ҳаёти, миллий онг ва қадриятлари, эътиқод ва тафаккури, шунингдек, кўп асрлик урф-одат ва анъаналари билан яқиндан таништириш;

(б) ёшлар етакчиси:

(i) ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан ўтказиладиган мақсадли танлов, фестиваль, форум ва мусобақаларга жалб қилиш;

(ii) ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида ўтказиладиган танловларга жалб қилиш;

(iii) ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча дастурлар тақдим этиш;

(в) хотин-қизлар фаоли:

(i) оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятлар билан яқиндан таништириш;

(ii) қизлар тарбияси, оилада ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

(г) ижтимоий ходим:

(i) давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам тўғрисида, шунингдек, уларнинг мазкур хизматларни олишга бўлган ҳуқуқлари бўйича тушунтириш бериш;

(ii) муҳтож меҳмонларга комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш, зарур ҳолларда маҳаллада ҳамроҳлик қилувчилар (волонтерлар)ни бириктириш;

(iii) меҳмонларнинг оила аъзоларига шахсий ҳамроҳлик қилиш ва индивидуал кўмак кўрсатиш;

(д) ҳоким ёрдамчиси:

(i) меҳмонларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш, уларнинг эҳтиёжлари-

ни аниқлаш ва уларни хоҳишига кўра бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий кўмак дастурларига жалб қилиш;

(ii) меҳмонларга маҳалладаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ахборот бериш, уларнинг иқтисодий барқарорлашувига кўмак берувчи «таянч шахс» вазифасини бажариш;

(iii) меҳмонларни ижтимоий фаол иқтисодий ҳаётга жалб этиш;

(ж) профилактика инспектори:

(i) меҳмонлар билан яқиндан мулоқот ўрнатиш, уларнинг яшаш жойидаги хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, улар орасида қонун талабларига итоаткорлик ҳиссини шакллантириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;

(ii) маҳаллада меҳмонларга нисбатан тушунмовчилик ёки четлатиш ҳолатларига йўл қўймаслик, маҳаллада дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга кўмаклашиш;

(iii) меҳмонларнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир эҳтиёжларини аниқлаш, зарур ҳолларда уларнинг ҳуқуқий муаммоларини «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ҳамкорлигида ҳал этишни таъминлаш;

(з) солиқ инспектори:

(i) меҳнатга лаёқатли меҳмонларнинг хоҳишига кўра иш билан таъминланиши ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларнинг мавжуд солиқ имтиёзлари ва субсидиялар тўғрисида хабардорлигини ошириб бориш;

(ii) меҳмонлар орасида расмий фаолиятни бошлашга қизиқиш билдирган шахсларга солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиш, ҳисоб юритиш ва ҳисобот топшириш тартиблари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

(и) патронаж ҳамшираси:

(i) меҳмонларнинг оилаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш;

(ii) оналар ва вояга етмаган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, эмлаш ва бошқа турдаги кўриқлар режа-жадвали билан таништириш ҳамда уларга ҳамроҳлик қилиш;

(iii) тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни шифокор олди кўриги хоналари ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтиришга кўмаклашиш;

(к) маҳалла банкири:

(i) меҳмонларнинг тадбиркорлик ғояларини лойиҳаларга айлантириш масаласида кўмаклашиш;

(ii) меҳмонларнинг хоҳишига кўра кредит олиш ва қайтариш, бизнес очиш, маҳсулотини бозорда сотиш кўникмаларига ўқитилиши ҳамда уларнинг тадбиркорлик йўналишида ривожлантирилишига қаратилган маслаҳатлар бериш;

(iii) меҳмонларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида уларга ҳамроҳлик қилиш, молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишларини тушунтириш ва уларнинг иқтисодий фаоллиги ошишига кўмаклашиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

457 Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Яширин иқтисодиёт улушини сезиларли даражада қисқартириш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, жисмоний шахслар учун қонуний фаолиятнинг жозибadorлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсад ва устувор вазифалари этиб белгилансин:

(а) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ихтиёрий равишда расмий секторда ишлашини рағбатлантирувчи рақобатбардош ва шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш;

(б) маъмурий тартиб-таомилларнинг такрорланувчи ва ортиқча талабларини бекор қилиш, давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматларни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратиш, нақдсиз тўловларни қабул қилиш учун қулай ва самарали механизмларни жорий этиш.

II. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун махсус ҳуқуқий режим

2. Марказий банк, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг 2030 йил 31 декабрга қадар тўлов ташкилотларининг рақамли платформалари (кейинги ўринларда — рақамли платформалар) орқали якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга давлат ва молиявий хизматларни онлайн тарзда кўрсатиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) барча зарур хизматларни қамраб олувчи рақамли платформаларни яратиш, хусусан:

(i) якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва тўхтатиб туриш;

(ii) солиқларни автоматик равишда ҳисоблаш ва тўлаш;

(iii) даромадлар тўғрисидаги маълумотлар асосида декларацияларни автоматик равишда тўлдириш;

(iv) операцияларни реал вақт режимида фискаллаштириш;

(v) банк ҳисобварақларини очиш, уланиш ва бошқариш;

(vi) товар ва хизматлар реализацияси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 13 августда эълон қилинган.

(vii) жисмоний шахслар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар, жумладан, пул ўтказмаларини амалга ошириш;

(viii) солиқ ва бошқа ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш ва юбориш;

(б) аҳоли билан ҳисоб-китобларда рақамли платформалар орқали фискал чекларни шакллантириш ва бериш.

3. Белгилансинки, махсус ҳуқуқий режим доирасида:

(а) 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб рақамли платформалар орқали масофавий биометрия воситаси ёрдамида идентификация қилиш ва мобил телефон рақамига СМС-хабар юбориш йўли билан якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш имконияти яратилади;

(б) шартномалар, тўлов бўйича фармойишлар, электрон ҳисобварақ-фактуралар ва қабул қилиш-топшириш далолатномаларини (бажарилган ишлар тўғрисида) рақамли платформаларда масофавий биометрия воситаси орқали идентификация қилиш ва СМС-хабар орқали тасдиқлаш усули ёрдамида электрон рақамли имзодан фойдаланмасдан имзолашга рухсат этилади ҳамда бундай тарзда имзоланган ҳужжатлар қоғоз нусхадаги ҳужжатлар билан тенг юридик кучга эга ҳисобланади;

(в) рақамли платформаларда электрон ҳужжат айланиши бўйича тўлиқ хизматлар спектри кўрсатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олган тўлиқ молиявий ва тўлов операциялари цикли амалга оширилади:

(i) электрон ҳамёнлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

(ii) нақд ва нақдсиз пул маблағларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўтказиш;

(iii) ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тўлов реквизитлари ва матрицали штрих-кодларни (QR кодлар) генерация қилиш ҳамда тўловларни контактсиз «tap to pay» технологияси орқали қабул қилиш;

(iv) интеграциялашган банк ва тўлов хизматлари орқали маблағларни кириш қилиш, ўтказиш ва чиқим қилиш, пул оқимларини бошқариш;

(г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун рақамли платформаларда очилган электрон ҳамён тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ва даромадларни қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва давлат органлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун мўлжалланган банкда очилган ҳисобвараққа тенглаштирилади. Бунда электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун банк ҳисобварақларини очиш ихтиёрий этиб белгилансин;

(д) рақамли платформалар солиқ органлари ахборот тизимларига тўлиқ интеграция қилинган бўлиши ва уларни яратган тўлов ташкилотлари махсус солиқ режимлари фойдаланувчилари ва Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари ҳисобланмаслиги лозим.

4. Меҳнат муносабатларининг мослашувчанлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи ходимларнинг меҳнати учун кунлик тўлов («шу куннинг ўзида») механизми тажриба тариқасида жорий этилсин:

(а) ушбу механизмни қўллаш учун қуйидаги шартларга риоя этилиши лозим:

(i) ходим билан электрон меҳнат шартномаси тузилган бўлиши;

(ii) ходим рақамли платформаларда электрон ҳамёнга эга бўлиши;

(iii) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашни ўз ичига олган солиқ интизомига қатъий риоя қилиниши;

(б) механизм ихтиёрий асосда жорий этилади ва иш берувчини махсус ҳуқуқий режим доирасидан ташқаридаги меҳнат қонунчилигининг бошқа қоидаларига риоя этишдан озод этмайди;

(в) рақамли платформа оператори:

(i) ходимларга «шу куннинг ўзида» механизми бўйича иш ҳақи тўлаш учун тўлов воситаларини тақдим этади;

(ii) механизмнинг самарали ишлаши учун давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашувни таъминлайди.

III. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг шароитларни таъминлаш

5. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) қуйидагилар бекор қилинади:

(i) якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш тартиби;

(ii) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан даромади юз миллион сўмдан ошмаган ўзини ўзи банд қилган шахсларни айланмадан олинadиган солиқ тўлашдан озод қилиш тартиби;

(б) йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинadиган солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланади;

(в) махсус ҳуқуқий режим доирасида:

(i) жисмоний шахсларга товарларни (хизматларни) реализация қилишда маҳсулот ва хизматларнинг йириклаштирилган гуруҳ идентификация кодларидан фойдаланишга рухсат берилади;

(ii) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларининг тўғри шакллантирилиши ҳамда ўз муддатида солиқ органларига тақдим этилиши ва солиқларнинг тўланиши юзасидан жавобгарлик тўлов ташкилотлари зиммасига юклатилади;

(г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даврида товарларни (хизматлар) реализация қилишдан олган даромадлари бир миллиард сўмдан ошганда ёки рақамли платформадан ташқари айланмалари бўйича солиқларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишнинг Солиқ кодексига белгиланган амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

6. Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда махсус ҳуқуқий режим доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинadиган солиқ бўйича ҳисоботнинг соддалаштирилган шаклини тасдиқласин ҳамда солиқ ҳи-

сobotини тўлов ташкилотлари томонидан рақамли платформа орқали солиқ органига тақдим этишни йўлга қўйиш мақсадида тегишли ахборот тизимларининг ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

IV. Давлат томонидан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда рақамли платформаларда генерация қилинган электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR код мавжуд бўлиши чакана савдо қоидаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади ва махсус QR код мавжуд эмаслиги назорат-касса техникасини ва (ёки) ҳисоб-китоб терминаллари қўлламасликка тенглаштирилади;

(б) рақамли платформалар орқали берилган харид чекларига нисбатан қонунчиликда белгиланган жисмоний шахсларга сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг 1 фоизини қайтариш тартиби қўлланилмайди;

(в) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга кредитлар олишда қулайлик яратиш мақсадида рақамли платформалардаги пул айланмалари тўғрисидаги маълумотлар кредит бюrolарига кирилади.

8. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2, 3 ва 4 ҳамда 7-бандлари солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган электрон платформага эга агрегаторлар орқали йўловчиларни ташиш ҳамда буюртма асосида товарларни етказиб бериш хизматини амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

V. Рақамли платформаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш

9. Тегишли вазирлик ва идоралар икки ой муддатда махсус ҳуқуқий режим доирасида рақамли платформалар операторларининг сўрови бўйича ушбу қарорда назарда тутилган давлат ва молиявий хизматларни кўрсатиши учун «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мавжуд маълумотлар, ҳақ тўламасдан ва тўсиқларсиз тақдим этиб борилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси 2025 йил 31 декабрга қадар тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахслар реестрлари рақамли платформаларга интеграция қилинишини ҳамда якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида масофавий рўйхатдан ўтиш учун техник имконият яратилишини таъминласин.

11. Марказий банк рақамли платформаларда электрон ҳамён функционалини жорий этишда:

(а) бир ой муддатда рақамли платформаларнинг тўлов функционали доирасида фойдаланиладиган электрон пулларнинг эмитенти сифатида банкларнинг иштирокини таъминлаш, унга тўлов тизимлари ҳамда электрон пуллар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ электрон пулларни чиқариш, ҳисоб-

га олиш ва қайтариш ҳамда рақамли платформаларга интеграция қилиш ҳуқуқи берилсин;

(б) Ўзбекистон Республикасининг тўлов тизимлари ва электрон пуллар тўғрисидаги қонунчилик талабларига, жумладан электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сўндириш, шунингдек, фойдаланувчиларни идентификация қилиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда миллий тўлов инфратузилмасига интеграциялашувига риоя этилишини таъминласин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш

12. Савдо-саноат палатаси, «Кичик бизнес» уюшмаси ва Солиқ қўмитаси яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлар ва ҳисоб-китобларда QR-кодлардан фойдаланишни фаол ва кенг жорий этишга қўмаклашсин, рақамли платформалардан фойдаланиш афзалликларини тушунтириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширсин, рақамли платформаларга ўтишни қўшимча рағбатлантирувчи чораларни кўрсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 август,
ПҚ–247-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**458 Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш
ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 —
2028 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6024-сон ва 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ–158-сон фармонларида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга оширишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) ирригация тармоқларининг 2 551 км қисмини реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида 1,3 трлн сўм ажратиш ва халқаро молия институтлари маблағларидан 300 млн АҚШ долларини ўзлаштириш;

(б) Сув хўжалиги вазирлиги балансидаги насос станцияларининг эскирган 562 та насос ва 578 та электр двигателини замонавий энергия тежамкорларига алмаштириш, уларнинг йиллик электр энергияси сарфини 6,8 млрд кВт/соатдан 6,2 млрд кВт/соатгача камайтириш;

(в) сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар ҳажмини 424 минг гектардан 276 минг гектаргача қисқартириш;

(г) 2025 йилда тажриба тариқасида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги 15 та насос станциясида муқобил энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

(д) сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар ҳажмини 2,1 миллион гектардан 3,5 миллион гектарга, шундан томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонлар ҳажмини 560 минг гектардан 853 минг гектарга етказиш;

(ж) шўрланган майдонлар ҳажмини 1 898 минг гектардан 1 732 минг гектарга, шу жумладан, ўртача ва кучли даражада шўрланган майдонлар ҳажмини 578 минг гектардан 460 минг гектарга қисқартириш;

(з) сизот сувлари сатҳи муаммоли ҳолатда (0 — 2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари ҳажмини 893 минг гектардан 775 минг гектарга қисқартириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 августда эълон қилинган.

(и) ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан жами 67 минг гектар суғориладиган ер майдонини қайта фойдаланишга кириштиш.

II. Соҳани рақамлаштириш

2. Сув хўжалиги вазирлиги Ҳисоб палатаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

(а) республикада сув сарфи ҳисоби ва ҳисоботининг тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш, бунда 2025-2026 йилларда Давлат чегарасида олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш имкониятини яратувчи камида 300 та рақамли сув ўлчаш қурилмасини ўрнатиш ҳамда марказлашган маълумотлар базасига интеграция қилиш;

(б) 12 080 та мелиоратив кузатув қудуғида рақамли технологиялар асосида сув сарфи ҳисоби мониторингини йўлга қўйиш ва тизимдаги 1 750 та насос агрегатининг сув сарфи ҳисобини онлайн режимда мониторинг қилиш;

(в) 12 та йирик сув хўжалиги объектини рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказиш;

(г) давлат-хусусий шериклик шартларида сув хўжалиги объектларини хусусий сектор бошқарувига бериш орқали хусусий шерикликка берилган объектларда харажатларни 15 фоизга камайтириш чораларини кўрсин.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

(а) Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар, мақсадли кўрсаткичлар ва параметрларнинг бажарилишини таъминлаш;

(б) сув сарфи юқори бўлган соҳаларда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни (Дастурга 1 — 18-иловаларга* мувофиқ) амалга ошириш.

4. Қуйидагилар:

(а) Сув ресурсларини оқилона бошқариш, улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика сув кенгаши (кейинги ўринларда — Республика сув кенгаши) таркиби 2-иловага* мувофиқ;

(б) Республика сув кенгашининг асосий вазифалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва мониторингини юритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;

(б) Дастурнинг 2, 3, 13 ва 14-иловаларига мувофиқ прогноз кўрсаткичлар доирасида ирригация-мелиорация тадбирларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда энергия ва бошқа ресурс тежамкор технологиялар қўлланишини;

(в) ушбу қарорда белгиланган прогноз кўрсаткичларга ўз вақтида эришилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Дастурга 14-иловага мувофиқ мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш дастурларини шакллантириш ва уларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлашга масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

7. Сув ҳўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар Дастурга 7-иловадаги 15 та насос станциясига муқобил энергия манбалари (қуёш панеллари) ҳамда энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш лойиҳасини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Бунда Энергетика вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда ушбу насос станцияларида муқобил энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ягона электр энергетикаси тизимига узатиш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки:

(а) Дастурга 7-иловага мувофиқ муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш — 2025 йилда Давлат бюджетидан Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларига электр энергияси харажатлари учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинадиган қисми ҳисобидан;

(б) энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш — 2025 йилда Давлат бюджетидан ушбу тадбирлар учун Сув ҳўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Сув ҳўжалиги вазирлиги 2025 йил 1 октябрга қадар:

(а) Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2026 — 2028 йилларда йилига камида 20 тадан насос станциясига муқобил энергия манбалари қурилмаларини (қуёш панеллари) ўрнатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлар билан янгидан тузилаётган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда насос станцияларининг техник параметрлари ва мавжуд майдонлардан келиб чиқиб, хусусий шерикнинг насос станцияларига муқобил энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш бўйича мажбуриятлари белгиланишини таъминласин.

10. Сув ҳўжалиги вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги билан бир-

галикда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилишда ахборот-коммуникация технологиялари, геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш технологияси ва учувчисиз учиш қурилмаларидан кенг фойдаланилишини таъминласин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги ҳар чоракда Дастурнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар кенгашларига ахборот бериб борсин. Бунда мазкур ахборот кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Сув хўжалиги вазирлиги Дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий консультантларни жалб этган ҳолда ҳудудларни танлаб олиш ҳамда тажриба тариқасида халқаро молия институтлари иштирокида сув ва энергия ресурсларини тежаш бўйича босқичма-босқич амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Гидрометеорология хизмати агентлиги билан биргаликда республикада сув таъминоти ҳолатини таҳлил қилиб борсин ва зарур ҳолларда сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мамлакатимизда мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг беҳуда сарфланишининг олдини олиш бўйича истеъмолчиларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини ошириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилишини ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини таъминласин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев белгилансин.

16. Қарор ижроси бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Т.Н. Бутунбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 август,
ПҚ–250-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 15 августдаги
ПҚ-250-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини
бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг
2025 — 2028 йилларга мўлжалланган
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури (кейинги ўринларда — Дастур) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Дастур Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришни янада такомиллаштириш ва ирригация секторини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар, мақсадли кўрсаткичлар ҳамда параметрларни назарда тутди.

Дастур сув сарфи юқори бўлган соҳаларда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича 1 — 18-иловаларга* мувофиқ амалга оширилади.

**I. Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини
ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга
ошириш тадбирлари**

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича вазифаларни бажариш учун Дастур доирасида 2025 — 2028 йилларда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1.1. Сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича:

а) дарё ва сойларда жойлашган жами 10 та, шу жумладан, 2025 йилда 5 та, 2026 йилда 2 та, 2027 йилда 1 та, 2028 йилда 2 та гидрологик пост қурилади ва қайта тикланади (1-илова);

б) дарё ва сойларда жойлашган жами 6 та, шу жумладан, 2025 йилда 3 та, 2026 йилда 2 та, 2027 йилда 1 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланади (1а-илова);

* 1 — 18-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) 2027 йил якунига қадар соҳада мавжуд барча ахборот тизимлари маълумотларини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи «Вазиятлар маркази» ахборот тизимини такомиллаштирган ҳолда «Рақамли сув хўжалиги» ягона платформаси ишга туширилади, маълумотларни қабул қилиш, уларнинг сифатини назорат қилиш, визуаллаштириш, бошқариш ва таҳлил қилиш имконияти яратилади;

г) илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, соҳадаги кадрлар малакасини ошириш ва соҳани ривожлантириш мақсадида университетлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади;

д) Давлат сув кадастри объектлари учун сув ресурсларини таснифлаш ва идентификациялаш бўйича ягона стандарт амалиётга жорий этилади;

ж) реал вақт режимида қор қопламани, музликларнинг эришини ва оқим ҳосил бўлиш зонасида сув захираларини мониторинг қилиш, шунингдек, масофадан зондлаш маълумотларига асосланган гидрологик прогнозлаш имконини берувчи замонавий воситалар ёрдамида дарё оқимларининг сув билан таъминланганини прогноз ва мониторинг қилишнинг янгиланган тизими жорий этилади;

з) сув ресурсларининг келажакдаги ўзгаришларини (дарё оқимининг ўзгариши), шунингдек, сувга бўлган эҳтиёжни (экинларнинг сувга бўлган эҳтиёжининг ўзгариши) аниқлаш учун иқлим ўзгаришининг таъсири баҳоланади;

и) узоқ муддатга мўлжалланган республиканинг сув ресурслари баланси ишлаб чиқилади, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилган сув ресурсларининг тизимли мониторинги юритилиб, таҳлил қилиб борилади.

1.2. Сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, йирик сув хўжалиги объектларини рақамли технологиялар асосида масофадан бошқариш, ресурс тежамкор замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича:

а) сув хўжалиги объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, йирик сув хўжалиги объектларининг рақамли технологиялар асосида бошқарилишини ташкил этиш, ресурс тежамкор замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш доирасида:

янада самарали, тежамкор ва барқарор инфратузилма лойиҳаларини режалаштириш, амалга ошириш ҳамда назорат қилишда замонавий ёндашувлар жорий этилади;

2026 йилда объектларни лойиҳалаштириш ва лойиҳа назорати бўйича янги стандартлар ишлаб чиқилиб, назорат қилишнинг янги усуллари амалиётга жорий қилинади;

2027 йилда янги стандартлар ва тизимларни амалда қўллаш бўйича ходимларнинг салоҳияти оширилади;

2025 йилда сув етказиб бериш бўйича доимий стандартлаштирилган кўр-

саткичлар ишлаб чиқилади ва ушбу чора-тадбирлар бўйича ҳисобот бериш тизими яратилади;

2025 йилда тугалланган ирригация дастури натижаларини режалаштирилган дастур билан таққослаш орқали лойиҳаларни таҳлил қилиш, қамрови ва харажатларини кўриб чиқиш ҳамда дастур инвестициялари қийматини максимал ошириш мақсадида жараёнга ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади ва амалга оширилади;

ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади (2-илова):

жами 2 551,5 км узунликда, шу жумладан, 2025 йилда 586,6 км, 2026 йилда 574,2 км, 2027 йилда 664,2 км, 2028 йилда 726,5 км ирригация тизими каналлари ва суғориш тармоқлари қурилади ҳамда реконструкция қилинади;

жами 190 та, шу жумладан, 2025 йилда 40 та, 2026 йилда 61 та, 2027 йилда 67 та, 2028 йилда 22 та гидроузел ва бошқа йирик гидротехника иншоотлари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами узунлиги 319,3 км, шу жумладан, 2025 йилда 21 км, 2026 йилда 112 км, 2027 йилда 133,4 км, 2028 йилда 52,9 км лотокли (бетон тарновли) суғориш тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами қуввати 81,6 куб м/с бўлган насос станциялари, шу жумладан, 2025 йилда 53,0 куб м/с, 2026 йилда 19,1 куб м/с, 2027 йилда 7,5 куб м/с, 2028 йилда 2,0 куб м/с бўлган насос станциялари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами 185,3 км, шу жумладан, 2025 йилда 63,7 км, 2026 йилда 55,3 км, 2027 йилда 61,9 км, 2028 йилда 4,4 км узунликдаги қувурлар ўрнатилади ва реконструкция қилинади;

жами узунлиги 21 352 км бўлган ирригация тизими каналлари, 21 868 та гидротехника иншооти ҳамда 21 357 та гидROPост таъмирланади ва тикланади (3-илова);

б) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг энергия самарадорлигини ошириш, углерод чиқиндиларини ва фойдаланиш харажатларини камайтириш, шунингдек, насосларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш юзасидан:

электр энергияси ва бошқа ресурс тежамкор замонавий технологиялар, шунингдек, муқобил энергия манбалари кенг жорий қилинади;

жами 562 та, шу жумладан, 2025 йилда 150 та, 2026 йилда 156 та, 2027 йилда 153 та, 2028 йилда 103 та эскирган насослар янгиланади (4-илова);

насос станцияларида жами 578 та, шу жумладан, 2025 йилда 166 та, 2026 йилда 149 та, 2027 йилда 154 та, 2028 йилда 109 та эскирган электр двигатель янгиланади (5-илова);

насос станцияларида жами 298 та, шу жумладан, 2025 йилда 90 та, 2026 йилда 67 та ва 2027 йилда 91 та, 2028 йилда 50 та конденсатор қурилмалари ҳамда жами 347 та частота ўзгартирувчи, шу жумладан, 2025 йилда 104 та, 2026 йилда 84 та ва 2027 йилда 87 та, 2028 йилда 72 та қурилма ўрнатилади (6-илова);

жами 272 та, шу жумладан, 2025 йилда 73 та, 2026 йилда 60 та, 2027 йилда 83 та ва 2028 йилда 56 та қуёш панеллари ҳамда жами 100 та, шу жумладан, 2025 йилда 27 та, 2026 йилда 26 та, 2027 йилда 26 та ва 2028 йилда 21 та қуёш сув иситкичлари ўрнатилади (6а-илова);

2025 йилда 15 та насос станциясига қуввати 13 890 кВт/соат бўлган муқобил энергия манбалари, 7 та конденсатор қурилмаси ҳамда 13 та частота ўзгартирувчи қурилма ўрнатилади (7-илова);

насос станцияларида муқобил энергия улушини ошириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқотлар олиб борилади;

Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 7,1 млрд кВт/соатдан 2025 йилда 6,8 млрд кВт/соатгача, 2026 йилда 6,6 млрд кВт/соатгача, 2027 йилда 6,4 млрд кВт/соатгача, 2028 йилда 6,2 млрд кВт/соатгача (2023 йилга нисбатан 12 фоизга) камайтиради;

рақамли технологиялар асосида насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфининг онлайн мониторинги юритилади;

учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолати ўрганилади, рақамлаштириш ва лойиҳа-лаштириш-тадқиқот ишларининг сифати оширилади;

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилишда лойиҳа-қидирув ишларининг сифати оширилади ҳамда илмий-амалий кузатуви таъминланади;

сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва модернизация қилишда илғор технологияларни қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш улуши оширилади.

1.3. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш бўйича:

а) сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларини антропоген, техноген ва табиий омиллар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш бўйича жами 20 та, шу жумладан, 2025 йилда 7 та, 2026 йилда 5 та, 2027 йилда 6 та, 2028 йилда 2 та сув омбори ва бошқа йирик гидротехника иншоотларида назорат-ўлчаш ускунаси ҳамда хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизими модернизация қилинади, тикланади ва янгиланади (8-илова);

б) барча йирик гидротехника иншоотларида хавфсизлик кўрсаткичларини масофадан туриб мониторинг қилиш бўйича ходимларнинг салоҳияти оширилади, автоматлаштирилган назорат тизимлари жорий этилади ҳамда барча сув омборлари ва сув ҳўжалиги объектларини қамраб олган ҳолда ўзаро интеграциялашган огоҳлантириш тизими йўлга қўйилади;

в) сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув ҳўжалиги объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга қабул қилиш, ишлатиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервациялаш ва тугатиш бўйича илмий-асосланган миллий стандартлар тўплами ишлаб чиқилади;

назорат-ўлчов ускуналари, гидромеханик ва электротехник қурилмалар,

ёритиш, алоқа ҳамда фавқулодда хабар бериш тизимларини куриш ва модернизация қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилади;

натура-кузатув ва диагностика ишларини тизимли равишда амалга ошириш ҳамда хавфсизлик декларацияларида кўрсатилган камчиликларни барта-раф этиш юзасидан ишлар самарали ташкил этилади;

сув хўжалиги ташкилотларини малакали ва тажрибали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш тизимли ташкил этилади.

1.4. Сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий қилишнинг устувор йўналиши бўйича:

а) сувдан фойдаланиш ва сув сарфи ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда сув хўжалиги тизим ташкилотларининг барча даражаларида сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сувнинг тезкор бошқарувини ташкил этиш бўйича:

республикада сув сарфи ҳисоби ва ҳисоботининг тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш. Бунда 2026 йил якунига қадар Давлат чегарасида олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш имкониятини яратувчи камида 300 та рақамли сув ўлчаш қурилмасини ўрнатиш ҳамда марказлашган маълумотлар базасига интеграция қилиш назарда тутилади;

2025 йилда 12 та йирик сув хўжалиги объектлари рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади (9-илова);

жами 1 750 дона, шундан 2026 йилда 604 та, 2027 йилда 629 та, 2028 йилда 517 та насос агрегатининг сув сарфи ҳисоби онлайн режимда мониторинг қилинади (10-илова);

жами 12 080 та, шундан 2025 йилда 2 850 та, 2026 йилда 2 952 та, 2027 йилда 3 183 та, 2028 йилда 3 095 та мелиоратив кузатув қудуғи автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказилади (11-илова);

соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш орқали сув ресурсларини бошқариш ва сувдан самарали фойдаланиш таъминланади;

б) тизимнинг турли даражаларида суғориш тизимларини бошқариш салоҳиятини ошириш юзасидан:

белгиланган қоидалар асосида суғориш минтақалари учун янгиланган сув ҳуқуқлари тизими жорий этилади, 2025 йил якунигача сувни мавсумий тақсимлаш ва режалаштириш тартиби такомиллаштирилади, шу жумладан, сув ресурсининг ўзгарувчанлиги ва қурғоқчилик шароитида сувни самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланади;

сув олиш квотаси, шунингдек, манбалардаги мавжуд ва кутилаётган сув миқдоридан келиб чиқиб, сув хўжалиги ташкилотлари учун сув олиш лимитларини белгилаш тизимини татбиқ этиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилади;

в) сув хўжалигида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда

сув объектларини масофадан назорат қилиш ҳамда сувдан фойдаланишни мониторинг қилиш такомиллаштирилиб, маълумотлар алмашинувининг тезкорлиги оширилади;

г) суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлик даражаси, экинларни жойлаштириш ва чўлланиш жараёнлари, шунингдек, сувдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда масофадан зондлаш технологияси имкониятларидан фойдаланилади;

д) сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва интеграллашган бошқариш ҳамда инсон ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича самарали гидрологик моделлар ишлаб чиқилади.

1.5. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда хорижий инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган ҳудудларда амалий кўргазмалар ўқув-семинарлар ташкил қилиш орқали ушбу технологиялардан фойдаланиш бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг билим ҳамда кўникмаларини ошириб бориш бўйича:

а) халқаро молия институтлари ва маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларда, хорижий инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган ҳудудларда агротехник тадбирларни амалга ошириш тартиби бўйича амалий кўргазмалар ўқув-семинарлар ташкил қилинади;

б) сувни тежайдиган суғориш технологияларини босқичма-босқич жорий қилиш орқали мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошириб борилади (12-илова);

в) масофадан туриб зондлаш, сунъий йўлдош маълумотларига асосланган геоахборот тизимлари (GIS) ва кичик ҳажмдаги махсус баҳолаш учун қўлланадиган жойларда учувчисиз учиш қурилмалари каби замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда суғориладиган майдонларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги бўйича такомиллаштирилган мониторинг ва ҳисобот тизими яратилади;

г) турли таркибли тупроқ шароитларида томчилатиб ва бошқа турдаги сув тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини белгилаш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилади ва амалиётга кенг татбиқ қилиш мақсадида жойларда ўқитиш ва тушунтириш ишлари олиб борилади;

д) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва қурувчи пудрат ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига сифатли ва ўз вақтида сервис хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади.

1.6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ҳамда олдини олишда самарали технологияларни қўллаш бўйича:

а) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали технологияларни қўллаш билан боғлиқ қуйидаги тадбирлар назарда тутилади:

жами 1006,06 км, шу жумладан, 2025 йилда 168 км, 2026 йилда 246,5 км, 2027 йилда 285,6 км, 2028 йилда 305,96 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади (13-илова);

жами 44 355 км, шу жумладан, 2025 йилда 9 025 км, 2026 йилда 10 850 км, 2027 йилда 11 880 км, 2028 йилда 12 600 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тизимли таъмирланади ва тикланади (14-илова);

б) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги мелиоратив экспедицияларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларда фаолият юритаётган кадрларнинг салоҳиятини ошириш йўлга қўйилади;

в) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилишда ахборот-коммуникация технологиялари, масофадан зондлаш технологияси ва учувчисиз учиш қурилмаларидан кенг фойдаланиш таъминланади;

г) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳамда сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви бўйича ахборот тизими такомиллаштирилади;

д) Сув хўжалиги вазирлигининг мелиоратив экспедицияларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, экспресс таҳлиллар ўтказиш имконини берадиган замонавий жиҳозлар, мобил тезкор лабораториялар билан таъминланади;

ж) Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти билан бирга минераллашган ерости сувларидан томчилатиб суғоришда фойдаланишни мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилади;

з) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади, мелиоратив техникалар сотиб олинади.

1.7. Сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини татбиқ этиш, жумладан, сув ресурсларидан иқтисодий механизмлар ва воситалар орқали самарали фойдаланиш, тушган маблағларни сув хўжалиги объектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш-тиклашга, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш бўйича:

а) сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини кенг жорий этиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда сув йўқотишларини камайтириш ва ҳисобини юритиш орқали фойдаланилган сув тўғрисидаги ҳисоботларнинг аниқлик даражаси оширилади;

б) Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига асосан сувни тақсимлаш ва етказиб беришга бозор тамойиллари жорий этилади, жумладан:

сув олиш учун узоқ муддатли (ўн йилгача) квоталар ва мавсумий (сув квотасидан фоиз ҳисобида) лимитлар белгиланади;

ажратилган квотадан тежаб қолинган сув ресурсларини гидрографик зонадаги бошқа сувдан фойдаланувчига бериш ҳамда шартномага мувофиқ солиш имконияти яратилади;

сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни рағбатлантирувчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловларнинг самарали тизими жорий этилади, шу жумладан, сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўлов, сув олишга бошқа сувдан фойдаланувчидан квоталарни сотиб олиш учун тўлов, сув объектларида сув лимитидан фойдаланганлик учун қўшимча тўлов жорий этилади;

в) сув ҳўжалиги объектларининг соҳилбўйи минтақа зоналарини онлайн аукцион савдолари орқали ижарага бериш йўлга қўйилади.

1.8. Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув ҳўжалиги объектларини фермер ҳўжаликлари, кластер ва бошқа ташкилотларга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш ҳамда тежалган маблағларни сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда рағбатлантиришга йўналтириш бўйича:

2025 йил якунига қадар сув ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) лойиҳалари учун хусусий сектор манфаатларини ҳимоя қилиш ва объектларни бошқариш мажбуриятлари ҳамда фаолият юритиш талабларини ўз ичига олган қўлланма ишлаб чиқилади;

ДХШ тамойиллари асосида жами 162 та, шу жумладан, 2025 йилда 32 та, 2026 йилда 36 та, 2027 йилда 42 та ва 2028 йилда 52 та объект бўйича лойиҳалар амалга оширилади (15-илова);

2025 йил давомида сув ресурсларини бошқариш функцияларининг бир қисмини аниқ мажбуриятлар, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий адолат ва атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган мезон ва тамойилларга мувофиқ бошқариш учун сувдан фойдаланувчиларга бериш методологияси ишлаб чиқилади.

1.9. Сув ресурсларини замонавий бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаш, сувнинг сифатини яхшилаш ҳамда атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш устувор йўналиши бўйича:

а) сув ресурсларини бошқариш тизими сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш тамойилларига мувофиқ такомиллаштирилади;

б) сувга бўлган эҳтиёж келгусидаги ўзгаришларни ва иқлим ўзгаришининг учта сценарийси, шу жумладан, иқлим ва иқтисодий ўсишни келтириб чиқарадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат, ҳудуд ва сув ҳавзалари даражасида иқтисодиёт тармоқлари ҳамда атроф-муҳит ва аҳолининг сувдан фойдаланиш устуворлигидан келиб чиқиб белгиланади;

в) аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, коммунал фойдаланиш, саноат, экологик мувозанатни тиклаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги учун уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб сув олиш лимитлари белгиланади;

г) сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш даражаси ва барқарор ривожланиш мақсадларининг мамлакат бўйича 6.5.1-кўрсаткичи қуйидагилар орқали амалга оширилади:

халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг, шунингдек, бошқа донорларнинг техник ёрдамида рағбатлантириш бўйича ҳаракатлар дастурини қабул қилиш;

сув муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш соҳасида маъмурий ислохотни амалга оширишда иштирок этиш, хусусий сектор ва жамоатчиликни жалб қилиш, идоралараро мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, сув ҳўжалиги соҳасида гендер тенглик тамойилларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш;

сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш учун турли манбалардан маблағларни жалб қилиш.

1.10. Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш бўйича:

а) минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишлари давом эттирилади. Шунингдек, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ташкилий тузилмаси ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этилади ҳамда мазкур ишларни муваффақиятли якунлаш қўллаб-қувватланади;

б) Амударё, Сирдарё ва бошқа трансчегаравий дарёлар оқимини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш ҳамда халқаро битимлар асосида очиқ маълумотлар алмашиш тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича келишилган тадбирлар амалга оширилади;

в) иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар таъсирида келажакдаги ривожланишни баҳолаш учун асос сифатида Амударё ва Сирдарёнинг умумҳавзавий моделларини яратиш бўйича таклиф тайёрланади;

г) трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида йирик гидротехника иншоотларини биргаликда режалаштириш, қуриш, молиялаштириш ва улардан фойдаланишнинг ўзаро мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ташаббус қилинади;

д) иқлим ўзгариши ва ривожланишнинг турли сценарийларини моделлаштириш асосида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларини ривожлантиришнинг қўшма режаларини ишлаб чиқиш ташаббус қилинади ва таклифлар тайёрланади;

ж) Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро ва минтақавий жараёнлардаги фаол иштироки сув билан боғлиқ халқаро конвенциялар, шартномалар ва битимлар бўйича мажбуриятлари доирасида давом эттирилади;

з) мамлакат ҳудудининг трансчегаравий сув ҳавзаларидаги қисмида трансчегаравий ҳамкорликнинг амалдаги келишувлари билан қамраб олиш даражасини (Барқарор ривожланиш мақсадларининг 6.5.2 кўрсаткичи) ошириш қуйидагилар орқали таъминланади:

сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича қўшма органлар ва ҳамкорлик механизмлари ишини фаоллаштириш;

минтақа давлатлари вакиллари билан мунтазам учрашувлар ўтказиш, бунда сув ресурсларини бошқаришнинг қўшма ёки мувофиқлашган режаларини қабул қилиш, биргаликда бажариладиган вазифаларни келишиш;

маҳаллий ва минтақавий даражада маълумот ҳамда ахборотларнинг мунтазам алмашинуви йўлга қўйиш.

1.11. Малакали кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малака ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари

ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг устувор йўналиши бўйича:

а) сув ресурсларини бошқаришнинг ҳозирги муаммоларига жавоб берадиган замонавий ўқув тизимлари жорий этилади, олий маълумотли сув хўжалиги ходимлари улуши 48 фоиздан 2025 йилда 49 фоизга, 2026 йилда 50 фоизга, 2027 йилда 52 фоизга, 2028 йилда 60 фоизга етказилади (16-илова);

б) сув хўжалиги тизими ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлашни республикадаги ўртача даражага етказиш орқали соҳада кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чоралари кўрилади;

в) Дастурни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва сув хўжалиги соҳасидаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган амалий илмий-тадқиқот ишлари, жумладан, сув хўжалиги соҳасида жами 134 та, шу жумладан, 2025 йилда 32 та, 2026 йилда 33 та, 2027 йилда 34 та, 2028 йилда 35 та илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда илмий ютуқлар ва ноу-хаулар амалиётга жорий қилинади (17-илова);

г) таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг салоҳиятини ошириш, замонавий ва самарали ёндашувларни сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқарувга жорий этишни, шунингдек, лойиҳалаштириш ва эксплуатация жараёнларида иқлим ўзгаришларига бардошли чораларни қўллаш салоҳиятини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқув ва малака ошириш курслари ташкил этилади;

д) аҳолининг сувни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан самарали ва тежамкор фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда сувдан оқилона ва тежамкор фойдаланишни тарғибот-ташвиқот қилишнинг самарали механизмлари жорий этилади;

ёш авлодни сувга нисбатан тежамкор муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш мақсадида юқори синф ўқувчилари учун сув хўжалиги объектларига экскурсиялар, мамлакатимизда хизмат кўрсатган сув хўжалиги ходимлари билан учрашувлар ташкил этилади;

ж) лойиҳа ташкилотларининг салоҳиятини ошириш, модернизация қилинадиган суғориш тизимларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш бўйича билимлари оширилади, бунда:

лоийҳаларни соҳавий экспертизадан ўтказишда тегишли қурилиш норма ва қоидаларига мос равишда атроф-муҳитга таъсири ҳамда уларни юмшатиш чораларига мувофиқ муҳандислик-геологик тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор берилади;

гидротехника иншоотларида замонавий қурилиш материалларидан фойдаланишни янада кенгайтириш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, унинг асосида илғор технологиялар ва инновацион материаллардан фойдаланишни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади;

замонавий суғориш тизимларининг ҳуқуқий ва норматив базаси халқаро ва техник стандартларга мувофиқ такомиллаштирилади;

мавжуд онлайн курслар, тренинглар ва семинарлардан, шу жумладан, хорижий тиллардаги материаллардан фойдаланиб, халқаро мутахассислар ҳамда ушбу соҳадаги илмий, шунингдек, таълим ташкилотларининг тадқиқотчиларини жалб қилган ҳолда етакчи муҳандислар учун малака ошириш тизими яратилади;

ривожланган мамлакатлардаги етакчи хорижий университетлар ва компанияларда объектларни лойиҳалаштириш, ўқув дастурлари, малака ошириш курслари, стажировкаларда қатнашиш орқали алоҳида мутахассислар тайёрланади ҳамда лойиҳалаштириш институтлари томонидан илғор хорижий тажрибаларни егаллаш тизими ишлаб чиқилади;

сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни тизимли ташкил қилиш, илм-фан ютуқлари ва инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда лойиҳа-қидирув ишлари сифатини яхшилаш чоралари кўрилади;

халқаро стандартлар ҳамда замонавий лойиҳалаштириш услубларини ўзлаштириш мақсадида лойиҳа ташкилотлари мутахассисларининг хорижий мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларида малакасини ошириш ишлари ташкил этилади;

з) илмий изланишларни ўтказиш ва жорий этишнинг самарадорлигини таъминлаш, бунда:

сув ҳўжалиги соҳасидаги илмий муассасалар ва таълим ташкилотлари, шу жумладан, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, «Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг молиявий, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва салоҳиятини ошириш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш кўламини кенгайтириш, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг грант маблағларини жалб этишни жадаллаштириш;

халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва миллий илмий-тадқиқот институтлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шу жумладан, хорижий институт ва ҳукумат ташкилотларида амалиётлар ўташ;

сув ва электр энергияси ресурсларини тежайдиган технологиялар, жумладан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ва консалтинг ишларини рағбатлантириш ва кенгайтириш;

сув ресурсларини режалаштириш жараёнида иқлим ўзгариши тенденцияларини моделлаштиришни ўз ичига олган тадқиқотлар ўтказиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш режаларини ишлаб чиқишда амалий тадқиқотлар ўтказиш ишлари ташкил этилади.

II. Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Дастурни амалга ошириш натижасида 2028 йил якунигача қуйидаги асо-

сий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторларга эришиш кутилмоқда (18-ило-ва).

2.1. Сув хўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллашти-риш бўйича:

Сув кодексини иқтисодиётнинг ўзаро боғланган тармоқлари, атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш ҳамда мамлакатимиз ва минтақанинг сув хавфсизлиги-га таъсир этувчи жиҳатларини норматив-ҳуқуқий базага мувофиқлаштириш бўйича идоралараро маслаҳатлашувлар давом эттирилади.

2.2. Сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини такомил-лаштириш йўналишида:

а) тармоқ бошқаруви самарадорлигини оширишга ҳамда бошқарув тизи-мини янги таҳдидлар ва бозор иқтисодиётига мослаштиришга имкон беради-ган сув хўжалигининг маъмурий ислоҳоти амалга оширилади;

б) Сув хўжалиги вазирлигининг қуйи (туман) бўғинида сув ресурсларини бошқариш, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларига сув етка-зиб бериш ҳамда сувнинг ҳисобини юритиш функциясини босқичма-босқич давлат-хусусий шерикликка ўтказиш ишлари амалга оширилади;

в) сувни етказиб бериш ва тақсимлаш тизимига хусусий сектор жалб этилиши, далаларга сув етказиб берадиган сув хўжалиги объектларини тад-биркорлар (фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқалар) бошқарувига бе-рилиши таъминланади;

г) Ўзбекистон Республикасининг барча сув ресурсларидан фойдаланиш ва истеъмол қилишни тўлиқ қамраган ҳолда аҳолининг (ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлар ва гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда) сув таъмино-ти иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳит ўртасида тақсимланади ҳамда сув ресурслари интеграциялашган ҳолда бошқарилади;

д) трансчегаравий ва ички сув манбалари ҳамда ҳудудларда охириги 10 йиллик даврда сув таъминоти даражасининг ўзгариши кузатиб борилади ва таҳлилий маълумот тайёрланади;

ж) сув хўжалигида мавжуд активларни бошқариш, муҳим активларни аниқлаш, самарадорлик, лойиҳалаштириш ва капитал қўйилмалар жараёни-ни ўз ичига олган сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда бошқарув усуллари бўйича ҳисобот тайёрланади;

з) 2026 йилда инфратузилма ва иқлим шароитида дарё оқимларининг турли сценарийларини симуляция қилиш ва баҳолаш, суғоришга бўлган эҳтиёжни, шу жумладан, сувни тежаш тадбирларининг суғориладиган май-донларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини симуляция қилиш имконини бе-рувчи моделлар яратилади.

2.3. Сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш йўналишида:

а) сув олиш квотаси ҳамда сув манбаларидаги мавжуд ва кутилаётган сув миқдоридан келиб чиқиб, сув олиш лимитларини белгилаш тизими жорий этилади;

б) ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффи-циенти 0,67 дан 0,75 гача оширилади;

в) суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга қаратил-

ган режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар 424 минг гектардан 276 минг гектаргача камайтиради.

2.4. Сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва энергия самардор технологияларни кенг жорий этиш йўналишида:

а) ирригация тизимини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улуши 39 фоиздан 47 фоизгача оширилади, бунда бетон қопламали каналлар узунлиги 13 559 километргача етказилади;

б) насос станцияларидаги 562 та насос ва 578 та электр двигатель замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилади;

в) насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 7,1 млрд кВт/соатдан 6,2 млрд кВт/соатгача камайтиради;

г) электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун охирги 10 йиллик давр учун минтақавий ва ҳудудий миқёсда таҳлилий маълумот тайёрланади.

2.5. Сувни тежайдиган замонавий суғориш технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўналишида:

а) сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонлар 2,1 млн гектардан 3,5 млн гектарга етказилади;

б) сув танқислиги бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор берган ҳолда сувни тежайдиган суғориш технологияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ва давлат томонидан субсидиялар бериш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажминини ошириш имконияти яратилади.

2.6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишида:

а) мелиорация тадбирларини амалга ошириш орқали жами шўрланган майдонлар 1 898 минг гектардан 1 732 минг гектарга, шу жумладан, ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлар 578 минг гектардан 460 минг гектарга қискартиради;

б) сизот сувлар сатҳи муаммоли ҳолатда (0 — 2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари 893 минг гектардан 775 минг гектарга камайтиради.

2.7. Сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўналишида:

а) суғоришга бўлган талабни аниқлаш, сув тақсимоли ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш, шунингдек, сувдан фойдаланиш бўйича қарорларни қабул қилишда замонавий усул ва технологиялар, шу жумладан, рақамли технологиялар ҳамда бошқа инновацион технологиялар жорий этилади;

б) дарё ва сойларда 6 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланади;

в) 12 та йирик сув хўжалиги объектида сувни бошқариш жараёнлари рақамли технологиялар асосидаги бошқарувга ўтказилади;

г) мавжуд мелиоратив кузатув қудукларининг 12 080 тасида рақамли технологиялар орқали мониторинг олиб борилади;

д) 2026 — 2028 йилларда 1750 дона насос агрегатида рақамли технология асосида сувни онлайн режимда мониторинг қилиш ускуналари ўрнатилади;

ж) сув ресурслари тўғрисидаги маълумотлар базаси илмий-тадқиқот муассасаларига бепул тақдим этилади.

2.8. Соҳада бозор механизмларини жорий этиш, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида:

а) сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами 162 та лойиҳа амалга оширилади;

б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тизими такомиллаштириб борилади ҳамда Давлат бюджетига солиқдан тушадиган тушумлар ҳисобидан сув етказиб бериш харажатларининг бир қисми қопланиши таъминланади;

в) 2025 — 2028 йилларда сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, илмий ва инновацион салоҳиятни ошириш орқали илмий ютуқлар ва ноу-хаулар амалиётга жорий қилинади;

г) сув ресурсларини бошқаришнинг ҳозирги муаммоларига жавоб берадиган замонавий ўқув тизимлари жорий этилади;

д) сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ва бошқарув ходимларининг малакаси доимий равишда ошириб борилади;

ж) сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари республика ва ҳудудлар миқёсида етказиб берилган сув учун тўловлардан олинadиган даромадлар ҳисобидан ўз-ўзини қоплашиши таъминлаш юзасидан таҳлилий маълумот тайёрланади;

з) қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бир гектар майдонни суғоришга сарфланадиган сув ҳажмини 20 фоизгача камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

2.9. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш тамойилларини кенг жорий қилиш йўналишида:

а) экологик сув оқимини баҳолаш ва сувга бўлган талабларни аниқлаш асосида табиий сув манбаларини ҳамда сувга боғлиқ бўлган экотизимларни сақлаш, шу жумладан, Оролбўйи ҳудудини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш чоралари кўрилади;

б) ерусти, ерости ва қайтар сувларни интеграллашган ҳолда бошқаришга эришиш орқали, энг аввало, ичишга яроқли бўлган ерости чучук сув захираларини асраш ва улардан барқарор фойдаланиш таъминланади;

в) 2026 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари 6.5.1 индикатори, сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқаришни амалга ошириш даражаси бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастурига (UNEP) кейинги уч йиллик ҳисобот тақдим этилади. Амалга ошириладиган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистоннинг сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш тамойилларини амалга оширишда ўртачадан юқори (55 — 75 балл) даражага чиқиши таъминланади.

III. Дастурда устувор йўналишлар бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилишини мониторинг қилиш

Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишни тизимли мо-

ниторинг қилиш ва республикада ирригация секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда халқаро экспертлар томонидан тайёрланади.

Мониторинг натижалари ҳар ярим йилда Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борилади.

Дастурда белгиланган тадбирларнинг ижроси, эришилган натижалар ҳамда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бўйича ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 15 августдаги
ПҚ–250-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Сув ресурсларини оқилона бошқариш, улардан самарали
фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш
бўйича республика сув кенгашининг асосий вазифалари**

Қуйидагилар Республика сув кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(б) сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

(в) сув муносабатлари бўйича ваколатли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг, шунингдек, сувга оид масалалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳисоботини эшитиб бориш;

(г) Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

(д) Дастурни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари бўйича бажарилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

459 Маданий мерос соҳасига оид маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» 2024 йил 24 майдаги ПФ–80-сон Фармони билан:

моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш;

Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома бериш;

археология ашёсининг Археология ашёлари давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилиши тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларга мувофиқ давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 августда эълон қилинган.

4. Маданий мерос агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб боришни жорий этсин.

5. Адлия вазирлиги:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши юзасидан ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентлар талабларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансбдор шахсларига нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жазоларни қўлласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Маданий мерос агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги директори Б.Г. Абдикаримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 август,
512-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 августдаги 512-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос
объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва Давлат хизматлари марказлари орқали моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш бўйича ваколатли органга мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахс;

ваколатли орган — моддий маданий мерос объектлари давлат кадастри тўғрисидаги маълумотларни юритувчи Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг ҳудудий бошқармалари;

давлат кадастри — табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизими;

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри (кейинги ўринларда — Давлат кадастри) — ўзида моддий маданий мерос объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилаб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.

3. Давлат кадастрини юритиш маданий мерос объектларига доир мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни, маданий мерос объектларининг миқдорий ва сифат тавсифларини ҳисобга олишни, маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолашни, кадастр ахборотини туркумлаштириш, сақлаш ва янгилашни, маданий мерос объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни тузишни, маданий мерос объектлари сони ўзгарган тақдирда, Давлат кадастрлари ягона тизимига янгиланган геоахборот маълумотларни тақдим этиб боришни ҳамда фойдаланувчиларни кадастр ахбороти билан таъминлашни ўз ичига олади.

4. Давлат кадастрини юритиш ишлари маданий мерос соҳасига ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Давлат кадастрининг мазмуни

5. Давлат кадастрида республика ҳудудидаги барча моддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

Давлат кадастрида ахборот алифболи-рақамли (матнли, жадваллар, ведомостлар) ва чизиқли-графикли (рақамли-график чизмалар, режалар, схемалар, уч ўлчамли моделлар, кесимлар ва ўлчамлар) шаклларда юритилади.

6. Давлат кадастри:

моддий маданий мерос объектларининг географик жойлашиши ҳақидаги маълумотларни;

моддий маданий мерос объектларининг миқдорий ва сифат тавсифлари ҳисобини ўз ичига олади.

7. Маданий мерос объектларини ҳисобга олиш ахбороти:

кадастр тартиб рақамини;

номини;

жойлашган жойини;

типологик тегишлилигини;

сана қўйишни;

мулкдор, эгаси, фойдаланувчи ёки ижарага олувчи — юридик ёки жисмоний шахснинг номини ва манзилини;

моддий маданий мерос объектининг идоравий мансублигини;

моддий маданий мерос объектининг мақсадли вазифасини;

тарихий маълумотларни;

моддий маданий мерос объектининг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта қуриш ва йўқотишларни;

таъмирлаш ишларини (умумий тавсиф, қиймати, вақти, муаллиф, ҳужжатлар сақланадиган жой);

бинога, иншоотга, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотларни;

идентификация рақамини;

муҳофаза зоналари ва қурилишни тартибга солиш чегараларини (тасдиқловчи ҳужжатга асосланган ҳолдаги режа, қисқача тавсиф) ўз ичига олади.

8. Қўйидагилар:

археология ёдгорликлари учун: сана қўйиш (даври), қидириш ва қазилар ишлари ким томонидан ва қачон бажарилгани, топилган материалларнинг сақланиш жойи;

тарих ёдгорликлари (диққатга сазовор жойлар) учун: пайдо бўлиш тарихи, объект ёдгорлик аҳамиятига эга эканлиги билан боғлиқ воқеалар ва шахсларнинг қисқача тавсифи;

архитектура ва монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллиф, қурувчи, буюртмачи, қурилган санаси (даври) тарихий маълумотлар ҳисобланади.

9. Моддий маданий мерос объекти тавсифи:

номи;

типологик мансублиги;

манзили;

замонавий фойдаланилиши;
тарихий маълумотлар;
ёдгорликнинг дастлабки қиёфасини ўзгартирган қайта қуришлар ва йўқотишлар;
илмий-тарихий ва бадий аҳамияти;
асосий библиография, архив манбалари, иконографик материал;
техник ҳолати;
муҳофаза қилиш тизими;
муҳофаза қилиш тоифаси;
муҳофаза қилишга қабул қилингани тўғрисидаги ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами;
муҳофаза зонаси чегаралари;
баланс бўйича мансублиги;
муҳофаза ҳужжатининг санаси ва тартиб рақами (мажбуриятлар);
археология ёдгорлиги учун: санаси, энг муҳим топилмалар рўяхати ва тавсифи;

тарих ёдгорликлари учун: санаси, мармар лавҳада матнлар мавжудлиги ва ўрнатилган вақти;

архитектура ёдгорликлари учун: санаси, режалаштирилиши, композицион-макон тузилмаси ва конструкцияларнинг ўзига хослиги, фасад ва интерьерлар беағи хусусияти, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, амалий санъат мавжудлиги, қурилиш материали, асосий ўлчамлари;

монументал санъат ёдгорликлари учун: муаллифи ва санаси, композицион ечими хусусиятлари, матнлар, материал, техника, ҳажми;

моддий маданий мерос объектининг ижтимоий, илмий-тарихий ва бадий аҳамиятига умумий баҳо беришдан иборат бўлади.

10. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ер участкалари (шу жумладан, муҳофаза зоналари)нинг натурада белгиланган ва мустаҳкамланган чегаралари мавжуд бўлган тақдирда, бинолар ва иншоотларнинг давлат ер кадастри ва давлат кадастрини юритувчи органларда кадастр рўяхатидан ўтказилади. Ер участкаси чегараларининг бурилиш нуқталари қозикли белгилари йўқолган тақдирда, улар ўша жойда ер участкаси чегараларининг бурилиш нуқталари ўрнатилган, дала геодезия ўлчамлари ўтказилган ёки тегишли қўламдаги топография маълумотидан фойдаланилган ҳолда ер участкалари ажратиш материаллари бўйича тикланади.

11. Моддий маданий мерос объектлари сони уларнинг амалдаги ҳолати ва фойдаланилишига кўра ҳисобга олинади.

12. Моддий маданий мерос объектларининг сифатга доир тавсифини ҳисобга олиш:

сана (даври) қўйишни;
техник ҳолатни;
архитектура беағини;
бадий нақшларни ўз ичига олади.

13. Техник ҳолат қуйидаги таснифлаш бўйича баҳоланади: яхши, ўрта, ёмон, авария ҳолатида.

14. Муҳофаза тизими муҳофаза тоифасини (республика аҳамиятига, маҳаллий аҳамиятга эгалити), муҳофаза учун қабул қилиниши тўғрисидаги ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақамини ўз ичига олади.

15. Моддий маданий мерос объектлари, шу жумладан уларнинг қиймати, улардан самарали фойдаланишни белгилаш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш, суғурта, ижара тўлови ставкалари, уларни таъмирлаш, консервация қилиш харажатларини қоплаш ва жорий тузатиш учун баҳоланади.

16. Моддий маданий мерос объектлари қиймати ваколатли орган томонидан тасдиқланган методика бўйича баҳоланади.

17. Давлат кадастри кадастр ахборотининг узлуксиз янгиланишини таъминловчи асосий ва жорий турларни ўз ичига олади.

Давлат кадастрининг асосий турини юритишда маданий мерос объектлари барча турларининг бирламчи ҳисоби амалга оширилади, уларнинг сони кўрсатилади ва натурада ер участкалари чегаралари белгиланади (ер участкаларини рўйхатдан ўтказиш маълумотлари асосида).

Жорий турда кадастрга кадастрнинг асосий тури ўтказилгандан кейин маданий мерос объекти бўйича рўй берган барча ўзгартиришлар киритилади.

18. Моддий маданий мерос объектига кадастр ҳужжатлари:

маданий мерос объектига мулк ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлардан;

маданий мерос объекти кадастр ишидан;

кадастр дафтарида;

кадастр харитасидан (режадан);

моддий маданий мерос объектининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботдан иборат бўлади.

19. Моддий маданий мерос объектининг кадастр харитаси (режаси) кадастр объектларининг жойлашган жойини, уларнинг чегараларини, муҳофаза зоналарини, баҳолаш, миқдорий ва сифат тавсифларини акс эттирувчи чизиқли ҳужжат ҳисобланади ҳамда қоғозда, магнит ва бошқа манбаларда тузилади.

20. Маданий мерос объекти кадастр иши кадастр объектига ҳуқуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган паспорт, ҳужжатлар, материаллар ва кадастр суратга олиш ҳужжатлари, техник хатлаш ва паспортлаштириш, махсус текшириш ва қидирувлар, кадастр объектининг сифат ва қиймат баҳосидан иборат бўлади.

21. Кадастр дафтари маданий мероснинг кадастр объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати ҳисобланади ҳамда унда уларнинг географик жойлашиши, ҳуқуқий мақоми, миқдорий ва сифат тавсифлари ва баҳолаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

3-боб. Давлат кадастрига киритиш ва чиқариш тартиби

22. Тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни Давлат кадастрига киритиш ёки чиқариш:

давлат мулки бўлган маданий мерос объектларига нисбатан — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган маданий мерос объектларига нисбатан — юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

23. Давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схемага асосан кўрсатилади.

24. Ариза берувчи моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат қилади ёки ЯИДХПда давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Давлат хизматидан фойдаланиш учун аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

25. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса — ариза берувчи мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Ариза берувчилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

26. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobile-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

27. Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Бунда:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган, Камбағал оилалар реестрига киритилган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардан мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 50 фоизи;

давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатилгани учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

28. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — ваколатли органга ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

11,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик қўмитасидаги махсус ҳисобварағига (жумладан, 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

қолган маблағлар — ваколатли органга ўтказилади.

29. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

30. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этганда Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб реал вақт режимида уни ваколатли органга юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

31. Ваколатли орган сўровнома келиб тушгандан сўнг кўпи билан йигирма беш иш кунида Давлат кадастрига киритиш ёки чиқариш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаради. Бунда:

худудий бошқармалар 5 иш куни ичида объектни олдиндан ўрганади ва тайёрланган материалларни ваколатли органга юборади;

ваколатли орган 3 иш куни ичида тайёрланган материалларнинг асосли эканлигини ўрганиш бўйича ваколатли орган ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгашига киритади;

Илмий-эксперт кенгашининг навбатдаги мажлисига киритилган материаллар 15 иш куни ичида кўриб чиқилади ва экспертиза хулосаси қабул қилинади;

Илмий-эксперт кенгашининг экспертиза хулосасига кўра 2 иш куни ичида ваколатли орган томонидан тегишли буйруқ қабул қилинади.

32. Ваколатли орган объект Давлат кадастрига киритилгани ёки ундан чиқарилгани тўғрисида беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигига тегишли маълумотларни тақдим этади.

33. Қуйидагилар объектни моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқаришга рад этиш учун асос бўлади:

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик;

ваколатли органга ариза берувчи томонидан объектни ўрганиш учун имконият яратилмагани;

объектнинг тарихий-маданий экспертизаси хулосасида объектни Давлат кадастрига киритиш ёки чиқаришга тавсия этилмагани;

Илмий-эксперт кенгаши томонидан объектни Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқариш тўғрисида рад этиш қарори қабул қилингани.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

34. Ариза берувчи моддий маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш ёки чиқариш рад этилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўламасдан кўрсатилган камчиликни бартараф этган ҳолда, моддий маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқариш учун такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

35. Моддий маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқаришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф қилинган тақдирда, такроран қилишиш сўровнома такроран тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

36. Моддий маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқаришни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, олдин кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

37. Ваколатли орган моддий маданий мерос объектини Давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқаришни қилишган куннинг ўзида QR-код қўйилган Моддий маданий мерос объекти давлат кадастрига киритилгани ҳақидаги хулосани Давлат хизматлари марказларига (ўзи қелиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали юборади.

38. Давлат хизматлари марказлари хулоса олинганидан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон почта манзилига юборади ва бу ҳақида ариза берувчини электрон тарзда хабардор қилади.

39. Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи ўзи қелиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра унга хулосани электрон ёки қоғоз шаклида тақдим этади.

40. Ваколатли орган томонидан Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган моддий маданий мерос объектига объектнинг муҳофаза қилиш мазмунидаги маълумотлар ва объектнинг тавсифлари киритилган паспорти шакллантирилади.

41. Ваколатли орган томонидан Моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ёки ундан чиқариш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

42. Ҳудудий бошқармалар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари

Давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектларининг ҳолати устидан назоратни таъминлайди.

43. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида ариза берувчидан олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

44. Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талабларига риоя қилиниши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

45. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

46. Давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектига нисбатан кадастр ахбороти ўзгарган тақдирда, маданий мерос объектларининг эгалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бир ой муддатда бу ҳақида тегишли ҳудудий бошқармага маълум қилишлари шарт.

47. Ҳудудий бошқармалар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда уч йилда бир марта маданий мерос объектларининг ҳолатини текширади. Текшириш натижалари бўйича заруратга кўра ваколатли органга маданий мероснинг мазкур объектларини сақлаш бўйича жорий ва истикболдаги дастурларни ишлаб чиқишга доир таклифлар киритади.

48. Давлат кадастри ахбороти давлат органлари ва бошқа ташкилотларга бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ тўлаш эвазига берилади.

49. Давлат кадастрини юритишни ташкил этиш бўйича йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 августдаги 512-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари
ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида
гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматларини (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи — музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат этувчи музей жисмоний ва юридик шахс;

ваколатли орган — ариза берувчининг аризасини кўриб чиқиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома берувчи Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг ҳудудий бошқармалари;

гувоҳнома — жисмоний ва юридик шахсга Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Давлат каталоги — Миллий музей фонди таркибига киритилган ҳар бир музей ашёси ва ҳар бир музей коллекцияси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

Миллий музей фонди — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий турган музей ашёлари ва коллекциялари мажмуи бўлиб, ушбу музей ашёлари ва коллекцияларини аниқлаш ва асраб-авайлаш, ҳисобга олиш ишини марказлаштириш ҳамда уларни кенг оммага намоиш этиш мақсадида ташкил этиладиган фонд.

3. Давлат хизмати белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали гувоҳномани беришга масъул бўлган ваколатли орган томонидан кўрсатилади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

6. Ариза берувчилар Миллий музей фондининг Давлат каталогида музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома олиш учун Давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

7. Ариза берувчи шахсан ёки унинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганида, сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома нусхаси илова қилинади.

8. Ариза берувчи гувоҳнома олиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали ваколатли органга ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ сўровномани тўлдиради.

9. Ариза берувчидан ушбу Регламентга 2-иловада кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

10. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотлар тўғрисидаги текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг замонавий воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobile-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчилар ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

11. Сўровномани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

12. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши давлат хизматларини кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

14. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига шахсан келиб мурожаат этганда, сўровнома Давлат хизматлари марказлари ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади,

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

15. Ваколатли орган ўттиз иш куни ичида сўровномани кўриб чиқиб, тегишли ҳужжатлар (маълумотлар) ушбу Регламент ва сўровномага мувофиқ бўлган тақдирда, ушбу Регламентга 3-илова* билан тасдиқланган шакл бўйича QR-код (матрик штрихли код) қўйилган гувоҳномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, Давлат хизматлари марказларига (шахсан келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

16. Ариза берувчи томонидан сўровномада назарда тутилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда, ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларда нотўғри ёки уларда бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, ваколатли орган ариза берувчига камчиликларни тўлиқ кўрсатган ҳолда уларни бартараф этиш учун беш иш кунидан иборат муддат беради. Давлат хизматларини кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар ариза берувчига уч иш куни ичида юборилиши лозим.

17. Давлат хизматларини кўрсатиш муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақти давомида тўхтатиб турилади. Камчиликлар бартараф этилиб қайта тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгани учун тўлов ундирилмайди.

18. Давлат хизматлари марказлари гувоҳнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари марказлари ариза берувчи шахсан келиб мурожаат қилган тақдирда, унга гувоҳномани ариза берувчининг сўровига кўра электрон ёки қоғоз шаклда бериши шарт.

19. Ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган гувоҳномада нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланган тақдирда, ариза берувчи 15 кун ичида белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари бажарилиши бўйича давлат органининг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

22. Ариза берувчи ваколатли орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

23. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 13 августдаги 512-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига
киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот бериш
бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига (кейинги ўринларда — Давлат каталоги) киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи — археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат этувчи юридик шахс;

Археология ашёлари давлат каталоги — ҳар бир археология ашёси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

ваколатли орган — ариза берувчининг аризасини кўриб чиқиш, археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига киритилгани тўғрисида маълумотнома берувчи Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг ҳудудий бошқармалари;

маълумотнома — археология ашёси Археология ашёлари давлат каталогига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Давлат хизмати белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали маълумот беришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан кўрсатилади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

5. Давлат хизматлари Давлат хизматлари марказлари ва ЯИДХП орқали ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

6. Ариза берувчи Археология ашёларининг Давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот олиш учун Давлат хизматлари марказларига шахсан ўзи келиб мурожаат этади ёки ЯИДХПда электрон фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади ҳамда Давлат хизматлари

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

марказларига ёки ЯИДХП орқали ваколатли органга электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар кун 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш кун аризаларнинг ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

7. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказларига аризага қўйидаги ҳужжатларни (PDF, PNG ёки JPEG форматда) тақдим этади:

археология ашёсига эгалик қилаётган ёки улардан фойдаланаётган ёхуд тасарруф қилаётган фан, маданият ва таълим муассасаларининг асосий ҳисоб ҳужжатларидан олинган айнан шу ашёга оид маълумотлар;

археология ашёларини рўйхатга олиш китоби (кирим китоби)нинг маълумот олинadиган ашёга оид қисми (мавжуд бўлганида).

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Ариза берувчидан ушбу Регламентнинг 7-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Ариза берувчи шахсан ёки унинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари марказлари ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради. Сўровномага мазкур Регламентнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза берувчи ишончнома асосида ҳаракат қилаётганида, сўровномага нотариал тасдиқланган ишончнома нусхаси илова қилинади.

10. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Mobile-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари, ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

11. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим ундирилмайди.

12. Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

13. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганида, унинг сўровномаси Давлат хизматлари марказлари ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади, ЯИДХП орқали мурожаат этганда, автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали юборилган мурожаатлар ваколатли орган томонидан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

15. Археология ашёси Давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақида маълумот тақдим этиш учун ваколатли орган масъул ходимларидан иборат комиссия тузилади. Ариза берувчи ҳамда комиссия аъзолари иштирокида археология ашёси жойида кўриб чиқилади ва далолатнома тузилади.

Шунингдек, ваколатли органга археология ашёларини рўйхатга олиш китоби (кирим китоби)нинг маълумот олинаётган ашёга оид қисми тақдим этилади.

16. Агентлик сўровнома тушган вақтдан бошлаб, ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги QR-код қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, Давлат хизмати марказларига ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

17. Давлат хизматлари марказлари маълумот келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилган тақдирда, унинг сўровига кўра Давлат хизматлари марказлари археология ашёси Давлат каталогига киритилгани ёки киритилмагани ҳақидаги маълумотни электрон ёки қоғоз шаклда тақдим этиши шарт.

3-боб. Якунловчи қоидалар

18. Давлат хизматлари марказлари ва Агентлик ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари бажарилиши бўйича давлат органининг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

20. Ариза берувчи ваколатли орган ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

460 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ай- рим тоифадаги оилаларни тоза ичимлик суви билан таъ- минлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПФ–17-сон Фармони билан:

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам ўрнига Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар (кейинги ўринларда — субсидия олувчилар)га турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби жорий этилгани;

мазкур субсидия артезиан қудуғи қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш харажатларининг 90 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ажратилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида субсидия олувчиларга артезиан қудуғи қазиш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларини қоплаш хизмати «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «ЯМИХ» АТ) орқали кўрсатилади;

б) «ЯМИХ» АТда артезиан қудуғи қазиш хизматларини кўрсатиш, сув насоси ва ичимлик суви филтрини сотиш ҳамда ўрнатиш Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга кўмаклашувчи тадбиркорлик субъектлари реестрига (кейинги ўринларда — Реестр) киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Бунда тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) томонидан «ЯМИХ» АТга киритилган оммавий офертани тасдиқлаш орқали Реестрга бепул ва ихтиёрийлик асосида киритилади;

в) субсидия олувчилар томонидан артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ва ўрнатиш хизматлари «ЯМИХ» АТ орқали мустақил танланади ва харид қилинади;

г) субсидия олувчиларнинг артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларининг

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 августда эълон қилинган.

90 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади. Бунда:

2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам учун Давлат бюджетидан ажратилган харажатларнинг қолган қисми мазкур тадбирларга йўналтирилади;

2026 йилдан бошлаб ушбу тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилади.

3. Субсидия олувчиларга субсидия қуйидаги шартларнинг барчаси бир вақтнинг ўзida бажарилган тақдирда ажратилади:

субсидия олувчилар турар жойида артезиан қудуғи қазиш хизматлари, сув насоси ва сув фильтрини сотиш ва ўрнатишга доир ишлар Реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган бўлса;

субсидия олувчилар томонидан артезиан қудуғи қаздирилиб, сув насоси ва ичимлик суви фильтри ўрнатилгани тўғрисидаги ушбу оилалар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масъул вакиллари томонидан жойига борган ҳолда хулоса расмийлаштирилган бўлса;

субсидия олувчилар томонидан артезиан қудуғи қаздирилиб, сув насослари ўрнатилгани натижасида олинган сувнинг истеъмолга яроқлилиги тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқармаси масъул ходимлари томонидан жойига борган ҳолда хулоса расмийлаштирилган бўлса.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги айрим тоифадаги оилаларни ичимлик суви билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

субсидия олувчилар томонидан электрон савдо платформаси орқали артезиан қудуғи қаздириш, сув насослари ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиш бўйича буюртмалар бериш;

субсидия олувчиларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазилгани, сув насослари ўрнатилгани ҳамда ичимлик суви фильтрлари харид қилиниб, ўрнатилганини ўрганиш;

субсидия олувчиларга уларнинг турар жойида артезиан қудуғи қаздириш, сув насосларини ўрнатиш ҳамда ичимлик суви фильтрларини харид қилиб, ўрнатиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби.

5. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «ЯМИХ» АТда электрон савдо платформаси вазифасини бажарувчи «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш» ахборот модулининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг 3-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган хулосани расмийлаштириш тартибини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасидан бириктирилган масъул вакиллар томонидан ўз вақтида ушбу қарорнинг 3-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган хулосанинг расмийлаштириб борилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқармаси томонидан ушбу қарорнинг 3-банди тўртинчи хатбошисида назарда тутилган хулоса тақдим этиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 14 август,
515-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 14 августдаги 515-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида
айрим тоифадаги оилаларни ичимлик суви билан таъминлаш
харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга (кейинги ўринларда — субсидия олувчилар) турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ҳамда ўрнатиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Субсидия олувчиларга уларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ҳамда ўрнатиш харажатларининг 90 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

3. Субсидия олувчиларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини сотиш ва ўрнатиш хизматлари «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимининг (кейинги ўринларда — «ЯМИХ» АТ) Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қўмаклашувчи тадбиркорлик субъектлари реестрига (кейинги ўринларда — Реестр) киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

Реестрга киритиладиган ҳар бир тадбиркорлик субъекти артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва сув фильтрларини сотиш ҳамда ўрнатиш фаолиятини амалга ошириш имкониятига, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тегишли лицензия ёки рухсатномага эга бўлиши талаб этилади;

субсидия олувчилар томонидан «ЯМИХ» АТ орқали Реестрга киритилган ҳамда артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини сотувчи ҳамда ўрнатувчи тадбиркорлик субъектлари мустақил танланади.

4. Субсидия олувчилар турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви фильтрларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларини қоплаш учун субсидия ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ схема асосида ажратилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Субсидия олувчиларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини харид қилиш ва ўрнатиш тартиби

1-§. Артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини сотиш ва ўрнатиш хизматларини электрон платформа орқали савдога чиқариш тартиби

5. Артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини сотиш ва ўрнатиш тўғрисидаги тижорий таклифлар «ЯМИХ» АТга Реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари томонидан жойлаштирилади.

6. Артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини сотиш ва ўрнатиш хизматларини кўрсатиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари «ЯМИХ» АТда электрон офертани тасдиқлаш орқали бепул ва ихтиёрийлик асосида авторизациядан ўтган ҳолда Реестрга киради.

Тадбиркорлик субъектлари Реестрга кириш учун «ЯМИХ» АТда авторизациядан ўтишда қуйидаги маълумотларни кўрсатади:

юридик шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ҳамда телефон рақами;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) ҳамда телефон рақами;

тадбиркорлик субъекти ва унинг филиали юридик манзиллари, ҳисобварағи, банк реквизитлари, ишончли вакили ҳақида маълумотлар ҳамда унинг телефон рақами;

артезиан қудуғи қазиш хизматини кўрсатишда фойдаланиладиган махсус транспорт ҳамда бошқа воситаларининг турлари ва номи, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг мувофиқлик сертификати рақамлари ҳамда амал қилиш муддатлари;

сотиладиган ва ўрнатиб бериладиган сув насослари ҳамда ичимлик суви филтёрларининг турлари, номи ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг мувофиқлик сертификати рақамлари ҳамда амал қилиш муддатлари;

сотиладиган ва ўрнатиб бериладиган сув насослари ҳамда ичимлик суви филтёрларининг хизмат кўрсатиш ва кафолат муддатлари.

7. Авторизациядан тегишли маълумотлар тўлдирилиб, электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) ёки «ЯМИХ» АТда «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификация қилишнинг ягона ахборот тизими (OneID) орқали тасдиқлангандан сўнг ўтилади.

Бунда тадбиркорлик субъекти электрон офертани тасдиқлаганидан сўнг улар томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги «ЯМИХ» АТда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали автоматик тарзда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектлари кўрсатган маълумотлар тўғрилиги ҳамда улар-

нинг фаолияти тугатилмагани аниқланган тақдирда, тадбиркорлик субъектлари Реестрга киритилади ҳамда улар учун «ЯМИХ» АТда шахсий кабинет очилади. Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган тадбиркорлик субъектлари Реестрга киритилмайди.

Реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари электрон савдо платформасида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтрларини сотиш ва ўрнатиш тўғрисидаги тижорий таклифларни жойлаштириш учун ушбу платформада ҳам рўйхатдан ўтиши лозим.

8. Қуйидагилар тадбиркорлик субъектларини Реестрдан чиқариш учун асос ҳисобланади:

тадбиркорлик субъекти тугатилганда ёки банкрот деб топилганда;

артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтрларини сотиш ҳамда ўрнатиш бўйича буюртма айтиб берган тадбиркорлик субъекти томонидан икки ва ундан кўп мартаба белгиланган тартиб ёки муддатларда бажарилмаганда;

тадбиркорлик субъекти кафолат муддати даврида яроқсиз ҳолатга келган сув насослари ва ичимлик суви филтрларини таъмирлаб ёки янгисига алмаштириб бермаганда.

9. Реестрга киритилган тадбиркорлик субъектлари артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтрларини сотиш ҳамда ўрнатиш бўйича хизмат ва товарларни электрон платформа орқали реализация қилиш учун улар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни «ЯМИХ» АТга Вазирлик томонидан тасдиқланган техник талабларга мувофиқ жойлаштиради:

ҳар бир товар ва хизматларнинг номи, нархи, фойдаланиш ва кафолат муддатлари, уларнинг техник тавсифи ва кўрсаткичлари, фойдаланиш бўйича йўриқнома, кафолат ва фойдаланиш муддатлари тугамасдан ёки тугаганидан сўнг амалга ошириладиган тадбирлар;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда мувофиқлиги баҳоланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар бўйича уларнинг мувофиқлик сертификати ва давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар;

Вазирлик томонидан белгиланган талаблар бўйича ҳар бир товарнинг турли томондан олинган фотосуратлари. Бунда реализация қилинадиган товарга мувофиқ келмайдиган фотосуратларни жойлаштириш тақиқланади.

10. Товарларнинг техник талабларга мувофиқлиги ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги Вазирликнинг масъул ходимлари томонидан «ЯМИХ» АТда қабул қилингандан сўнг улар электрон платформа орқали савдога чиқарилади.

Бунда техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда олиниши лозим бўлган мувофиқлик сертификати ёки давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома олинмаганда ёхуд уларнинг амал қилиш муддати тугаганда ушбу товарларни савдога чиқаришга йўл қўйилмайди.

2-§. Субсидия олувчилар томонидан артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини электрон платформа орқали харид қилиш тартиби

11. Турар жойида артезиан қудуғи қазиш, сув насоси ва ичимлик суви филтёри харид қилиш ҳамда ўрнатиш бўйича буюртма шакллантириш учун субсидия олувчининг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили «ЯМИХ» АТда ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ сўровномани тўлдирган ҳолда электрон шаклда рўйхатдан ўтиш ҳақида ариза юборади.

Бунда сўровномага киритилган маълумотлар шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усуллари (СМС-хабарнома, «Face-ID») ёки «ЯМИХ» АТда яратилган махсус идентификация қилиш (Ягона идентификация тизими (OneID), Mobile-ID) орқали тасдиқлангандан сўнг рўйхатдан ўтказилади, ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Субсидия олувчиларнинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига борган ҳолда ёки маҳалладаги ижтимоий ходимларга мурожаат қилиш орқали «ЯМИХ» АТда рўйхатдан ўтиши мумкин. Бунда «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ходими ёки маҳалладаги ижтимоий ходим субсидия олувчиларнинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки унинг қонуний вакили номидан «ЯМИХ» АТда рўйхатдан ўтиш бўйича сўров юборади.

13. Ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларига мувофиқ сўров юборилганда, унда кўрсатилган оилаларнинг ҳақиқатда мазкур Низомнинг талабларига мос келиши «ЯМИХ» АТ орқали автоматик равишда текширилади. Бунда:

сўровда кўрсатилган оилалар ушбу Низом талабларига мос келса, у «ЯМИХ» АТда рўйхатдан ўтказилиб, унга электрон платформа орқали буюртма беришга рухсат берилади;

сўровда кўрсатилган оилалар ушбу Низом талабларига мос келмаса, «ЯМИХ» АТда рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

Сўровда кўрсатилган оилалар ушбу Низом талабларига мос келганда, сўров юборилган кунга қадар беш йил ичида артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини харид қилиш ҳамда ўрнатиш харажатларини қоплаш бўйича субсидиядан фойдаланган бўлса, «ЯМИХ» АТда рўйхатдан ўтказиш рад этилади.

14. Субсидия олувчи оиланинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили «ЯМИХ» АТ орқали артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини харид қилиш ҳамда ўрнатиш бўйича буюртма шакллантиради ва тасдиқлаган ҳолда ижрога юборади. Бунда:

артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтёрларини сотиш ҳамда ўрнатиш хизматлари айна бир тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилиши инобатга олинган ҳолда буюртма шакллантирилади;

агарда субсидия олувчиларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазилган

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўлса ёки сув насоси ёхуд ичимлик суви фильтри мавжуд бўлса, электрон платформа орқали ўзига керакли товар ва хизматларни харид қилиш бўйича буюртма қилиниши мумкин.

15. Тасдиқланган ва ижрога юборилган буюртма автоматик равишда тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинетига келиб тушади. Бунда тадбиркорлик субъекти уч иш куни ичида:

юборилган буюртмани кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

тасдиқланган буюртмага мувофиқ субсидия олувчи оилаларнинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили билан келишган ҳолда унинг турар жойида артезиан қудуғи қазилар ва сув насоси ҳамда ичимлик суви фильтрини ўрнатиш муддатини белгилайди;

артезиан қудуғи қазилар, сув насоси ва ичимлик суви фильтрини ўрнатиш бўйича дастлабки тўловни амалга ошириш тўғрисида субсидия олувчи оиланинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакилининг «ЯМИХ» АТдаги шахсий кабинетига хабар юборади.

Ушбу банднинг учинчи хатбошисига мувофиқ белгиланадиган муддат артезиан қудуғи қазилар, сув насоси ва ичимлик суви фильтрини ўрнатиш муддатини инобатга олган ҳолда бир ойдан ошмаслиги лозим.

Субсидия олувчилар томонидан шакллантирилган ҳар бир буюртманинг ижро ҳолати бўйича уларнинг мобил алоқа воситалари рақамига «ЯМИХ» АТ орқали СМС-хабарнома жўнатилади.

16. Субсидия олувчиларнинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки қонуний вакили тадбиркорлик субъекти томонидан унинг шахсий кабинетига юборилган хабарни олган вақтдан бошлаб икки иш куни ичида «ЯМИХ» АТ орқали шакллантирилган буюртма нархининг 10 фоизи миқдоридаги дастлабки тўловни ягона биллинг тизими орқали тадбиркорлик субъектининг «ЯМИХ» АТдан рўйхатдан ўтишда кўрсатилган ҳисобварағига электрон шаклда тўлайди.

Агарда шакллантирилган буюртма нархи ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган субсидия нархидан юқори бўлганда, субсидия олувчилар томонидан ўртада шаклланган салбий фарқ ҳам дастлабки тўлов билан бир вақтда тўланиши талаб этилади.

17. Субсидия олувчилар томонидан амалга оширилган дастлабки тўлов, шунингдек, буюртма ва ажратиладиган субсидия миқдори ўртасидаги салбий фарқ тўлангани тўғрисида «ЯМИХ» АТ томонидан тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинетига автоматик равишда хабарнома юборилади.

3-§. Тадбиркорлик субъекти томонидан артезиан қудуғи қазилар, сув насоси ва ичимлик суви фильтрини етказилар ва ўрнатиш тартиби

18. Тадбиркорлик субъекти ушбу Низомнинг 15-бандида белгиланган муддатда субсидия олувчиларнинг турар жойига етиб бориши ҳамда артезиан қудуғини қазилар, сув насоси ва ичимлик суви фильтрини ўрнатиши лозим.

Агарда тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу Низомнинг 15-банди бешинчи хатбошисида белгиланган муддатда артезиан қудуғини қазилар, сув

насоси ва ичимлик суви филътрини ўрнатиш ишлари бошланмаса, субсидия олувчилар шахсий кабинети орқали буюртмани бекор қилиши ҳамда янги буюртма бериши мумкин. Бунда:

субсидия олувчилар томонидан тадбиркорлик субъектига олдиндан тўланган дастлабки тўлов ҳамда буюртма ва ажратиладиган субсидия миқдори ўртасидаги салбий фарқ (агар мавжуд бўлса) тадбиркорлик субъекти томонидан беш иш кун ичида субсидия олувчиларга белгиланган тартибда қайтарилиши шарт;

тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган талаб бажарилмаган тақдирда, тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилояти бошқармаси субсидия олувчига тегишли маблағларни ундириши бўйича судга мурожаат қилишга қўмаклашади.

19. Тадбиркорлик субъекти камбағал оилаларнинг турар жойида артезиан қудуғи қазилиб, сув насоси ва ичимлик суви филътри ўрнатилганидан сўнг бир иш кун ичида бу тўғрисида тегишли фотосуратларни илова қилган ҳолда «ЯМИХ» АТга маълумот киритади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан «ЯМИХ» АТга буюртма бажарилгани тўғрисида маълумот киритилганидан сўнг бу ҳақида «ЯМИХ» АТ орқали буюртмаси бажарилган субсидия олувчи яшовчи маҳалланинг раиси, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқармасидан бириктирилган масъул вакилларга (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) электрон шаклда уларнинг «ЯМИХ» АТдаги мобил алоқа воситалари рақамига СМС-хабарнома юборилади.

20. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси СМС-хабарномани олган вақтдан бошлаб беш кун ичида субсидия олувчиларнинг турар жойига борган ҳолда буюртма ҳақиқатда бажарилгани ва тадбиркорлик субъекти томонидан «ЯМИХ» АТга киритилган маълумотлар тўғри эканлигини ўрганади.

Ўрганиш натижасида буюртма ҳақиқатда бажарилгани ва тадбиркорлик субъекти томонидан «ЯМИХ» АТга киритилган маълумотлар тўғри эканлиги тасдиқланса, Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси «ЯМИХ» АТда субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосани маъқуллайди.

21. Қуйидаги ҳолатларда буюртма бажарилмаган деб ҳисобланади ва тадбиркорлик субъектига унинг шахсий кабинети орқали «ЯМИХ» АТ ёрдамида Ишчи гуруҳнинг рад этиш хулосаси бўйича хабарнома юборилади:

тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ёки Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасидан бириктирилган масъул вакиллар томонидан артезиан қудуғи белгиланган талаб ва шартлар асосида қазилмаган деб хулоса қилинса;

тегишлилиги бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат

саломатлиги қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилояти бошқармасидан бириктирилган масъул вакиллар томонидан ичимлик суви филтритдан олинган сув истеъмол учун яроқсиз деб хулоса қилинса.

22. Ишчи гуруҳ томонидан субсидия ажратиш маъқуллангани ёки рад этилгани тўғрисидаги хабар «ЯМИХ» АТга автоматик равишда юборилади. Бунда:

субсидия ажратиш маъқулланган тақдирда, буюртма «ижро этилган» ҳамда «тўлов кутилмоқда» ҳолатига ўтади;

субсидия ажратиш рад этилган тақдирда, буюртма «ижро этилиши кутилмоқда» ҳолатига ўтади.

3-боб. Субсидия ажратиш тартиби

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Давлат молиясини бошқариш» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ДМБАТ) артезиан қудуғи қазил, сув насоси ва ичимлик суви филтрларини харид қилиш ва ўрнатиш бўйича ажратиладиган субсидия тўловларини амалга ошириш ҳамда ҳисобини юритиш учун Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқармаларида алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.

24. Ишчи гуруҳ томонидан субсидия ажратиш маъқуллангани тўғрисидаги хабар келиб тушганидан сўнг бу тўғрисидаги маълумотлар «ЯМИХ» АТ орқали Давлат имтиёзлари ягона электрон платформасига юборилади.

Давлат имтиёзлари ягона электрон платформаси орқали буюртманинг нархи миқдоридан, бироқ ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган субсидия миқдоридан кўп бўлмаган маблағ ДМБАТга йўналтирилади. Бунда ДМБАТ томонидан тегишли субсидия тадбиркорлик субъектининг банк ҳисобварағига буюртма бажарилгани Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқлангандан сўнг автоматик тарзда ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектининг банк ҳисобварағига субсидияни ўтказиш дам олиш кунига ёки байрам ёхуд бошқа ишланмайдиган кунга тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.

Буюртма нархи ажратиладиган субсидия миқдоридан кам бўлган тақдирда, ўртадаги ижобий фарқ суммаси шахсий ғазна ҳисобварағида қолдирилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

25. Тадбиркорлик субъектлари улар томонидан қабул қилинган буюртмаларни сифатли ва белгиланган муддатда бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

26. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган сув насослари ва ичимлик суви филтрларига уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан берилган кафолат муддати тугагандан сўнг ҳамда субсидия олувчилар томонидан зиён етказилганда шахсий жавобгарлик субсидия олувчига ўтади.

27. Субсидия олувчилар сув насоси ва ичимлик суви филтритдан фойда-

ланиш йўриқномаси билан тўлиқ танишиб чиқиши ҳамда ундан фойдаланиш тартиб ва қоидаларига риоя қилиши лозим.

28. Субсидия олувчилар томонидан ушбу Низомга мувофиқ ажратилган субсидия асосида харид қилинган сув насоси ва ичимлик суви филтрини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш ёки совға қилиш ҳамда сотиш қатъиян тақиқланади.

29. Ушбу Низомда назарда тутилган СМС-хабарномаларни юбориш билан боғлиқ харажатлар Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

30. Артезиан қудуғи қазиш, сув насослари ва ичимлик суви филтрларини харид қилиш ҳамда ўрнатиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

31. Субсидия олувчиларнинг вояга етган муомалага лаёқатли аъзоси ёки уларнинг қонуний вакиллари электрон платформада буюртма шакллантириш, субсидия ажратиш ҳамда артезиан қудуғи қазиш, сув насоси ва ичимлик суви филтрини ўрнатиш бўйича тегишли ходимлар ва тадбиркорлик субъектларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

32. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**461 Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида
хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш тўғрисидаги тех-
ник регламентни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, хусусан, ушбу маҳсулотларда хавфли моддаларни ишлатишни чеклашга доир ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш талаблари ҳамда ушбу маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолашни назарда тутувчи Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш тўғрисидаги техник регламент 1-иловага мувофиқ;

Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

3. Энергетика вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва моҳияти ҳамда уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 август,
517-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 августда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 августдаги 517-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида
хавфли моддаларни ишлатишни чеклаш тўғрисида
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилаётган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларида хавфли моддаларни ишлатишни чеклашга доир қўлланилиши ва бажарилиши мажбурий бўлган ягона талабларни белгилайди.

2. Ушбу Техник регламент талаблари рўйхати 1-иловада* келтирилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари ушбу Техник регламентга, шунингдек, электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига тегишли амалдаги бошқа техник регламентлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилади.

4. Техник регламент қуйида келтирилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилмайди:

давлат мудофааси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг махсус техник воситалари учун ишлатиладиган;

Техник регламентга 1-иловада келтирилмаган ўзгарувчан токда 1000 V дан ва ўзгармас токда 1500 V дан юқори бўлган;

Техник регламентга 1-иловада келтирилмаган электротехника жиҳозларининг таркибий қисмлари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган;

фотоэлектрик панеллар (қуёш батареялари);

ерусти ва орбитал космик объектлар таркибида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотлар;

фақат ҳаво, сув, ерусти ва ерусти транспортида фойдаланиш учун мўлжалланган электр жиҳозлари;

электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари таркибий қисми сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган электр батареялари ва аккумуляторлар;

олдин фойдаланилган ва (ёки) фойдаланишда бўлган жиҳозлар;

катта стационар саноат жиҳозлари;

ўлчаш воситалари;

тиббиёт буюмлари;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун махсус лойиҳалаштирилган жиҳозлар.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Ушбу Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

бир хил (бир турдаги) материал — доимий таркибга эга бўлиб, битта моддадан ёки моддалар ва материалларнинг бирикмасидан иборат бўлган, уларни механик равишда ажратиб бўлмайдиган маҳсулотлар;

импорт қилувчи — электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ташқи савдо битимини тузиб, ушбу маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарадиган ва унинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

ишлаб чиқарувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланувчи ҳамда ушбу ускуналарнинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик шахс, шу жумладан, хорижий ишлаб чиқарувчи;

электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари — тўғридан-тўғри фойдаланишга мўлжалланган машиналар, механизмлар, аппаратлар, мосламалар ва қурилмалар ичига ўрнатилган электр тоқлари ва (ёки) электромагнит майдонларнинг мавжудлиги, ишлатилиши, ҳосил бўлиши, конверсияси, узатилиши ва тақсимланиши билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар;

электр ўйинчоқ — электр энергияси ҳисобидан камида битта функцияни бажарадиган ўйинчоқ.

2-боб. Хавфли моддаларни қўллашни чеклаш бўйича талаблар

6. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва тайёрланишида уларнинг таркибида рўйхати ушбу Техник регламентга 2-иловада* келтирилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари таркибидаги бир хил турдаги (гомоген) материаллардаги хавфли моддалар белгиланган концентрациядан ортиқ бўлмаслиги керак.

7. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига нисбатан хавфли моддалардан фойдаланишни чеклаш 3-иловада* келтирилган махсус талабларга асосан бекор қилинади.

3-боб. Қадоқлаш, тамғалаш ва фойдаланиш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар

8. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг фойдаланиш ҳужжатлари давлат тилидаги паспорт, ўрнатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўриқномаси ҳамда ундан фойдаланиш қўлланмасини ўз ичига олиши керак.

9. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотининг номи ва (ёки) белгиланиши (тури, маркаси, модели (агар мавжуд бўлса), унинг асосий параметрлари ва хусусиятлари, ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) товар

* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

белгиси, электротехника ва радиоэлектроника маҳсулоти ишлаб чиқарилган давлат номи, ушбу маҳсулотнинг қўлланиши унга бириктирилган техник ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

Қадоқларга электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотининг номи (тури, маркаси, модели (агар мавжуд бўлса), ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) товар белгиси жойлаштирилиши керак.

10. Ушбу Техник регламентнинг 9-бандида назарда тутилган маълумотларни электротехника ва радиоэлектроника маҳсулоти юзасига жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, ушбу маҳсулотга бириктирилган фойдаланиш ҳужжатларида кўрсатилиши мумкин.

11. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотининг тамғаси кўриш учун қулай бўлган жойга осон ўқиладиган ва тушунарли ёзилган бўлиши, фойдаланиш даврида ўчиб кетмаслиги ҳамда текширилишида қўшимча қурилмалар талаб этилмаслиги керак.

12. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг фойдаланиш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ушбу Техник регламентнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлар;

маҳсулотнинг хусусиятлари ва параметрлари;

фойдаланиш шароитида атроф-муҳитни муҳофаза этиш чоралари ва қоидаси (ишлатилиши), ўрнатиш, сақлаш, ташиш (ташишни ташкил этиш), маҳсулотни сотувга чиқариш ва йўқ қилиш (зарур ҳолларда);

маҳсулотнинг нотўғри ишлаши аниқланганда кўриладиган чоралар тўғрисидаги маълумот;

ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахсининг), импорт қилувчининг номи ва жойлашган жойи, улар билан боғланиш маълумотлари;

маҳсулот ишлаб чиқарилган ой ва йил ёки бундай маълумот қўлланилган жой ёки ишлаб чиқарилган йилни аниқлаш усули тўғрисидаги маълумот.

13. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг жамланмаси билан бирга тақдим қилинадиган тамғалаш ва техник ҳужжатларда фойдаланилган катталик бирликлари қонунчиликда белгиланган тартибда қўлланилади. Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларда юқоридаги талаблар экспорт қилинаётган давлат қонунчилиги талабларига мос бўлган ҳолда амалга оширилишига йўл қўйилади.

14. Фойдаланиш бўйича кўрсатмалар қоғоз шаклида бўлиши лозим. Уларга электрон ташувчи кўринишдаги ҳужжатлар тўплами ҳам қўшилиши мумкин. Майший бўлмаган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари тўпламига киритилган фойдаланиш бўйича йўриқнома фақат электрон ахборот ташувчилар орқали амалга оширилиши мумкин.

4-боб. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш

15. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг ушбу Тех-

ник регламентга мувофиқлиги унинг хавфли моддалардан фойдаланишни чеклаш бўйича талаблар мос келиши орқали таъминланади.

Ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлмаган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига мувофиқлик белгиси қўйилмайди ва Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилмайди.

16. Ушбу Техник регламент талабларига ихтиёрий равишда риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда техник регламентларда белгиланган маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган, намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усуллари белгилайдиган стандартлар Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланадиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

5-боб. Мувофиқликни баҳолаш

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариладиган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги баҳоланиши шарт.

Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг ушбу Техник регламентнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мувофиқликни декларация қилиш ёки сертификатлаштириш шаклларида амалга оширилади.

18. Мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланиши лозим бўлган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг рўйхати ушбу Техник регламентга 1-иловада келтирилган.

19. Ушбу Техник регламентда келтирилган мажбурий тартибда мувофиқлиги декларация қилинадиган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг мувофиқлиги ариза берувчининг ихтиёрига кўра сертификатлаштириш шаклида тасдиқланиши мумкин.

20. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг Техник регламент талабларига мувофиқлиги қуйидаги схемаларнинг бирини қўллаш билан декларация қилиш орқали тасдиқланади:

1Д схема — серияли ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун ариза берувчининг ўз далилларига асосланиб мувофиқликни эълон қилишда қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади;

2Д схема — электротехника ва радиоэлектроника маҳсулоти тўпи ёки ягона маҳсулот учун ариза берувчининг ўз далиллари асосида мувофиқликни эълон қилишда қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган юридик шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади;

3Д схема — серияли ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулоти учун синов лабораторияси иштирокида олинган далиллар ва ариза берувчининг ўз далиллари (агар мавжуд бўлса) асосида мувофиқликни декларация қилишда қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади;

4Д схема — электротехника ва радиоэлектроника маҳсулоти тўпи ёки

ягона маҳсулот учун, синов лабораторияси иштирокида олинган далиллар ва ариза берувчининг ўз далиллари (агар мавжуд бўлса) асосида мувофиқликни декларация қилишда қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс юридик шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади;

6Д схема — ишлаб чиқарувчи менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан сертификатланиб, жорий этилган менежмент тизимига эга бўлган серияли ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади.

21. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг ушбу Техник регламент талабларига сертификатлаштириш орқали мувофиқлигини тасдиқлаш қуйидаги схемаларнинг бирини қўллаш билан амалга оширилади:

1С схема — серияли ишлаб чиқариладиган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларини сертификатлаштиришда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

2С схема — ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган туркум ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

3С схема — электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг тўпи учун қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган маҳсулотлар ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди;

6С схема — тайёр электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг синов ва ўлчашларида Техник регламент талабларига мувофиқлигини тўлиқ тасдиқлаш имкони мавжуд бўлмаганда ҳамда ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган туркум ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколат берган шахс) ҳисобланади ва сертификатланган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди.

22. Мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик тўғрисидаги декларация Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги ҳамда Хавф даражаси юқори бўлмаган маҳсулотларнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

23. Серияли ишлаб чиқариладиган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун мувофиқлик сертификати 3 йилга расмийлаштирилади.

Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг тўпи учун мувофиқлик сертификати унинг яроқлилик ёки кафолат муддатига расмийлаштирилади.

24. Фойдаланиш ҳужжатлари, шу жумладан, мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар:

серияли ишлаб чиқарилган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлар учун — ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакили томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш тугатилган кундан бошлаб 5 йилдан кам бўлмаган муддатда;

электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари тўпи учун — импорт қилувчи ёки унинг ваколатли вакили томонидан тўпдан охириги маҳсулот сотилган кундан бошлаб 5 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади.

6-боб. Маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш

25. Ушбу Техник регламент 5-боби талабларига мувофиқлиги тасдиқланган электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари мувофиқлик белгиси билан тамғаланиши шарт.

26. Электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари мувофиқлик белгиси билан улар муомалага чиқарилишидан олдин тамғаланади.

27. Мувофиқлик белгиси ҳар бир электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларининг ўзига ҳамда унга илова қилинадиган фойдаланиш ҳужжатларига қўйилади. Агарда электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотларига мувофиқлик белгисини бевосита қўйишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу белгини маҳсулот қадоғига қўйишга рухсат этилади ҳамда унга илова қилинадиган фойдаланиш ҳужжатларида кўрсатилади.

7-боб. Ўтиш даври

28. Ушбу Техник регламент кучга кирган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган ҳамда электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун хавфсизлик талабларини белгилайдиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Техник регламент билан мослаштирилгунига қадар ушбу Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари амалда қўлланади.

29. Техник регламент кучга киргунга қадар электротехника ва радиоэлектроника маҳсулотлари учун олинган мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар ушбу ҳужжатларда белгиланган муддатлар давомида амалда бўлади.

8-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

30. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**9-боб. Техник регламент талаблари бузилгани учун
жавобгарлик**

31. Ушбу Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

462 Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2820-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-maydagi PF-84-son "Kambag'al oilalarni davlat tomonidan ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2016-yil 12-iyul 7-mh, 52-son qarori (ro'yxat raqami 2820, 2016-yil 3-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 31-son, 383-modda) bilan tasdiqlangan Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab
ta'limi vaziri**

X. UMAROVA

Toshkent sh.,
2025-yil 14-iyul,
6-mh-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-iyul,
271-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining
2025-yil 14-iyuldagi 6-mh-son hamda Iqtisodiyot
va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi
271-son qaroriga
ILOVA

**Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun
guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish
va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimcha**

1. 17 va 18-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Umumiy o'rta ta'lim muassasasining uzaytirilgan kun guruhlariga qatnaydigan bolalar umumiy sonining 15 foizi doirasida “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali kam ta'minlangan yoki “Kambag'al oilalar reyestri” axborot moduli orqali kambag'al deb e'tirof etilgan oilalar farzandlari to'lovdan ozod qilinadi. Bunda, birinchi navbatda ota-onalaridan biri yoki har ikkisiga nogironlikning I yoxud II guruhi belgilangan kam ta'minlangan yoki kambag'al oila farzandlariga, shuningdek o'rtacha oylik daromadi eng past darajada bo'lgan kam ta'minlangan yoki kambag'al oila farzandlariga imtiyoz beriladi.

18. To'lovdan ozod qilinadigan o'quvchilar ro'yxati kam ta'minlangan yoki kambag'al oilalarning farzandlari uchun “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali berilgan oila kam ta'minlangan deb e'tirof etilganligi to'g'risidagi ma'lumotnoma yoki “Yagona milliy ijtimoiy himoya” axborot tizimi orqali berilgan shaxsning kambag'al deb e'tirof etilgan oilaning a'zosi ekanligi haqidagi ma'lumotnoma (oilaning kambag'al deb e'tirof etilganligi to'g'risidagi ma'lumotlar)ga asosan shakllantiriladi.”.

2. 19 va 20-bandlar “kam ta'minlangan” degan so'zlardan keyin “yoki kambag'al deb e'tirof etilgan” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

463 Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi
bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga
o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2821-4*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-maydagi PF-84-son
“Kambag'al oilalarni davlat tomonidan ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimini yanada
takomillashtirish to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi
qaror qiladi:

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hamda Moliya vazirligining
2016-yil 25-iyuldagi 8-mh, 55-son qarori (ro'yxat raqami 2821, 2016-yil 23-avgust)
(O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 34-son, 406-modda)
bilan tasdiqlangan Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi
bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq
o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab
ta'limi vaziri**

X. UMAROVA

Toshkent sh.,
2025-yil 14-iyul,
7-mh-son

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-iyul,
272-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining
2025-yil 14-iyuldagi 7-mh-son hamda Iqtisodiyot
va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi
272-son qaroriga
ILOVA

**Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi
bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirishlar va qo'shimcha**

1. 5-bobning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5-bob. Bolalar ta'minoti uchun to'lovdan ozod qilish”.

2. 19-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. Maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi (maktab-internatlardagi) bolalar umumiy sonining 15 foizi doirasida “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali kam ta'minlangan yoki “Kambag'al oilalar reyestri” axborot moduli orqali kambag'al deb e'tirof etilgan oilalar farzandlari to'lovdan ozod qilinadi. Bunda, birinchi navbatda ota-onalaridan biri yoki har ikkisiga nogironlikning I yoxud II guruhi belgilangan kam ta'minlangan yoki kambag'al oila farzandlariga, shuningdek o'rtacha oylik daromadi eng past darajada bo'lgan kam ta'minlangan yoki kambag'al oila farzandlariga imtiyoz beriladi.”.

3. 20-bandning “a” kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“a) kam ta'minlangan yoki kambag'al oilalarning farzandlari uchun “Ijtimoiy himoya yagona reyestri” axborot tizimi orqali berilgan oila kam ta'minlangan deb e'tirof etilganligi to'g'risidagi ma'lumotnoma yoki “Yagona milliy ijtimoiy himoya” axborot tizimi orqali berilgan shaxsning kambag'al deb e'tirof etilgan oilaning a'zosi ekanligi haqidagi ma'lumotnoma (oilalar kambag'al deb e'tirof etilganligi to'g'risidagi ma'lumotlar);”.

4. 22-band “kam ta'minlangan” degan so'zlardan keyin “yoki kambag'al deb e'tirof etilgan” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

5. 26-banddagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi” degan so'zlar “Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

464 Bojxona organlari tomonidan jismoniy va yuridik
shaxslarga ko'rsatiladigan pulli xizmatlar ro'yxati va
tariflarini tasdiqlash to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3659*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 25-martdagi PF-57-son
“Davlat bojxona xizmati organlarining faoliyati samaradorligini oshirish bo'yicha
chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. Bojxona organlari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga ko'rsatiladigan
pulli xizmatlar ro'yxati va tariflari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik
subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil
hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-iyul,
270-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 5-iyul

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 26-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-avgustda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
9-iyuldagi 270-son buyrug‘iga
ILOVA

Bojxona organlari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga
ko‘rsatiladigan pulli xizmatlar ro‘yxati va tariflari

T/r	Xizmatlar nomi	O‘lchov birligi	To‘lov miqdori (bazaviy hisoblash miqdoriga nisbatan)
I. Eksport va import operatsiyalari bo‘yicha ma’lumotlarni olish			
1.	Tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilari va bojxona brokerlarining o‘zlari tomonidan rasmiylashtirilgan (taqdim etilgan) bojxona yuk deklaratsiyalari (bundan buyon matnda BYD deb yuritiladi) bo‘yicha ma’lumot olish*:		
	BYDni yuklab olish	bir dona	2 foiz
	BYDga ilova qilingan hujjatlarni yuklab olish	BYDlardagi har bir hujjatning turi bo‘yicha	1 foiz
2.	Quyidagi ma’lumotlarni (jadval ko‘rinishida) olish*: tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilari va bojxona brokerlarining o‘zlari tomonidan rasmiylashtirilgan (taqdim etilgan) tovarlar to‘g‘risida (BYDning 1, 2, 7, 8, 9, 15, 22, 31, 32, 33, 38, 41, 42, 45, 46, C, D grafalari bo‘yicha); xo‘jalik boshqaruvi organlari tarkibidagi tashkilotlar tomonidan import va eksport qilingan tovarlar to‘g‘risida (BYDning 1, 2, 7, 8, 9, 15, 22, 31, 32, 33, 38, 41, 42, 46, C, D grafalari bo‘yicha).	100 ta tovargacha	25 foiz
		101 dan — 1 000 ta tovargacha	1 barobari
		1 001 dan — 5 000 ta tovargacha	2 barobari
		5 001 ta va undan ortiq tovar uchun	3 barobari
3.	O‘zbekiston Respublikasining tashqi savdo bojxona statistikasi (import-eksport) to‘g‘risidagi (BYDning 1, 15, 31, 33, 38, 41, 46, D grafalari bo‘yicha) ma’lumotlarni (jadval ko‘rinishida) olish*	100 ta tovargacha	50 foiz
		101 dan — 500 ta tovargacha	1 barobari
		501 dan — 1 000 ta tovargacha	2 barobari
		1 001 dan — 5 000 ta tovargacha	4 barobari
		5 001 dan — 10 000 ta tovargacha	8 barobari
		10 001 dan — 50 000 ta tovargacha	10 barobari
		50 001 dan — 100 000 ta tovargacha	12 barobari
		100 001 dan — 500 000 ta tovargacha	13 barobari
		500 001 ta va undan ortiq tovar uchun	15 barobari

4.	Mazkur ro'yxatning 2-bandida nazarda tutilgan ma'lumotlarga qo'shimcha ravishda BYDning 11, 14, 20, 24, 25, 28, 29, 30, 34, 35, 37, 44, 47, 54-grafalari bo'yicha ma'lumotlarni olish*	har bir grafa uchun	Mazkur ro'yxatning 2 va 3-bandlari bo'yicha ko'rsatilgan xizmat narxining 5 foizi
	Mazkur ro'yxatning 3-bandida nazarda tutilgan ma'lumotlarga qo'shimcha ravishda BYDning 11, 20, 24, 25, 29, 34, 35, 37-grafalari bo'yicha ma'lumotlarni olish*		
5.	Mazkur ro'yxatning 1 va 2-bandlarida ko'rsatilgan xizmatlar bo'yicha oylik va yillik tariflar ega bo'lish*	bir oy davomida cheklanmagan arizalar uchun	5 barobari
		olti oy davomida cheklanmagan arizalar uchun	25 barobari
		bir yil davomida cheklanmagan arizalar uchun	40 barobari
6.	Xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibidagi tashkilotlar, tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilari va bojxona brokerlarining o'zlari tomonidan rasmiylashtirilgan (taqdim etilgan) tovarlar to'g'risidagi ma'lumotlarni O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining (bundan buyon matnda Bojxona qo'mitasi deb yuritiladi) axborot tizimlariga to'g'ridan-to'g'ri integratsiya qilish orqali olish**	bir yil davomida	80 barobari
7.	O'zbekiston Respublikasining tashqi savdo bojxona statistikasi (import-eksport) to'g'risidagi ma'lumotlarni Bojxona qo'mitasining axborot tizimlariga bir yil davomida to'g'ridan-to'g'ri integratsiya qilish orqali olish**	50 000 ta tovargacha***	25 barobari
		50 001 dan — 100 000 ta tovargacha***	50 barobari
		100 001 dan — 500 000 ta tovargacha***	75 barobari
		500 001 dan — 1 000 000 ta tovargacha***	100 barobari
		1 000 001 dan — 1 500 000 ta tovargacha***	125 barobari
		1 500 001 dan — 2 000 000 ta tovargacha***	150 barobari
		2 000 001 dan — 2 500 000 ta tovargacha***	175 barobari
		2 500 001 dan — 3 000 000 ta tovargacha***	200 barobari
		3 000 001 dan — 3 500 000 ta tovargacha***	225 barobari
		4 000 001 ta va undan ortiq tovar uchun***	250 barobari

8.	Tijorat bankiga kredit olish uchun murojaat qilgan shaxslarning roziligi asosida ularga oid ma'lumotlarni axborot tizimi orqali tijorat bankiga so'rov asosida taqdim etish**	bir yil davomida	2000 barobari
II. Markaziy bojxona laboratoriyasi tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar			
9.	Tekstil matolarining kimyoviy xususiyatidan kelib chiqib uning tarkibini aniqlash:		
	sintetik va paxta yoki sun'iy (viskoza, mis-ammiakli) tolalardan iborat tekstil matolari uchun	bitta tovar uchun	2,5 barobari
	elastomer va boshqa turdagi tolalardan iborat tekstil matolari uchun	bitta tovar uchun	4 barobari
	turli xil tarkibli iplardan iborat tekstil matolari uchun	bitta tovar uchun	2 barobari
10.	Ekspertiza turlari bo'yicha xizmatlar		
	Spirt va spirt aralashmalarining xromatografik tadqiqotlari	bitta tovar uchun	2 barobari
	Giyohvandlik, psixotrop va kuchli ta'sir qiluvchi moddalarni aniqlash uchun mutaxassis fikri	bitta tovar uchun	2 barobari
	Metall va nometall yuzalarda o'chirilgan markirovka belgilarini aniqlash	bitta tovar uchun	1 barobari
	Ozon qatlamini yemiruvchi moddalar va ularni o'zida saqlovchi mahsulotlarni aniqlash	bitta tovar uchun	2 barobari
	Transport vositalarining yuza qismidagi lak, bo'yoq materiallari va qoplamalarini identifikatsiyalash bo'yicha mutaxassis fikri	bitta transport vositasi uchun	1 barobari
	Metallar, qotishmalar va ulardan tayyorlanadigan buyumlar ekspertizasi	bitta tovar uchun	1 barobari
11.	Qimmatbaho metallardan yasalgan zargarlik va boshqa buyumlarning (tilla va tilla mahsulotlari, kumush va kumush mahsulotlari, boshqa qimmatbaho metallar, bijuteriya, olmoslar, boshqa qimmatbaho toshlar, qimmatbaho soat) texnik ekspertizasi:		
	Qimmatbaho metallardan yasalgan zargarlik va boshqa buyumlarning asillik darajasini aniqlash (metall turidan qat'iy nazar)	bitta tovar uchun	1,5 foiz
	Qimmatbaho metallardan yasalgan zargarlik va boshqa buyumlarining asillik darajasini aniqlash (metall turidan qat'iy nazar kimyoviy tahlil usuli bilan)	bitta tovar uchun	10 foiz
	Qimmatbaho toshlarning (tabiiy olmos, yoqut, zumrad, sapfir, aleksandrit, xom (tabiiy) va ishlov berilgan tarzdgagi tabiiy marvarid, qahraboning noyob hosilasi) xususiyatlarini aniqlash (bitta tosh uchun):	0.46 ct. (karat)gacha	1,5 foiz
		0.47 — 1.00 ct. (karat)	5 foiz
		1.01 — 5.00 ct. (karat)	15 foiz
		5.01 — 10.00 ct. (karat)	1,5 barobar
		10.01 ct. (karat) va undan yuqori	7 barobar
	Qimmatbaho bo'lmagan toshlarning xususiyatlarini aniqlash	har bir tosh turi uchun	0,4 foiz
	Qimmatbaho soatlarning asilligini aniqlash	bitta tovar uchun	1 barobar

12.	Instrumental xizmat ko'rsatish		
	Mass-spektral analiz	bitta modda uchun	50 foiz
	Infraqizil spektral analiz	bitta modda uchun	50 foiz
	Rentgenospektral analiz	bitta modda uchun	20 foiz
III. Bojxona instituti tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar			
13.	Bojxona institutida tashqi iqtisodiy faoliyat sohasida va boshqa yo'nalishlarda o'qish istagini bildirgan 1 nafar tinglovchini o'qitish va yotoqxona bilan ta'minlash:		
	qisqa muddatli o'quv kursi bo'yicha o'qitish	bir akademik soat**** uchun	7 foiz
	Bojxona institutining yotoqxonasidan foydalanish	bir sutka uchun	30 foiz
IV. Milliy kinologiya markazi tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar			
14.	It va mushukni klinik tekshirish va ma'lumotnoma berish	1 boshga 1-marta	10 foiz
15.	It va mushuk egasiga maslahat berish va retsept yozish	1 boshga 1-marta	10 foiz
16.	It va mushukda dorivor moddalarni teri ichiga, teri ostiga va mushak ichiga yuborish	1 boshga 1-marta	5 foiz
17.	It va mushukda dorivor moddalarni qon tomirlariga yuborish	1 boshga 1-marta	10 foiz
18.	It va mushuk qon tomirlaridan qon olish	1 boshga 1-marta	10 foiz
19.	Dorivor moddalarni itning yelini ichiga yuborish	1 boshga 1-marta	10 foiz
20.	Dorivor moddalarni it va mushuk ko'zning shilliq pardasiga yuborish	1 boshga 1-marta	5 foiz
21.	Dorivor moddalarni it va mushukning og'zi orqali ichirish	1 boshga 1-marta	5 foiz
22.	Dorivor moddalarni ozuqaga yoki suvga qo'shib it va mushukka berish	1 boshga 1-marta	5 foiz
23.	It va mushukning kesilgan va yirtilgan jarohatlarini kesish va davolash	1 boshga 1-marta	40 foiz
24.	It va mushukda oddiy operatsiyalar	1 boshga 1-marta	30 foiz
25.	It va mushukda murakkab operatsiyalar	1 boshga 1-marta	50 foiz
26.	It va mushuk tomog'idan yot narsalarni olish	1 boshga 1-marta	10 foiz
27.	It va mushuklarni axta qilish	1 boshga 1-marta	50 foiz
28.	Itning tug'ishiga yordam berish	1 boshga 1-marta	50 foiz
29.	Itning chiqqan bachadonini joyiga qo'yish	1 boshga 1-marta	70 foiz
30.	Itning bachadoniga dorivor moddalarni yuborish va huqna qilish	1 boshga 1-marta	10 foiz
31.	Itning bo'g'ozligini tekshirish	1 boshga 1-marta	20 foiz
32.	Kanaga qarshi dorivor eritma bilan it va mushukni cho'miltirish	1 boshga 1-marta	10 foiz
33.	It va mushukning o'sma va absessalarni olish	1 boshga 1-marta	20 foiz
34.	It va mushukning jarohatlariga bog'lam qo'yish	1 boshga 1-marta	20 foiz
35.	Itning dumini kesish	1 boshga 1-marta	20 foiz
36.	Itning qulog'ini kesish va tozalash	1 boshga 1-marta	30 foiz

37.	It va mushukning qulogʻini tozalash va tirnogʻini olish	1 boshga 1-marta	10 foiz
38.	It va mushukning singan joyiga shina qoʻyish	1 boshga 1-marta	10 foiz
39.	It va mushukning singan joyini gips qilish	1 boshga 1-marta	20 foiz
40.	Itning homila yoʻldoshini bachadondan ajratish	1 boshga 1-marta	20 foiz
41.	It va mushukni kesarov usulida kesish	1 boshga 1-marta	30 foiz
42.	Itning mastitlarini davolash	1 boshga 1-marta	30 foiz
43.	It va mushukning oshqozon boʻlimlarini davolash	1 boshga 1-marta	10 foiz
44.	It va mushukning ozuqadan zaharlanishini davolash	1 boshga 1-marta	20 foiz
45.	It va mushukning mineral almashinuvi buzilishini davolash	1 boshga 1-marta	20 foiz
46.	It va mushukning nafas olish tizimi kasalliklarini davolash	1 boshga 1-marta	20 foiz
47.	It va mushukning texnika vositalaridan olingan travmalarni davolash	1 boshga 1-marta	30 foiz
48.	Itning qon parazitlar kasalliklarini davolash	1 boshga 1-marta	30 foiz
49.	Itida patologoanatomik tekshirish	1 boshga 1-marta	30 foiz
50.	Uyga chaqiruv asosida veterinari mutaxassisning maxsus transportda borishi 20 km.gacha	1-marta	15 foiz
51.	Uyga chaqiruv asosida veterinari mutaxassisning maxsus transportda borishi 20 km.dan ortiq masofani har bir km uchun	1-marta	1 foiz
52.	It va mushukning saqlash joyida quyidagi profilaktik tadbirlarni amalga oshirganlik uchun: dezinfeksiya; dezinfeksiya; deratizatsiya.	1 m2 1-marta	0,1 foiz
53.	It va mushukda quyidagi laboratoriya tekshiruvlarini amalga oshirganlik uchun: mikroskop yordamida tekshiruvlar; qonning bioximik tekshiruvlari; qonning klinik tekshiruvlari.	1 boshga 1-marta	10 foiz
It va mushukda quyidagi diagnostik tekshiruvlarni amalga oshirish			
54.	Ultratovush tekshiruvlari (UZI)	1 boshga 1-marta	10 foiz
55.	Rentgent tekshiruvlari	1 boshga 1-marta	20 foiz
56.	Itning fiziologik yetilishini aniqlash	1 boshga 1-marta	10 foiz
It va mushukda quyidagi maxsus tadbirlarni amalga oshirish			
57.	Degelmintizatsiya	1 boshga 1-marta	10 foiz
58.	Ektoparazitlarga qarshi ishlov berish		
59.	It va mushuklarni oʻlat va boshqa yuqumli kasalliklarga qarshi emlash		
60.	Itlarni joyiga borib oʻrgatish	1 soatga	50 foiz

61.	Itni maxsus transportda tashish 20 km.gacha	1-marta	15 foiz
62.	Itni maxsus transportda tashish 20 km.dan ortiq masofani har bir km uchun	1-marta	1 foiz
63.	Bir bosh mayda va o'rta zotli it hamda mushukni saqlash	1 kunga	15 foiz
64.	Bir bosh yirik zotli itni saqlash	1 kunga	20 foiz
65.	Bir bosh yirik zotli itni basseynda cho'miltirish	1 soatga	40 foiz
66.	Bir bosh mayda va o'rta zotli it hamda mushukni basseynda cho'miltirish	1 soatga	30 foiz
67.	Bir bosh mayda va o'rta zotli it hamda mushuk gruming xizmati	1-marta	40 foiz
68.	Bir bosh yirik zotli itga gruming xizmati	1-marta	100 foiz

Izoh:

* mazkur xizmatlar rasmiy veb-saytda yaratilgan “Eksport va import bo'yicha ma'lumotlarni olish” interaktiv xizmati orqali ko'rsatiladi;

** mazkur xizmat faqat Bojxona qo'mitasi bilan yozma tarzda shartnoma tuzgan holda amalga oshiriladi;

*** xizmat narxi shartnomada nazarda tutilgan bojxona rejimlari va tovarlarning oldingi kalendar yilida rasmiylashtirilgan tovarlar miqdoridan aniqlanadi;

**** bir akademik soat — 45 daqiqadan, tanaffussiz ikki akademik soat — 80 daqiqadan iborat.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

465 **Халқаро молия институтларининг миллий валютада ифода-
даланган облигацияларини чиқариш ва давлат рўйхати-
дан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3660*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ–26-сон «Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Халқаро молия институтларининг миллий валютада ифодаланган облигацияларини чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 июнь,
10-сон

Келишилди:

Марказий банк раиси

Т. ИШМЕТОВ

2025 йил 3 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 24 июндаги
10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Халқаро молия институтларининг миллий валютада
ифодаланган облигацияларини чиқариш ва давлат
рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом халқаро молия институтларининг Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланган облигацияларининг чиқарилишини соддалаштирилган тартибда ҳисобга олиш орқали давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уларнинг жойлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
халқаро молия институтлари (бундан буён матнда ХМИ деб юритилади) — халқаро молия соҳасидаги давлатлараро (халқаро) келишувлар асосида тузилган ташкилотлар;

ХМИ облигациялари — Ўзбекистон Республикасидаги лойиҳалар ва дастурларни молиялаштириш учун маблағ жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ХМИ томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳужжатсиз шаклда чиқариладиган облигациялар;

эмитент — ХМИ облигацияларини чиқарувчи ва улар юзасидан ХМИ облигацияларининг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган ХМИ.

2. Мазкур Низомда белгиланган тартибни амалга ошириш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) халқаро молия институтлари рўйхатини белгилайди.

**2-боб. ХМИ облигациялари чиқарилишини ҳисобга олиш
орқали давлат рўйхатидан ўтказиш**

3. ХМИ облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор, ХМИнинг облигациялар дастури (бундан буён матнда облигациялар дастури деб юритилади), эмиссия рисоласи ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек ХМИ облигацияларини чиқарилиши билан боғлиқ ҳужжатлар эмитентнинг ички қоидалари ва талабларига мувофиқ қабул қилинади ҳамда расмийлаштирилади.

4. ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш эмитент томонидан ваколатли давлат органига тақдим этиладиган ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини)

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага (бундан буён матнда ариза деб юритилади) асосан ХМИ облигацияларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрида (бундан буён матнда ЯДР деб юритилади) ҳисобга олиш орқали амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган облигациялар дастури доирасида чиқариладиган ХМИ облигациялари такроран давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

5. Облигациялар дастури доирасида ХМИ облигациялари чиқарилишидан камида беш иш куни олдин эмитент томонидан ваколатли давлат органига чиқариш параметрлари ва облигациялар дастурининг давлат рўйхатдан ўтказилган рақами кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

Бунда, ХМИ облигациялари эмитент томонидан ваколатли давлат органига юборилган хабарномага мувофиқ чиқарилиши лозим.

6. ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент ваколатли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим бўлган ариза:

эмитент номи;

эмитентнинг юридик манзили;

ХМИ облигацияларининг сони ва турлари;

бир дона ХМИ облигациясининг номинал қиймати;

чиқарилишнинг умумий ҳажми;

ХМИ облигациялари чиқарилишининг тартиб рақами;

эмитентнинг масъул ходими ҳақида маълумот ва унинг алоқа маълумотлари;

б) қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим бўлган мазкур Низомнинг иловасидаги* шаклда ХМИ облигациялари чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўйича анкета:

чиқариш параметрлари;

ХМИ облигациялари бўйича даромад олиш тартиби;

ХМИ облигацияларини жойлаштириш тартиби;

ХМИ облигацияларининг муомаласи тартиби;

ХМИ облигацияларини сўндириш тартиби;

в) ХМИ облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарори, облигациялар дастури, эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда) ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларнинг нусхаси;

г) ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати-нинг нусхаси;

д) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан тузилган депозитарий шартномасининг нусхаси.

7. Эмитент томонидан ваколатли давлат органига ариза, анкета ҳамда ХМИ облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор (облигациялар дастури), эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда)

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларнинг нусхаси белгиланган тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси ёки рус тилидаги таржимаси билан бирга инглиз тилида тақдим этилиши мумкин.

8. Эмитент давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ваколатли давлат органига ёзма (уч нусхада) ёки электрон шаклда, шу жумладан эмитентнинг почта манзилидан ваколатли давлат органининг электрон почта манзилига юбориш орқали тақдим этади.

Электрон шаклда тақдим этиладиган маълумотлар «DOC», «DOCX», «XLS», «XLSX», «PDF» форматларда бўлиши лозим.

9. Эмитент ваколатли давлат органига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни электрон ташувчи орқали тақдим этган тақдирда, ваколатли давлат органининг масъул ходими томонидан эмитентга ушбу ҳужжатларни қабул қилинганлигини тасдиқловчи ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда аризанинг нусхасига имзо қўйиб берилади.

10. Эмитент ваколатли давлат органига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни электрон почта манзили орқали тақдим этганда, ушбу ҳужжатлар сарлавҳаси «ХМИ облигациялари чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза» деб номланиши лозим.

Бунда, ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилинган санаси уларнинг ваколатли давлат органининг электрон почта манзилига келиб тушган санаси ҳисобланади.

11. Ваколатли давлат органи томонидан ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати улар ваколатли давлат органи томонидан олинган санадан бошлаб ўн беш кундан ошмаслиги керак. Ушбу муддат давомида ваколатли давлат органи ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва тегишли маълумотларни ЯДРга киритади ёки ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

ХМИ облигациялари давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи белги қўйилган ХМИ облигацияларини чиқариш тўғрисидаги анкетанинг бир нусхаси ваколатли давлат органида қолади, бир нусхаси шахсан ёки электрон почта орқали эмитентга берилади ва бир нусхаси қимматли қоғозлар чиқарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилади.

12. ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги аниқланганда;

мазкур Низомнинг 3-бобида назарда тутилган йиғимлар тўланмаганда;

эмитент ваколатли давлат органи томонидан белгиланган ХМИ рўйхатида мавжуд бўлмаганда.

13. ХМИ облигацияларига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан қимматли қоғознинг халқаро идентификация коди (ISIN), молиявий воситаларни таснифлашнинг халқаро коди (CFI) ва молиявий воситанинг қисқача номи (FISN) берилади.

3-боб. ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим

14. ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент ваколатли давлат органига Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан йиғим тўлайди.

15. Ваколатли давлат органи томонидан ХМИ облигациялари чиқарилишини (облигациялар дастурини) давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда йиғим қайтарилмайди.

4-боб. Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган ХМИ облигациялари чиқарилишига (облигациялар дастурига) ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш

16. Эмитент томонидан илгари ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган ХМИ облигациялари чиқарилишига (облигациялар дастурига) ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган тақдирда, эмитент мазкур ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги қарорнинг (облигациялар дастурининг), эмиссия рисоласининг (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда) ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этган ҳолда бундай ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган кундан бошлаб уч иш куни ичида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда ёхуд ваколатли давлат органининг электрон почта манзилига юбориш орқали хабардор қилиши шарт.

Бунда, ваколатли давлат органи ХМИ облигациялари чиқарилишига (облигациялар дастурига) киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни ўн беш кун ичида ЯДРда давлат рўйхатидан ўтказишга.

17. Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган ХМИ облигациялари чиқарилишига (облигациялар дастурига) киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ваколатли давлат органининг қарорининг бир нусхаси ваколатли давлат органида қолади, бир нусхаси шахсан ёки электрон почта орқали эмитентга берилади ва бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилади.

5-боб. ХМИ облигацияларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи

18. ХМИ облигацияларини жойлаштирилишига ваколатли давлат органи

томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб рухсат берилади. Бунда жойлаштириш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим.

19. ХМИ облигацияларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан тижорат банклари ўртасида ХМИ облигациялари билан РЕПО операцияларини «Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси» АЖда ўтказишга рухсат этилади.

20. Эмитент давлат рўйхатидан ўтказилган ХМИ облигацияларини жойлаштириш муддати ўтган кундан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан, агар барча ХМИ облигациялари жойлаштириш муддати ўтмасдан олдин жойлаштирилган бўлса, ушбу чиқарилишдаги сўнгги ХМИ облигацияси жойлаштирилган кундан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига ХМИ облигацияларини чиқариш натижалари тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ёхуд ваколатли давлат органининг электрон почта манзилига юбориш орқали хабардор қилади.

21. Эмитент ХМИ облигациялари муомаласининг муддати ўтган кундан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан, агар барча ХМИ облигациялари ушбу муддат ўтгунча кейинчалик уларни сўндириш мақсадида қайтариб сотиб олинган бўлса, ушбу чиқаришдаги охириги ХМИ облигацияси қайтариб сотиб олинган кундан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига ХМИ облигацияларининг муомала муддати тугаганлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ёхуд ваколатли давлат органининг электрон почта манзилига юбориш орқали хабардор қилади.

22. Сўндирилган ХМИ облигациялари ваколатли давлат органининг қарорига асосан бекор қилинади ва ХМИ облигациялари чиқарилишига илгари берилган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ЯДРдан чиқариб ташланади.

Сўндирилган ХМИ облигацияларини бекор қилиш учун эмитент ваколатли давлат органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

эмитентнинг депо ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча ХМИ облигациялари мавжудлигини тасдиқловчи эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма;

ХМИ облигациялари чиқариш тўғрисидаги қарорда (ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларда) назарда тутилган ХМИ облигациялари бўйича барча мажбуриятлар эмитент томонидан бажарилганлигини, шунингдек эмитент томонидан тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари орқали облигациялар бўйича мажбуриятлар бажарилган тақдирда, тўлов агентининг сўндирилган чиқарилишдаги облигациялар бўйича мажбуриятлар эмитент томонидан тўлиқ бажарилганлигини ёзма тасдиғи.

Сўндирилган ХМИ облигацияларини бекор қилиш бўйича ваколатли давлат орган томонидан қарор қабул қилинганда, беш кун ичида ушбу қарорнинг бир нусхаси эмитентга берилади (шахсан ёки электрон почта орқали) ва бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилади ҳамда бир нусхаси ваколатли давлат органида қолади.

23. ХМИ облигациялари биржа облигациялари шаклида чиқарилиши

мумкин, уларнинг эмиссияси ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда фонд биржаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. ХМИ облигациялари бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш корпоратив облигациялар учун қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. ХМИ облигациялари тижорат банклари томонидан сотиб олинганда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат қимматли қоғозлари учун белгиланган пруденциал меъёрлар ва рискларни бошқариш талаблари қўлланилади.

6-боб. Эмитент томонидан ахборотни ошкор этиш

26. Эмитент чиқарилаётган ХМИ облигациялари тўғрисидаги маълумотларни уларни Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ёки эмитентнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали ошкор этиши шарт. Бунда, ошкор этиладиган маълумотлар рўйхати ваколатли орган томонидан белгиланади.

7-боб. Якуний қоида

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG'I

466 O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va
bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3661*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi va "Texnik jihatdan tartibga solish to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 9-iyul,
14-2025/B-son

Kelishildi:

***Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi vaziri***

Sh. XIDOYATOV

2025-yil 28-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 9-iyuldagi 14-2025/B-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik
vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 8-maydagi 19/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1967, 2009-yil 11-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 24-son, 280-modda) bilan tasdiqlangan Yig'ma temirbeton va beton konstruksiyalar va buyumlar ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar yig'ma temirbeton va beton konstruksiyalar va buyumlar ishlab chiqarish korxonalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 4, 5, 12 va 35-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

f) 7-bandning to'qqizinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

g) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchi xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash korxona rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

h) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Korxona ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va vakolatli sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.”;

i) 48-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“48. Korxona-maydonlari va binolarni joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi kerak.”;

j) 51-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sutkaning qorong'u vaqtlarida hududlarning yoritilishi SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi kerak.”;

k) 55-banddagi “SHNQ 2.01.02-04 “Binolar va inshootlarni yong'inga qarshi xavfsizligi” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.01.02-04 “Binolar va inshootlarning yong'in xavfsizligi” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga degan so'zlar bilan almashtirilsin;

l) 57-banddagi “SHNK 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma'muriy va maishiy binolari” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 59-banddagi “SanMvaQ 2.09.02-85 “Ishlab chiqarish binolari” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

n) 60-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“60. Yordamchi binolar va xonalar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

o) 74-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“74. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

p) 2-bobning 11-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya tizimiga” degan so'zlar “oqova suvlar tizimiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

q) 80-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“80. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talabiga muvofiq bo'lishi kerak.”;

r) 81-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so'z “oqova suvlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

s) 87-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan so'z “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

t) 88-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“88. Korxonada oqova suvlar tizimi yo'q bo'lganda O'zbekiston Respublikasi

Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo'limlari bilan kelishilgan holda korxonada yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo'l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o'ralariga ruxsat etiladi.”;

u) 89-banddagi “QMQ 2.01.05-19 “Tabiiy va sun'iy yoritish”ga mos kelishi” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

v) 101-bandning birinchi xatboshisidagi “QMQ 2.01.05-19 “Tabiiy va sun'iy yoritish” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

x) 162-banddagi “QMQ 3.01.03-00 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” degan so'zlar “SHNQ 3.01.02-23 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

y) 217-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

z) 336-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“336. Elektr aravachalar va elektr yuklagichlarda foydalanish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste'molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”.

2. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 8-iyundagi 29/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1971, 2009-yil 18-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 25-son, 293-modda) bilan tasdiqlangan Obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlarida mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish ishlarida (bundan buyon matnda obodonlashtirish ishlari deb yuritiladi) ishlovchi xodimlarning (bundan buyon matnda xodimlar deb yuritiladi) mehnatini muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 4, 5, 8 va 30-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud

bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

f) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati korxonaning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita korxona rahbariga bo'ysunadi.”;

g) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Korxonalarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

h) 28-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) talablariga asosan ishga kirishdan oldin dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tkazib turish.”;

i) 32-banddagi “dastlabki va davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Korxona rahbariyati (yoki ish beruvchi) har yili davriy majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda ularning ko'rikdan o'tishini ta'minlashi lozim.”.

k) 34-banddagi “Tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

l) 35 va 36-bandlardagi “tibbiy ko'rik” va “Davriy tibbiy ko'riklarni” degan so'zlar tegishli ravishda “majburiy tibbiy ko'rik” va “Davriy majburiy tibbiy ko'riklarni” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 37-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

n) 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Korxonalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”.

3. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 2-iyundagi 23/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1973, 2009-yil 25-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 26-son,

306-модда) bilan tasdiqlangan Otlar bilan tashish va boshqa ishlarni bajarishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar otlar bilan tashish va boshqa ishlarni bajarish bilan shug‘ullanadigan xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari hamda veterinariya, veterinariya-sanitariya qoidalari va normalari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 5 va 6-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

6. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati korxonaning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita korxona rahbariga bo‘ysunadi.”;

e) 7, 8 va 11-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

f) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Korxonalarda mehnat faoliyati bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

g) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Korxonalarda mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘riqnomalar ishlab chiqiladi. Xodimlarni ushbu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash korxona rahbariyatining zimmasiga yuklatiladi.”;

h) 24-banddagi “dastlabki va davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

i) 25-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “davriy majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

j) 26-banddagi “Tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “Majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) 27-banddagi “tibbiy ko‘rik dalolatnomasi” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘rik dalolatnomasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

l) 28-banddagi “Davriy tibbiy ko‘riklarni” degan so‘zlar “Davriy majburiy tibbiy ko‘riklarni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

m) 29 va 30-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.

30. Korxonalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim. Xodimlar majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishdan bo‘yin tovlashga haqli emas.”.

4. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 2-iyundagi 25/B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1976, 2009-yil 26-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 26-son, 310-modda) bilan tasdiqlangan Dori-darmonlarni saqlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar dorixona muassasalari va omborxonalarda (bundan buyon matnda muassasalar deb yuritiladi) dori-darmonlarni (bundan buyon matnda dori vositalari deb yuritiladi) saqlashda mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 5 va 10-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

e) 6 — 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan muassasada mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur muassasa faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

7. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati muassasaning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita muassasa rahbariga bo‘ysunadi.

8. Dori vositalarini saqlash bilan bog'liq holda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni o'rganish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

f) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchi xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash muassasa rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

g) 14-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “davriy majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

h) 15 va 16-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Muassasalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

Xodimlar majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishdan bo'yin tovlashga haqli emas.

16. Majburiy tibbiy ko'riklar muassasaga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa muassasa joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

i) 17-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 18-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

k) 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

l) 30-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“xonalarining elektr yorug'i SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi.”;

m) 31-bandning birinchi xatboshisidagi “QMQ 2.09.12-98 “Korxonalarining ma'muriy va maishiy xonalari” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

n) 37-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Muassasalarining binolari, saqlash xonalarini soni, maydon o'lchamlari, joylashishi va jihozlanishi SanQvaM 0152-04 “Dorixona va dori vositalari saqlanadigan omborxonalarini tuzilishi, jihozlanishi va ishlatilishi”, SHNQ 2.08.02-23 “Jamoat binolari va inshootlari” va SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi kerak.”;

o) 52-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarni saqlash xonalariga qo'yiladigan texnik talablar Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 22-fevraldagi 86-son qarori bilan tasdiqlangan Maxsus elektron tizim orqali ruxsat etish xususiyatiga ega ayrim hujjatlarni berish tartib-taomillari to'g'risidagi yagona nizomning 42-ilovasiga muvofiq bo'lishi lozim.”;

p) 59-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“59. Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlar “Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarni saqlash, realizatsiya qilish, berish, taqsimlash va hisobga olish tartibi to'g'risida”gi nizom (ro'yxat raqami 3604, 2025-yil 27-yanvar) talablariga muvofiq saqlanadi.”.

5. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 2-iyundagi 24/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1977, 2009-yil 1-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 27-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan Sigirlar va nasl buqalarni parvarish qilishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar sigirlar va nasl buqalarni parvarish qilish bilan shug'ullanadigan xodimlar (bundan buyon matnda xodimlar deb yuritiladi) uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 4, 7 va 8-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

e) 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Korxonalarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni o'rganish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

f) 9-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “davriy majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

g) 10 va 11-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Korxonalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

11. Majburiy tibbiy ko'riklar korxonaga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa korxona joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

h) 12-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

i) 13-banddagi “Davriy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “Davriy majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

j) 15-banddagi “tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”.

6. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 2-iyundagi 26/B-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan (ro‘yxat raqami 1978, 2009-yil 1-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 27-son, 320-modda) Dorixonalar xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar dorixonalar xodimlari mehnatini muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 4 va 8-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

e) 5 va 6-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan dorixonada mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur dorixonada faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

6. Dorixonalarda mehnat faoliyati bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni o‘rganish va hisobini yuritish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

f) 15-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Dorixonalar xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”;

g) 16-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “davriy majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

h) 17-banddagi “Davriy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “Davriy majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

i) 19-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“xonalarning elektr yorug‘ligi SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi.”;

j) 20-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) 41-bandning birinchi xatboshisidagi “QMQ 2.09.12-98 “Korxonalarning ma‘muriy va maishiy xonalari” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

l) 46-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“46. Dorixonalarining binolari, ishlab chiqarish, saqlash va savdo xonalarining soni, maydon o‘lchamlari, joylashishi hamda jihozlanishi SanQvaM 0152-04 “Dorixona va dori vositalari saqlanadigan omborxonalarni tuzilishi, jihozlanishi va ishlatilishi”, SHNQ 2.08.02-23 “Jamoat binolari va inshootlari”, SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” va SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi kerak.”;

m) 82-bandning oltinchi xatboshisidagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 10-iyundagi 29/B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1983, 2009-yil 16-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 29-son, 341-modda) bilan tasdiqlangan Paxta tozalash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

b) 5, 6 va 13-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

d) 17-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchi xodimlar xamda ish joylarini shu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash korxona rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

e) 34-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

f) 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

g) 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Majburiy tibbiy ko‘riklar korxonaga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa korxona joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi. Majburiy tibbiy ko‘riklar davolash-sog‘lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

h) 39-banddagi “tibbiy ko‘rik dalolatnomasi” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘rik dalolatnomasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

i) 40-banddagi “Davriy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “Davriy majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

j) 45-banddagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yorug‘lik. Loyihalashtirish me‘yorlari” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

k) 51-banddagi “QMQ 3.01.02-00 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” qoidalariga” degan so‘zlar “SHNQ 3.01.02-23 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

l) 58-banddagi “QMQ 2.09.12-98 “Korxonalarning ma‘muriy va maishiy xonalari” qoidalari talablari” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

m) 2-bobning 9-paragrafi nomidagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlar tizimiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

n) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi kerak.”;

o) 71-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

p) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Oqova suvlarini hosil qilish va suv havzalariga tushirish SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” va SHNQ 2.04.03-24 “Oqova suvlarni chiqarib yuborish. Tashqi tarmoqlar va inshootlar. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

q) 82-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

r) 95-banddagi “Umumiy maqsadlar uchun ombor binolari va inshootlari” QMQ talablariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.03-23 “Omborxonalar. Loyihalash me‘yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

8. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 24-iyundagi 33/B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1987, 2009-yil 29-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 30-31-son, 352-modda) bilan tasdiqlangan Gidromexanizatsiya ishlarida mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar gidromexanizatsiya ishlarini bajarishda mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

d) 4, 5, 11 va 38-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

e) 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir korxonada mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan korxonada yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan korxonada mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur korxona faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

8. Korxonalarda mehnat faoliyati bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

f) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash korxona rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

g) 14-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “davriy majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

h) 15 — 17-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Korxonalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

16. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.

17. Majburiy tibbiy ko‘riklar korxonaga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa korxona joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi.

Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

i) 18-banddagi “tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik dalolatnomasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 19-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

**467 Kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish
va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3662*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-iyul,
14/12-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
10-iyuldagi 14/12-son qaroriga
ILOVA

Kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solishni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

kafolatlar berish tashkiloti (bundan buyon matnda tashkilot deb yuritiladi) — yuridik va jismoniy shaxslarning kredit tashkiloti oldidagi pul majburiyatini bajarish bo'yicha kafolatlar (kafilliklar) (bundan buyon matnda kafolat deb yuritiladi) berish faoliyatini professional asosda (bir yil davomida o'n martadan ko'p kafolatlar berish) amalga oshiruvchi, shuningdek qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa xizmatlarni ko'rsatuvchi yuridik shaxs;

aktivlar — kafolat, kredit tashkilotlariga berilgan moliyaviy mablag'lar, investitsiyalar hamda kredit tavakkalchiligi mavjud bo'lgan boshqa aktivlar va balansdan tashqari moddalar;

risk-appetit — tashkilot strategik maqsadlariga va biznes-reja ko'rsatkichlariga erishishda o'zining tavakkalchiliklarni boshqarish salohiyatidan kelib chiqqan holda, qabul qilishga tayyor bo'lgan tavakkalchiliklarning eng yuqori darajalari va turlari;

kredit tavakkalchiligi — qarzdor tomonidan tashkilot oldidagi majburiyatlarini shartnoma yoki qonunchilik hujjatlarida ko'rsatilgan muddat va shartlarda bajarilmasligi (lozim darajada bajarilmasligi) oqibatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan yo'qotish (zarar) va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik tavakkalchiligi.

2. Tashkilot:

shaxsning kredit tashkiloti oldidagi pul majburiyatini bajarish bo'yicha kafolat berishga;

kredit tashkilotlariga ular tomonidan qonunchilikda nazarda tutilgan xizmatlarni ko'rsatish uchun moliyaviy mablag'lar taqdim etishga;

qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa moliyaviy xizmatlarni ko'rsatishga haqli.

3. Tashkilot tomonidan kafolat va moliyaviy mablag' berish tartibi hamda shartlari tashkilotning kuzatuv kengashi qarori bilan belgilanadi.

4. Tashkilot kredit byurosi bilan kredit axboroti almashinuvi to'g'risidagi shartnomani tuzish orqali kredit axborotidan foydalanishi mumkin.

5. Tashkilot pul mablag'larini O'zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog'ozlarini, yuridik shaxslarning ustav fondidagi (ustav kapitalidagi) ulushlarini

va ularning qarz qimmatli qog'ozlarini sotib olishga, banklar bilan repo operatsiyalariga yo'naltirishi, shuningdek bankka omonatlar (depozitlar) sifatida kiritishi mumkin.

2-bob. Tavakkalchiliklarni boshqarish borasidagi minimal talablar

1-§. Umumiy qoidalar

6. Tashkilot taqdim etilgan moliyaviy mablag'lar va berilgan kafolatlar o'z vaqtida qaytarilishini ta'minlash hamda muammolarni dastlabki bosqichda aniqlash maqsadida kredit tashkilotlari kesimida va kafolat portfeli kesimida kamida har oyda tahlil o'tkazishi kerak.

7. Tashkilot foiz stavkalarining o'zgarishi natijasida yuzaga keladigan tavakkalchiliklarni kamaytirish maqsadida berilgan moliyaviy mablag'larning muddatlari va ularning manbalari muddatlari o'rtasidagi tafovutni muvofiqlashtirib borishi kerak.

8. Tashkilot aktivlar va majburiyatlar o'rtasida yuzaga keladigan muddatlar va foiz stavkalariga doir nomutanosibliklar bo'yicha risk-appetitini belgilaydi.

2-§. Tashkilotda tavakkalchiliklarni boshqarishga oid ichki hujjatlar ishlab chiqilishini tashkil etish

9. Tashkilotning kuzatuv kengashi tavakkalchiliklarni boshqarish tizimini samarali tashkil etish uchun quyidagi ichki hujjatlarni tasdiqlashi lozim:

tavakkalchiliklarni boshqarish siyosatini;

tashkilotni rivojlantirish strategiyasiga muvofiq keluvchi risk-appetitni;

kredit tavakkalchiligini boshqarish siyosatini;

likvidlilikni boshqarish siyosatini.

10. Tavakkalchiliklarni boshqarish siyosati likvidlilik, bozor, foiz, kredit, operatsion hamda tashkilotning faoliyatiga xos boshqa tavakkalchiliklarni boshqarishni o'z ichiga olishi lozim.

11. Risk-appetit doirasida tashkilotning tavakkalchilikka moyilligi chegaralab turilishi, tashkilot faoliyatining barqarorligi ta'minlanishi hamda uning muassislari (aksiyadorlari) kapitalining qiymatini saqlab turish uchun tavakkalchiliklar aniqlanishi va samarali boshqarilishi lozim.

12. Tashkilotning kredit tavakkalchiligini boshqarish siyosati quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

kuzatuv kengashi, ijro etuvchi organ hamda tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linmaning kredit tavakkalchiligini boshqarishga oid vazifa va majburiyatlarini;

kredit tavakkalchiliklarini aniqlash, ularni hisoblash, baholash, nazorat qilish hamda yumshatish, shuningdek ular haqida hisobot berish tartibini;

portfel kafolati (kredit tashkilotining kredit portfeli bo'yicha berilgan kafolat) va moliyaviy mablag'larni berish uchun kredit tashkilotlariga qo'yiladigan muvofiqlik mezonlarini;

qarzdor kredit tashkilotlariga moliyaviy mablag'lar berish limitlarini o'rnatish tartibini;

portfel kafolati, prinsipalga (kafolat berishni so'ragan shaxs) kafolat va moliyaviy mablag'lar berish uchun talab etiladigan hujjatlarni;

moliyaviy mablag'ning ta'minotga nisbati bo'yicha minimal talablarni;

ta'minotga nisbatan muvofiqlik mezonlarini;

muddatidan avval to'langan summa yoki muddati o'tgan qarzdorliklar yuzaga kelganda ta'minotni o'zgartirish shartlarini;

kafolat berish uchun prinsipalga qo'yiladigan muvofiqlik mezonlarini;

kafolat limitlarini o'rnatish tartibini;

kafolatlar va berilgan moliyaviy mablag'lar portfelining sohalar hamda hududlar bo'yicha diversifikatsiyasini.

13. Tashkilotning likvidlilikni boshqarish siyosati kamida quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

kuzatuv kengashi, ijro etuvchi organ, shuningdek tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linmaning aktiv va passivlarni boshqarishga doir vazifa va majburiyatlarini;

likvidlilik tavakkalchiliklarini aniqlash, hisoblash, baholash, nazorat qilish, bartaraf etish bo'yicha uslublar va ular haqida hisobot berish tartibini;

likvidlilikning stress-testlar asosidagi tahlilini;

likvidlilikni boshqarish bo'yicha tegishli nazorat choralari.

14. Mazkur Nizomda belgilangan ichki hujjatlar umumlashgan holda yoki alohida qabul qilinishi mumkin. Zaruratga ko'ra, yil davomida barcha siyosatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilishi mumkin. Barcha siyosatlar ularning izchilligi va muvofiqligini ta'minlash maqsadida uch yilda kamida bir marta qayta ko'rib chiqilishi lozim.

3-§. Tavakkalchiliklarni boshqarish tuzilmasi faoliyatini tashkil etish

15. Tashkilotda tavakkalchiliklarni boshqarishda ishtirok etuvchilarning vazifalari, majburiyatlari va vakolatlari aniq taqsimlanishi lozim.

16. Tashkilotning tavakkalchiliklarni boshqarish tuzilmasi quyidagilardan tashkil topishi lozim:

kuzatuv kengashi;

ijro etuvchi organ;

tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linma;

tavakkalchiliklarni boshqarishga mas'ul bo'lgan boshqa bo'linmalar.

17. Tashkilotning kuzatuv kengashi o'z vakolatlari doirasida tavakkalchiliklarni boshqarish ustidan nazoratni amalga oshiradi.

18. Tashkilotning ijro etuvchi organi kuzatuv kengashi tomonidan tasdiqlangan siyosatlarni amalga oshirishga, shu jumladan tashkilotda tavakkalchiliklarni aniqlash, hisoblash, boshqarish, monitoring qilish va hisobot berishga qaratilgan samarali ichki nazorat tizimi faoliyatini yo'lga qo'yishga mas'uldir.

19. Tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linmaning vazifa va funksiyalari tashkilotning muassisi (aksiyadori) tarkibida tuzilgan

tavakkalchiliklarni boshqarishga mas'ul bo'lgan tegishli tarkibiy bo'linma tomonidan amalga oshirilishi mumkin.

20. Tashkilotning tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linmasi uning kuzatuv kengashiga hisobdordir.

21. Tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linma rahbari quyidagi vazifalarni bajarishi lozim:

kuzatuv kengashi, tavakkalchiliklarni boshqarish qo'mitasi (mavjud bo'lganda) va ijro etuvchi organga tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linma hisobotlarini kiritish;

tavakkalchiliklarning tashkilotning moliyaviy holati, kapitali va likvidligiga ta'sirini kamaytirish yuzasidan takliflarni kuzatuv kengashi, tavakkalchiliklarni boshqarish qo'mitasi (mavjud bo'lganda) hamda tashkilotning ijro etuvchi organiga kiritish;

tavakkalchiliklarni boshqarishga doir ishlarni muvofiqlashtirish, tegishli bo'linmalardan tavakkalchiliklarni boshqarish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni olish va ularni jamlash.

22. Tavakkalchiliklarni boshqarish bo'yicha tegishli tarkibiy bo'linma rahbari bilan tuzilgan mehnat shartnomasi bekor qilingan taqdirda, tashkilot bu haqda mehnat shartnomasini bekor qilish asoslari va sabablarini ko'rsatgan holda tashkilotning rasmiy veb-saytida e'lon qilishi lozim.

3-bob. Tashkilotning aktivlari sifatini tasniflash va ular bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish

23. Tashkilot aktivlarni sifatiga ko'ra tasniflaydi va ular bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar yaratadi.

24. Qarz oluvchining (prinsipalning) kredit tashkiloti oldidagi pul majburiyati kredit tashkilotida qaysi toifada tasniflangan bo'lsa, tashkilot tomonidan prinsipalning kredit tashkiloti oldidagi mazkur pul majburiyatini bajarish bo'yicha berilgan kafolat ham mos ravishda shu toifada ("standart", "substandart", "qoniqarsiz", "shubhali" yoki "umidsiz") tasniflanishi lozim.

25. Tashkilot tomonidan kredit tashkilotlariga joylashtirilgan moliyaviy mablag'lar sifati quyidagicha tasniflanadi:

asosiy qarz va (yoki) foizlar o'z muddatida qaytarilishiga shubha mavjud bo'lmaganda — "standart";

asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish muddati 5 kungacha kechiktirilganda — "substandart";

asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish muddati 5 kundan 10 kungacha kechiktirilganda — "qoniqarsiz";

asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish muddati 11 kundan 30 kungacha kechiktirilganda — "shubhali";

asosiy qarz va (yoki) foizlarni qaytarish muddati 31 va undan ortiq kunga kechiktirilganda, shuningdek moliyaviy mablag' joylashtirilgan kredit tashkilotining litsenziyasi chaqirib olingan yoki boshqacha tartibda uni tugatish ishlari boshlanganda — "umidsiz".

26. Tashkilotning aktivlari sifatiga ko'ra:

“substandart” deb tasniflanganda — 10 foiz;

“qoniqarsiz” deb tasniflanganda — 25 foiz;

“shubhali” deb tasniflanganda — 50 foiz;

“umidsiz” deb tasniflanganda — 100 foiz miqdorida tashkilot xarajati hisobidan ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxira shakllantirilishi lozim.

Bunda, sifati “standart” deb tasniflangan aktivlar, yuqori likvidli aktivlar hamda O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankiga (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) va O'zbekiston Respublikasi Hukumatiga nisbatan talablar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxira yaratish talab qilinmaydi.

27. Tashkilot mazkur Nizomning 24 va 25-bandlarida ko'rsatilgandan tashqari boshqa aktivlari sifatini Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2696, 2015-yil 14-iyul) asosida tasniflashi va ushbu aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralarni shakllantirishi lozim.

4-bob. Ichki nazoratga qo'yiladigan talablar

28. Kuzatuv kengashi o'z vazifalarini bajarishda unga ko'maklashuvchi qo'mitalar, shu jumladan audit, tavakkalchilikni boshqarish hamda boshqa masalalar bo'yicha qo'mitalarni tashkil etishi mumkin.

29. Kuzatuv kengashi o'z vazifalarini bajarishda tashkilotda samarali va ehtiyotkorlik bilan boshqarishni ta'minlovchi, jumladan uning a'zolari o'rtasida mas'uliyatning taqsimlanishini va manfaatlar to'qnashuvining oldini olish bo'yicha boshqaruv tuzilmasini joriy etishi lozim.

30. Tashkilotning ijro etuvchi organi tomonidan o'z faoliyatida qonunchilik hujjatlariga, tashkilotning ustavi va siyosatlariga rioya etilishini, buxgalteriya hisobida va moliyaviy hisobotlarda ma'lumotlarning to'liq hamda ishonchli tarzda aks ettirilishi ta'minlanishini, xo'jalik operatsiyalarini amalga oshirishning belgilangan qoidalari va tartib-taomillariga rioya etilishini, aktivlarning saqlanishini, shuningdek tashkilotni boshqarish yuzasidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan talablarga rioya etilishini tekshirish hamda monitoring olib borish maqsadida tashkilotda ichki audit xizmati tashkil etiladi. Tashkilotning ichki audit xizmati kuzatuv kengashiga hisobdordir.

31. Ijro etuvchi organ tashkilotning moliyaviy holati, Markaziy bank tomonidan o'rnatilgan prudensial normativlarning bajarilishi, tashkilotni rivojlantirish strategiyasiga erishish bo'yicha ko'rilayotgan chora-tadbirlar, shuningdek ichki nazoratni amalga oshirishda aniqlangan kamchiliklar to'g'risida kuzatuv kengashiga har chorakda hisobotlar taqdim etadi.

32. Tashkilotda korporativ boshqaruv aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari asosida yo'lga qo'yiladi.

5-bob. Tashkilotda buxgalteriya hisobi, hisoboti va audit

33. Tashkilotning yillik moliyaviy hisobotlari Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari asosida tuzilishi hamda tashqi audit tekshiruvidan o'tkazilishi lozim.

34. Tashkilotning auditorlik tekshiruvidan o'tkazilgan yillik moliyaviy hisoboti, auditorlik xulosasi va auditorlik tekshiruvi natijasi bo'yicha tashkilot rahbariyatiga berilgan tavsiyalar moliya yili tugaganidan keyin olti oydan kechiktirmay tashkilot tomonidan Markaziy bankka taqdim etiladi.

35. Tashkilot oshkoralik tamoyillari asosida yillik moliyaviy hisobotini moliya yili tugaganidan keyin tashkilot aksiyadorlarining yillik umumiy yig'ilishi o'tkaziladigan sanadan kamida ikki hafta oldin matbuotda va o'zining rasmiy veb-saytida e'lon qiladi.

36. Tashkilot moliyaviy va nazoratga doir hisobotlarini mazkur Nizomning 1 — 11-ilovalariga* muvofiq shakllarda hisobot oyidan keyingi oyning 10-sanasisigacha Markaziy bankka taqdim etishi lozim.

Agar oyning 10-sanasi dam olish yoki bayram kuniga to'g'ri kelsa, bunda hisobotlar dam olish yoki bayram kunidan keyingi ish kunida taqdim etilishi lozim. Taqdim etilgan moliyaviy hisobotlarda xato va kamchiliklar aniqlanganda, kamchiliklar tuzatilib, ular aniqlangan kundan e'tiboran ikki ish kunida qayta taqdim etilishi shart.

37. Moliyaviy va nazoratga doir hisobotlardagi ma'lumotlar hisobot oyining oxirgi kunida amalga oshirilgan amaliyotlarni hisobga olgan holda mazkur hisobot oyining oxirgi sanasi holatiga ko'rsatilishi kerak.

38. Moliyaviy va nazoratga doir hisobotlar tashkilot ijro etuvchi organi rahbarining elektron raqamli imzosi bilan tasdiqlanishi lozim.

6-bob. Prudensial normativlar**1-§. Kapitalning yetarlilik koeffitsiyenti**

39. Tashkilot kapitalining yetarlilik koeffitsiyenti uning jami xususiy kapitalining jami aktivlariga nisbati orqali hisoblanadi va ushbu koeffitsiyent 10 foizdan kam bo'lmasligi lozim.

40. Tashkilot kapitalining yetarlilik koeffitsiyentini hisoblashda tashkilot tomonidan yuridik shaxslarning ustav fondiga (ustav kapitaliga) qilingan barcha investitsiyalar jami aktivlar hamda xususiy kapitaldan chegiriladi.

2-§. Likvidlilikni qoplash koeffitsiyenti

41. Likvidlilikni qoplash koeffitsiyenti 100 foizdan kam bo'lmasligi lozim.

42. Likvidlilikni qoplash koeffitsiyenti yuqori likvidli aktivlarning keyingi 30 kun ichidagi jami sof chiqimga nisbati sifatida aniqlanadi. Bunda, yuqori likvidli aktivlarga quyidagilar kiradi:

naqd pul;

* Ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi Hukumati va Markaziy bankning qimmatli qog'ozlari;

“Standard & Poor's”, “Fitch Ratings” va “Moody's Investors Service” kompaniyalaridan birining “B-” / “B3” reyting darajasidan kam bo'lmagan reyting baholariga ega mahalliy banklarda ochildan talab qilib olinguncha hisobvaraqlardagi mablag'lar.

43. Keyingi 30 kun ichidagi kirim keyingi 30 kundagi chiqimning 75 foizidan oshgan taqdirda, kirim sifatida chiqimning 75 foizi olinadi.

44. Tashkilot tomonidan berilgan kafolatlar bo'yicha shartnomaga muvofiq majburiyatning bajarilishiga 30 kun va undan kam muddat qolganda, ushbu kafolat summasining 5 foizi chiqim sifatida hisob-kitoblarga kiritiladi.

3-§. Bir qarz oluvchiga (prinsipalga) yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar (prinsipallar) guruhiga doir tavakkalchilikning eng ko'p miqdori

45. Tashkilotning bir qarz oluvchi (prinsipal) yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar (prinsipallar) guruhi uchun tavakkalchilikning eng ko'p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 20 foizidan oshmasligi kerak, bundan kredit tashkiloti bilan yuzaga keladigan tavakkalchilik mustasno. Tashkilotning bir kredit tashkiloti uchun tavakkalchilikning eng ko'p miqdori tashkilot jami aktivlarining 30 foizidan oshmasligi kerak.

46. Bir qarz oluvchi (prinsipal) yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar (prinsipallar) guruhining, bitta kredit tashkilotining hamda tashkilotga aloqador shaxslarning tashkilot oldida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tavakkalchiliklari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

kafolat;

kredit tashkilotlariga berilgan moliyaviy mablag'lar;

investitsiyalar;

kredit tavakkalchiligi mavjud bo'lgan boshqa aktivlar va balansdan tashqari moddalar.

47. Qarzdorlar (prinsipallar) quyidagi hollarda o'zaro aloqador deb hisoblanadi:

a) yuridik shaxslar o'rtasida, agar:

bir yuridik shaxs bevosita yoki bilvosita, yakka tartibda yoki birgalikda harakat qiluvchi shaxslar guruhi tarkibida boshqa yuridik shaxs ustav fondining (ustav kapitalining) 20 foiz va undan ortig'iga egalik qilsa yoki egalikni nazorat qilsa;

bir yuridik shaxs boshqa yuridik shaxs ustidan nazoratni amalga oshirsa;

yuridik shaxslar uchinchi shaxsning yoki u bilan birgalikda harakat qiluvchi shaxslarning nazorati ostida bo'lsa;

yuridik shaxslarning ta'sischilari yoki rahbarlari bir xil tarkibda bo'lsa;

b) jismoniy va yuridik shaxslar o'rtasida, agar:

jismoniy shaxs bevosita yoki bilvosita, yakka tartibda yoki birgalikda faoliyat ko'rsatuvchi shaxslar guruhi tarkibida, yuridik shaxs ustav fondining (ustav kapitalining) 20 foiz va undan ortig'iga egalik qilsa yoki egalikni nazorat qilsa;

jismoniy shaxs yuridik shaxs ustidan nazoratni amalga oshirsa;

jismoniy shaxs yuridik shaxs kuzatuv kengashi, boshqaruvi a'zosi bo'lsa yoki mansabdor shaxsi hisoblansa;

jismoniy shaxsda yuridik shaxs ustav fondining (ustav kapitalining) 20 foiz va undan ortig'iga egalik qiladigan yoki egalikni nazorat qiladigan boshqa yuridik shaxsga nisbatan rahbarlik vakolati bo'lsa;

jismoniy shaxsning yuridik shaxs nazoratni amalga oshiradigan boshqa yuridik shaxsda boshqaruvga oid vakolatlari mavjud bo'lsa.

48. Ikki yoki undan ortiq qarzdorlar (prinsipallar) faqatgina respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari (mahalliy yoki xorijiy), shuningdek O'zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg'armasi yoki xalqaro taraqqiyot banklari tomonidan nazorat asosida o'zaro aloqador bo'lsa, ular o'zaro aloqador qarz oluvchilar (prinsipallar) hisoblanmaydi.

4-§. Tashkilotga aloqador bo'lgan bir shaxsga (prinsipalga) to'g'ri keluvchi tavakkalchilikning eng ko'p miqdori

49. Tashkilotga aloqador bo'lgan bir shaxsga (prinsipalga) to'g'ri keluvchi tavakkalchilikning eng ko'p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 10 foizidan oshmasligi lozim.

50. Tashkilotga aloqador bo'lgan barcha shaxslarga (prinsipallarga) to'g'ri keluvchi tavakkalchilikning eng ko'p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 25 foizidan oshmasligi lozim.

5-§. Yuridik shaxslarning ustav fondiga (ustav kapitaliga) investitsiyalarning eng ko'p miqdori

51. Tashkilotning boshqa yuridik shaxslarning ustav fondiga (ustav kapitaliga) jami investitsiyalarining eng ko'p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 20 foizidan oshmasligi lozim.

7-bob. Tashkilotni qayta tashkil etish va tugatish

52. Tashkilotni qayta tashkil etish va tugatish O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi, "To'lovga qobiliyatsizlik to'g'risida"gi, "Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to'g'risida"gi qonunlari hamda boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladi.

8-bob. Yakuniy qoida

53. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

468 Banklar tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga
badallar to'lash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash
haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3663*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklardagi omonatlarni himoya qilish kafolatlari to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Banklar tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga badallar to'lash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-iyul,
14/11-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 12-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
10-iyuldagi 14/11-son qaroriga
ILOVA

**Banklar tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga
badallar to'lash tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom banklar, shu jumladan mikromoliya banklari va oraliq banklar (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga badallar to'lash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Banklar mazkur Nizomda belgilangan tartibda va muddatlarda Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga (bundan buyon matnda Jamg'arma deb yuritiladi) bir yo'la to'lanadigan, kalendar va maxsus badallar (bundan buyon matnda badal deb yuritiladi) to'laydi.

2. Badallar O'zbekiston Respublikasining milliy valyutasida (bundan buyon matnda milliy valyuta deb yuritiladi) yaxlitlangan holda to'lanadi.

Bunda, badallar summasining 50 tiyini dari kami hisobga olinmaydi (chiqarib tashlanadi), 50 tiyini va undan ortig'i 1 so'm qiymatida hisobga olinadi.

3. Agar badalni to'lashning so'nggi kuni dam olish kuniga yoki ishlanmaydigan bayram kuniga yoki boshqa ishlanmaydigan kunga to'g'ri kelsa, badal dam olish kundan yoki ishlanmaydigan bayram kundan yoxud boshqa ishlanmaydigan kundan keyingi ish kunda to'lanishi lozim.

2-bob. Bir yo'la to'lanadigan badal

4. Bir yo'la to'lanadigan badal deganda yangidan tashkil etilgan bank tomonidan, bundan oraliq bank va qayta tashkil etish yo'li bilan tashkil etilgan bank mustasno, Jamg'armaga dastlabki to'lanadigan pul mablag'lari tushuniladi.

5. Bankning bir yo'la to'lanadigan badali miqdori O'zbekiston Respublikasi "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi Qonunining 13-moddasida belgilangan bank ustav kapitali eng kam miqdorining 0,1 foizini tashkil etadi.

6. Bank tomonidan bir yo'la to'lanadigan badal unga bank faoliyatini amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziya (bundan buyon matnda litsenziya deb yuritiladi) berilgan kundan e'tiboran o'n ish kuni ichida to'lanishi lozim.

3-bob. Kalendar badal

1-§. Kalendar badal miqdorini aniqlash tartibi

7. Kalendar badal deganda bank tomonidan Jamg'armaga har chorakda to'lanadigan pul mablag'lari tushuniladi.

8. Bank tomonidan Jamg'armaga hisobot choragi uchun to'lanishi lozim bo'lgan kalendar badal miqdori quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$S = Db * R$$

Bunda:

S — bank tomonidan Jamg'armaga to'lanishi lozim bo'lgan kalendar badal miqdori;

Db — bankning depozit bazasi miqdori;

R — hisobot choragi uchun kalendar badal stavkasining foizdagi ifodasi.

9. Yangidan tashkil etilgan bank va litsenziyasi chaqirib olingan bank tomonidan to'liq bo'lmagan chorak uchun Jamg'armaga tegishli ravishda to'lanadigan birinchi va so'nggi kalendar badali miqdori quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$S = Db * (R * 1/q) * n$$

Bunda:

S — bank tomonidan Jamg'armaga to'lanishi lozim bo'lgan kalendar badal miqdori;

Db — bankning depozit bazasi miqdori;

R — kalendar badal stavkasining foizdagi ifodasi;

q — hisobot choragidagi haqiqatdagi kunlar soni;

n — hisobot choragida litsenziya berilgan sanadan hisobot choragi yakunigacha o'tgan kunlar soni yoki hisobot choragi boshidan hisobot choragida litsenziya chaqirib olingan sanagacha bo'lgan kunlar soni.

10. Bankning depozit bazasini aniqlash tartibi Omonatlarni kafolatlash agentligining (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) kuzatuv kengashi tomonidan belgilanadi.

11. Depozit bazasini hisoblab chiqarish chog'ida kafolatlash obyektlarining chet el valyutasidagi qoldig'i O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) hisobot choragining oxirgi sanasidagi kursi bo'yicha milliy valyutada qayta hisob-kitob qilinadi.

2-§. Kalendar badal stavkalari va ularni qo'llash xususiyatlari

12. Kalendar badal stavkasi Agentlikning kuzatuv kengashi tomonidan barcha banklar uchun yagona bo'lgan stavkani va (yoki) banklarning tavakkalchilik darajasidan kelib chiqqan holda aniqlanadigan stavkalarni (bundan buyon matnda differensial stavka deb yuritiladi) tasdiqlash orqali belgilanadi. Bunda, kalendar badal stavkasi chorak uchun 0,5 foizdan oshishi mumkin emas.

13. Keyingi moliyaviy yil uchun kalendar badalning stavkasi joriy yilning 30-oktabridan kechiktirmasdan belgilanadi. Mazkur sanaga qadar kalendar badal stavkasi belgilanmagan taqdirda, keyingi moliyaviy yil uchun amalda bo'lgan kalendar badal stavkasi qo'llaniladi.

14. Agentlikning kuzatuv kengashi tomonidan kalendar badalning differensial

stavkasi belgilangan taqdirda, banklarning tavakkalchiliklari darajasini baholash Agentlikning kuzatuv kengashi tomonidan tasdiqlangan uslubiyat asosida yoki Markaziy bank tomonidan taqdim etilgan banklarning tavakkalchiliklari tasnifi asosida amalga oshiriladi. Bunda, Markaziy bank banklarning tavakkalchiliklari darajasi bahosini Agentlikka uning so'roviga asosan o'n besh ish kuni ichida taqdim etadi.

15. Kalendar badalning differensial stavkalarini belgilashda Agentlik banklarning tavakkalchiliklari darajasi bahosidan kelib chiqib ularni tavakkalchiliklar darajasi guruhlariga ajratadi.

Bunda, Agentlik banklarning tavakkalchiliklari darajasini baholash natijalari va ularni qayta ko'rib chiqish davriyligi to'g'risida banklarni xabardor qiladi.

3-§. Kalendar badalni to'lash

16. Bank hisobot choragidan keyingi oyning 15-sanasidan kechiktirmay kalendar badalni to'lashi va to'langan badallar to'g'ri hisoblanganligini tasdiqlovchi ma'lumotlarni mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq shaklda ushbu Nizomning 2-ilovasida* ko'rsatilgan uslubiy ko'rsatmalar asosida to'ldirgan holda bank telekommunikatsiya tarmog'i orqali Agentlikka yuborishi lozim.

17. Markaziy bank tomonidan omonatlarga pul mablag'lari jalb qilinishining to'xtatib turilishi yoki litsenziyaning chaqirib olinishi bankni tegishli chorak uchun kalendar badalni to'lashdan ozod etmaydi. Litsenziyasi chaqirib olingan bank tomonidan so'nggi kalendar badal qonunchilikda belgilangan kreditorlarning talablarini qanoatlantirish navbatiga asosan to'lanadi.

18. Oraliq bank unga litsenziya berilgan sanadan e'tiboran olti oy davomida kalendar badallarni to'lashdan ozod etiladi.

19. Kalendar badal to'langanidan keyin Agentlik yoki bank tomonidan ortiqcha to'langan kalendar badal summasi aniqlangan taqdirda, hisobot choragi uchun to'langan kalendar badalning ortiqcha summasi kelgusi kalendar badal hisobida hisobga olinadi.

4-§. Kalendar badal to'lanmaganligi yoki to'liq to'lanmaganligi uchun penya

20. Bank Jamg'armaga kalendar badalni belgilangan muddatda to'lamagan yoki to'liq to'lamagan taqdirda, Agentlik badallarni to'lash muddati tugagan kundan e'tiboran uch ish kuni ichida bank o'z majburiyatini bajarmaganligi yoki qisman bajarganligi to'g'risida Markaziy bankka va bevosita bankning o'ziga yozma xabarnoma yuboradi.

21. Bank tomonidan kalendar badalning to'lanmagan summasiga har bir muddati o'tgan kun uchun Markaziy bank asosiy stavkasining ikki baravari miqdorida penya hisoblanadi. Penya quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$P = T * (R * 2/q) * n$$

* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

Bunda:

P — to'lanishi lozim bo'lgan penya miqdori;

T — to'lanmagan summa;

R — Markaziy bankning asosiy stavkasi;

q — hisobot yilidagi haqiqatdagi kunlar soni;

n — muddati o'tgan kunlar soni.

22. Bank tomonidan Jamg'armaga badallar to'lanmagan yoki qisman to'langan taqdirda, Markaziy bank qonunchilikka muvofiq bankka nisbatan chora va sanksiyalar qo'llashga haqli.

4-bob. Maxsus badal

23. Maxsus badal deganda kalendar badalga qo'shimcha ravishda Jamg'armaga to'lanadigan pul mablag'lari tushuniladi.

24. Maxsus badal quyidagi hollarda belgilanadi:

Jamg'arma mablag'larining haqiqatdagi yoki ehtimoldagi taqchilligini bartaraf etishda;

kompensatsiyalar to'lash yoki sanatsiya vositalarini qo'llash uchun jalb etilgan qarz mablag'larini to'lashda;

Jamg'arma mablag'laridan foydalanilganidan keyin Jamg'arma mablag'larini belgilangan muddatlarda maqsadli miqdorga yetkazishda.

25. Barcha banklar tomonidan to'lanishi lozim bo'lgan jami maxsus badal miqdori mazkur Nizomning 24-bandidagi holatlarda foydalanish uchun zarur bo'lgan mablag'lar va Jamg'armada mavjud mablag'lar o'rtasidagi farq sifatida aniqlanadi.

26. Maxsus badallar quyidagi shartlarga rioya etgan holda belgilanishi mumkin:

maxsus badalni belgilash to'g'risida qaror qabul qilingan sanadan avvalgi o'n ikki oy davomida mazkur badallar undirilmagan bo'lishi;

faoliyatini litsenziya olingan kundan e'tiboran bir yildan ortiq amalga oshirayotgan bankning maxsus badali miqdori maxsus badalni belgilash to'g'risida qaror qabul qilingan sanadan oldingi chorakning oxirgi kuni holatiga ko'ra bankning shunday banklarning jami depozit bazasidagi ulushiga mutanosib bo'lishi hamda maxsus badalni belgilash to'g'risidagi qaror qabul qilingan sanadan avvalgi o'n ikki oy davomida bank to'lashi lozim bo'lgan kalendar badallar miqdoridan oshmasligi;

faoliyatini litsenziya olingan kundan e'tiboran bir yildan kam amalga oshirayotgan bankning maxsus badali miqdori maxsus badalni belgilash to'g'risida qaror qabul qilingan sanaga qadar bank to'lashi lozim bo'lgan kalendar badallar miqdoridan oshmasligi.

27. Mazkur Nizomning 26-bandi uchinchi va to'rtinchi xatboshilarida ko'rsatilgan kalendar badallar maxsus badalni belgilash to'g'risidagi qaror qabul qilingan sanadan avvalgi o'n ikki oy uchun bank tomonidan haqiqatda to'langan va (yoki) to'lanishi lozim bo'lgan kalendar badallarni o'z ichiga oladi.

28. Agentlikning kuzatuv kengashi tomonidan qabul qilingan maxsus badalni belgilash to'g'risidagi qaror Markaziy bank bilan kelishilishi lozim. Mazkur qarorni

kelishishda Markaziy bank maxsus badal to'lanishining O'zbekiston Respublikasi moliyaviy barqarorligiga va banklarning moliyaviy holatiga ta'sirini hisobga oladi.

Agar Markaziy bank maxsus badalni to'lash bir bankning yoki bir nechta bankning to'lov qobiliyatiga tahdid solishi mumkin degan qarorga kelsa, Agentlikdan mazkur bankka (banklarga) maxsus badalni to'lashi uchun olti oydan ortiq bo'lmagan boshqa muddat belgilanishini talab qilishi mumkin. Bunda, Markaziy bank Agentlikning maxsus badalni belgilash to'g'risidagi qarori kelib tushgan kundan e'tiboran o'n kun ichida Agentlikka qabul qilgan qarori to'g'risida xabar berishi kerak.

29. Agentlikning kuzatuv kengashi tomonidan qabul qilingan maxsus badalni belgilash to'g'risidagi qaror Markaziy bank bilan kelishilgan kundan e'tiboran bir ish kunidan kechiktirmay banklarni va moliyaviy barqarorlik bo'yicha tuziladigan maxsus kengashni quyidagilarni ko'rsatgan holda xabardor qiladi:

maxsus badalni belgilash asoslarini;

bank tomonidan to'lanishi lozim bo'lgan summalarni;

bank xabardor qilingan kundan e'tiboran o'n kundan kam bo'lmagan to'lov muddatini (ushbu Nizomning 28-bandi ikkinchi xatboshisidagi talablarni inobatga olgan holda).

30. Oraliq bank unga litsenziya berilgan kundan e'tiboran olti oy davomida maxsus badalni to'lashdan ozod etiladi.

5-bob. Yakuniy qoida

31. Ushbu Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I**469** Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3664*

O'zbekiston Respublikasining "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son "Vazirliklar va idoralar me'yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro'yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi "Normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risida"gi Qonunining 46-moddasiga asosan ilgari qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarga yangi normativ-huquqiy hujjat qabul qilinganligi munosabati bilan zarur o'zgartishlar va (yoki) qo'shimchalar kiritilishi hamda ilgari qabul qilingan barcha normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning qismlari, agar ular yangi huquqiy normalarga zid bo'lsa yoxud yangi normativ-huquqiy hujjat bilan to'raligicha qamrab olingan yoki amalda o'z huquqiy ahamiyatini yo'qotgan bo'lsa, lekin rasman o'z kuchini yo'qotgan deb topilmagan bo'lsa, o'z kuchini yo'qotgan deb topilishi lozimligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 11-avgust,
20-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 13-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2025-yil 11-avgustdagi
20-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Vazirlar Mahkamasining Hukumat aloqa xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2007-yil 31-oktabrdagi 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-son "Favqulodda holatlarda O'zbekiston telekommunikatsiyalar tarmoqlari va resurslarini markazlashgan holda boshqarishning umumiy qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1742, 2007-yil 27-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 48-49-son, 491-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2013-yil 26-iyuldagi 43-mh, 9, 60, 6, 23-son "Favqulodda holatlarda O'zbekiston telekommunikatsiyalar tarmoqlari va resurslarini markazlashgan holda boshqarishning umumiy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1742-1, 2013-yil 12-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 33-son, 444-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2015-yil 20-maydagi 120-mh, 7, 58, 5, 13-son "Favqulodda holatlarda O'zbekiston telekommunikatsiyalar tarmoqlari va resurslarini markazlashgan holda boshqarishning umumiy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1742-2, 2015-yil 25-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 21-son, 274-modda).

4. O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Vazirlar Mahkamasining Hukumat aloqa xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2007-yil 31-oktabrdagi 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-son "Favqulodda holatlarda telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalaridan ustuvor foydalanish, ulardan foydalanishni to'xtatib qo'yish yoki cheklash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1743, 2007-yil 27-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 48-49-son, 492-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2013-yil 26-iyuldagi 42-mh, 10, 61, 7, 24-son "Favqulodda holatlarda telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalaridan ustuvor foydalanish, ulardan foydalanishni to'xtatib qo'yish yoki

cheklash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1743-1, 2013-yil 12-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 33-son, 445-modda).

6. O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Mudofaa vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Ichki ishlar vazirligining 2015-yil 20-maydagi 121-mh, 8, 57, 6, 14-son "Favqulodda holatlarda telekommunikatsiyalar tarmoqlari va vositalaridan ustuvor foydalanish, ulardan foydalanishni to'xtatib qo'yish yoki cheklash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1743-2, 2015-yil 25-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 21-son, 275-modda).

7. O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va Sog'liqni saqlash vazirligining 2009-yil 15-yanvardagi 88/1, 1-son "Voyaga yetmaganlarning mehnatidan foydalanishga yo'l qo'ymaslik bo'yicha talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 2071, 2010-yil 21-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 3-4-son, 27-modda).

8. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va O'zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 2012-yil 23-apreldagi 13 va 2-son "Avtovokzallar va avtostansiyalar hududiga yo'lovchilar va boshqa shaxslarni kiritish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 2372, 2012-yil 20-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2012-y., 25-son, 280-modda).

9. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 31-martdagi 7-mh-son "Integral mikrosxemalar topologiyalarini ro'yxatdan o'tkazish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3358, 2022-yil 31-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 31.03.2022-y., 10/22/3358/0269-son).

10. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 31-martdagi 8-mh-son "Ixtiro, foydali model, sanoat namunasi, seleksiya yutug'i, tovar belgisi, xizmat ko'rsatish belgisiga bo'lgan huquqni o'tkazish to'g'risidagi shartnomani va ulardan foydalanish uchun litsenziya shartnomalarini, integral mikrosxemalar topologiyalariga bo'lgan huquqni o'tkazish, elektron hisoblash mashinalari uchun dasturga yoki ma'lumotlar bazasiga bo'lgan barcha mulkiy huquqlarni o'tkazish va mulkiy huquqlarni o'tkazish to'g'risidagi shartnomalarni ro'yxatdan o'tkazish qoidalarini tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3359, 2022-yil 31-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 31.03.2022-y., 10/22/3359/0270-son).

11. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 7-dekabrda 21-mh-son "Tovar kelib chiqqan joy nomini va tovar kelib chiqqan joy nomidan foydalanish huquqini ro'yxatdan o'tkazish uchun talabnomalarni tuzish, topshirish va ko'rib chiqish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3482, 2023-yil 7-dekabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 11.12.2023-y., 10/23/3482/0925-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ,
НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

470 «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 9 сентябрдаги 168-сон «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1864, 2008 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 419-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Бошлиқ в.в.б.

Х. ЭШҚЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 июль,
11-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 13 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр
энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан
фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
бошлиғининг 2025 йил 28 июлдаги
11-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил
этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 августдаги
ПФ–118-сон «Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат назорати тизимини та-
комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **бую-
раман**»;

2. Низомда:

1) 1-бандда:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«истеъмолчи — электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр энер-
гиясидан фойдаланувчи, рухсат этилган қуввати 50 кВт ва ундан ортиқни
ташкил этган барча истеъмолчилар (маиший истеъмолчилар бундан мустас-
но);»;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн
тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртин-
чи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«электр таъминоти шартномаси — истеъмолчида керакли ускуналар
ва электр энергияси истеъмолини ҳисоблагичлар мавжуд бўлган тақдирда,
Худудий электр таъминоти корхоналарига электр тармоғи орқали электр
энергиясини етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган, истеъмолчига эса
электр энергияси ҳақини тўлаш, шунингдек, электр энергияси истеъмоли-
нинг шартномада назарда тутилган режимига риоя қилиш, ўз тасарруфи-
да бўлган электр тармоқларини эксплуатация қилиш, хавфсизлигини ҳамда
электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ бўлган ўзи фойдаланадиган уску-
налар ва асбобларнинг соз ҳолатда бўлишини таъминлашга доир чора-тад-
бирларни бажариш мажбуриятини юклайдиган битим.»;

2) 2-банддаги «20» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин;

3) 11-банддаги «Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳка-
маси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 16-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

5) 18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Электр таъминоти шартномасига қўшимча тарзда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

ягона электр энергетика тизими тармоғидан ҳисобот даври учун истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий қиймати;

талаб этиладиган қувват коэффициенти ($\cos \varphi$);

ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламаларининг назорат соатлари (йилнинг ҳар бир ойи бўйича бўлиб чиқиш орқали);

электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизимининг электр тармоғига бир ойда ҳосил қилинадиган ва (ёки) бир ойда кичик юкламали соатларда мажбурий истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг чегаравий қийматлари.

19. Реактив қувват бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар учун реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий ва техник кўрсаткичлари мазкур Низомнинг иловасида келтирилган формулаларга мувофиқ аниқланади.»;

6) 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Назорат қилинадиган катталикларга қўйидагилар кирази:

шартномада кўрсатилган компенсация қурилмаларининг жойида ҳақиқатда ўрнатилган қуввати;

реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати.»;

7) 26-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Энергия тизими тармоқларидан истеъмолчининг тармоқларига узатиладиган ва истеъмолчи томонидан ҳосил қилинадиган реактив энергияни назорат қилиш учун электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган ҳисоблагичлардан фойдаланилади. Бунда, электрон ҳисоблагичлар қўйидаги катталикларни ҳисобга олиш имконига эга бўлишлари керак:».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

471 Faktoring elektron platformalarining axborot tizimlarida
axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha
minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3665*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 12-avgustdagi PF-109-son "Faktoring xizmatlari bozorini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. Faktoring elektron platformalarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha minimal talablar to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati hamda Raqamli texnologiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 16-iyul,
16/2-son

Kelishildi:

Davlat xavfsizlik xizmati raisi

B. KURBANOV

2025-yil 4-iyul

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. SHERMATOV

2025-yil 23-iyun

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
16-iyuldagi 16/2-son qaroriga
ILOVA

**Faktoring elektron platformalarining axborot tizimlarida
axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha
minimal talablar to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom kredit tashkiloti bo'lmagan yuridik shaxslar (bundan buyon matnda tashkilot deb yuritiladi) tomonidan tashkil etiladigan faktoring elektron platformalarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda ularni IT-auditdan o'tkazish bo'yicha minimal talablarni belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

autentifikatsiya — foydalanuvchi, dastur, qurilma yoki ma'lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash tartib-taomili;

axborot tizimi — axborotni to'plash, saqlash, izlash, unga ishlov berish hamda undan foydalanish imkonini beradigan, tashkiliy jihatdan tartibga solingan jami axborot resurslari, axborot texnologiyalari va aloqa vositalari;

axborot xavfsizligi — axborot sohasida shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining himoyalanganlik holati;

faktoring elektron platformasi (bundan buyon matnda platforma deb yuritiladi) — Internet butunjahon axborot tarmog'ida joylashtirilgan, faktoring (pul talabnomasidan boshqa shaxs foydasiga voz kechish evaziga moliyalash) bozori ishtirokchilari (moliya agentlari, mijozlar va debitorlar) o'rtasida yuridik ahamiyatga ega bo'lgan munosabat hamda elektron hujjat almashinuvini tashkil etishga qaratilgan axborot tizimi;

identifikatsiya — foydalanuvchilarning shaxsini aniqlash maqsadida ularga identifikator (noyob nomlar) tayinlash yoki tayinlangan identifikatorlarni (noyob nomlar) identifikatorlar ro'yxati bilan solishtirish;

IT-audit — axborot texnologiyalari, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari hamda ma'lumotlarni qayta ishlash infratuzilmasining ishonchliligi, amaldagi qonunchilik hujjatlari va standartlarga muvofiqligi, shuningdek axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini aniqlash maqsadida amalga oshiriladigan mustaqil baholash jarayonlari;

kiberxavfsizlik — kibermakonda shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarining tashqi va ichki tahdidlardan himoyalanganlik holati;

shaxsga doir ma'lumotlar — muayyan jismoniy shaxsga taalluqli bo'lgan yoki uni identifikatsiya qilish imkonini beradigan, elektron tarzda, qog'ozda va (yoki) boshqa moddiy jismda qayd etilgan axborot.

2-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha amalga oshiriladigan tashkiliy choralar

2. Tashkilotlar platformani ta'minlaydigan axborot tizimlari (bundan buyon matnda axborot tizimlari deb yuritiladi) hamda resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash maqsadida:

a) axborot xavfsizligi siyosatini ishlab chiqadi va tasdiqlaydi. Bunda:

axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha talablar belgilanishi;

belgilangan talablar tashkilotning har bir xodimiga tanishtirilishi hamda ushbu talablarga xodimlarning qat'iy rioya qilishi ta'minlanishi lozim;

b) axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha mas'ul xodimni (bundan buyon matnda mas'ul xodim deb yuritiladi) tayinlaydi;

c) konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarning daxlsizligini ta'minlaydi hamda ulardan foydalanish tartibini ishlab chiqadi. Bunda, ushbu tartibda:

konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlar bilan ishlashda xavfsizlik, konfidentsiallik va yaxlitlikni ta'minlash bo'yicha talab va qoidalarni ishlab chiqish;

xodimlar bilan konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlar oshkor etilishining oldini olish bo'yicha majburiyatnomalar (shartnomalar) tuzish va ushbu ma'lumotlardan foydalanish huquqlarini xodimlarning lavozim majburiyatlaridan kelib chiqib belgilash;

konfidensial ma'lumotlar ro'yxatini shakllantirish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlashga ruxsat berilgan xodimlar ro'yxatini shakllantirish va tasdiqlash;

konfidensial ma'lumotlar bilan ishlash tartibini ishlab chiqish va tasdiqlash;

tashqi saqlovchi qurilmalar va texnik vositalarni nazorat qilinadigan hududdan tashqariga ruxsatsiz olib chiqilishini oldini olish choralari nazarda tutilishi lozim;

d) axborot tizimlarida yuzaga keladigan xavflarni baholash hamda boshqarish bo'yicha talablarni belgilaydi;

e) axborot tizimlarida yuzaga kelgan yoki kelishi mumkin bo'lgan to'xtalishlar, uzilishlar, axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini aniqlash, oldini olish, bartaraf etish va ular to'g'risidagi ma'lumotlarni saqlash hamda ro'yxatini yuritish tartibini ishlab chiqadi.

3. Mas'ul xodim o'z faoliyatida:

axborot tizimlari va resurslarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha belgilangan talablarning tashkilot bo'linmalari va xodimlar tomonidan bajarilishini nazorat qilishi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash tizimini tashkil qilishi;

ish jarayonida xodimlarga konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarni sir saqlash majburiyati va o'z majburiyatlarini buzganligi uchun javobgarligi to'g'risida tushuntirish ishlarini olib borishi hamda ushbu ma'lumotlar saqlanishini nazorat qilishi;

axborot tizimlariga o'zgartirishlar kiritilishini nazorat qilishi;

foydalanuvchilarning axborot resurslarida ishlash huquqlari va chegaralarini belgilashni tashkil etishi;

axborot tizimlariga kirishni nazorat qilishi;

axborot tizimlari va axborot resurslaridan ruxsatsiz foydalanishni cheklashi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash yuzasidan ichki me'yoriy hujjatlarni ishlab chiqishi;

axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash masalalarida rahbariyatga takliflar berishi;

axborotning saqlanishi ustidan umumiy nazoratni tashkil etishni ta'minlashi kerak.

4. Tashkilotlar tizimli ravishda axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash sohasiga ixtisoslashgan o'quv kurslarida mas'ul xodimlarni o'qitish ishlarini tashkil etishi lozim.

3-bob. Axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash hamda IT-audit o'tkazishga doir minimal talablar

5. Tashkilotlar o'z faoliyatida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashda axborot tizimlari va resurslarida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalarini aniqlash, oldini olish va bartaraf etish choralari ko'rishlari lozim.

6. Foydalanuvchilarning platformaga kirishi himoyalangan protokollardan foydalangan holda Internet butunjahon axborot tarmog'i orqali amalga oshiriladi.

Foydalanuvchi va server o'rtasidagi barcha o'zaro axborot almashinuvi faqat himoyalangan Transport Layer Security (TLS) protokolidan (1.3 yoki undan yuqori versiya) foydalangan holda amalga oshirilishi shart.

7. Platforma foydalanuvchilari o'rtasida almashinadigan ma'lumotlar va hujjatlarning haqqoniyligini tasdiqlash elektron raqamli imzo kalitlari orqali amalga oshiriladi.

8. Platforma O'zbekiston Respublikasida joylashgan va Tactically Integrated Emergency Response (TIER) talablariga javob beruvchi ma'lumotlarni qayta ishlash markazlari yoki tashkilotning server xonalarida joylashtiriladi.

9. Tashkilotlarning shaxsga doir ma'lumotlar bazasi Shaxsga doir ma'lumotlar bazalarining davlat reyestrda ro'yxatdan o'tkazilishi lozim.

10. Tashkilotlar axborotni shakllantirish, uzatish, saqlash va unga ishlov berishning barcha bosqichlarida konfidensial, shu jumladan bank sirini tashkil etuvchi va shaxsga doir ma'lumotlarni uzluksiz himoya qilish uchun quyidagi choralarni ko'rishlari lozim:

identifikatsiya, autentifikatsiya va avtorizatsiya qilish tizimini joriy etish;

tizimga ruxsatsiz kirishning oldini olish usullarini (login, parol, ko'p faktorli autentifikatsiya (KFA) va boshqalar) qo'llash;

ma'lumotlar bazasi administratorining paroli kamida 12 ta belgidan kam bo'lmasligini ta'minlash, bunda parolning belgilari sifatida pastki va yuqori registr harflari, raqamlar va maxsus belgilardan (@, #, \$, &, % va boshqalar) foydalanish;

hujjatlar va identifikatsiya ma'lumotlarini qalbakilashtirish, ruxsatsiz

ko'chirish, o'zgartirish, o'chirish hamda uchinchi shaxslarga taqdim etishdan himoyalash;

axborot tizimlaridagi dasturiy ta'minotlarning nazorati va hisobini yuritish hamda dasturiy ta'minot versiyalari, apparat-dasturiy qurilmalar va dasturiy vositalarning uzluksiz ishlashini ta'minlash;

axborot tizimlarini aktual holatda (oxirgi versiyada) bo'lishini ta'minlash, bunda dasturiy ta'minotning yangi versiyasini tekshiruvdan o'tkazgandan so'ng axborot tizimiga joriy etish;

korporativ tarmoqda ilova serverlari va foydalanuvchilar o'rtasidagi barcha axborot almashinuvini Transport Layer Security (TLS) protokoli (1.3 yoki undan yuqori versiya) orqali amalga oshirish;

axborot tizimlarini asosiy va xavf aloqa kanallari bilan ta'minlash;

serverlarda ish faoliyati uchun zarur bo'lmagan portlarni yopish va xizmatlarni to'xtatish;

axborot tizimiga ruxsatsiz kirish yoki axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik hodisalari sodir etilganda, ularni tahlil qilish asosida himoya tizimlarini mustahkamlab borish choralarini ko'rish;

axborot tizimiga tashqi axborot tizimlarini integratsiya qilishda yaratiladigan veb-servis (WebAPI) metodlaridan foydalanish jarayonida avtorizatsiyadan o'tkazish uchun berilgan token orqali ishlashni yo'lga qo'yish.

11. Veb-servis (WebAPI) metodlari orqali axborot tizimlariga murojaat qiluvchi tashqi axborot tizimlari faqat oldindan autentifikatsiyadan o'tgan va ishonchli deb topilgan foydalanuvchilar nomidan, amal qilish muddati tugamagan JWT (JSON Web Token) vositasida identifikatsiya va avtorizatsiya qilinishi shart.

Veb-servis tomonidan qabul qilinadigan JWT token quyidagi talablarga javob berishi shart:

1.3 yoki undan yuqori versiyadagi TLS protokoli orqali uzatilgan bo'lishi;

amal qilish muddati 30 daqiqadan oshmasligi;

RS256 yoki ES256 raqamli imzo algoritmlaridan foydalanilgan bo'lishi;

majburiy atributlari (iss, sub, aud, iat, exp, jti) to'liq va to'g'ri ko'rsatilgan bo'lishi.

12. Veb-servis tomonidan taqdim etilgan JWT tokenning haqiqiyliги, amal qilish muddati hamda foydalanuvchining rollari va vakolatlari majburiy ravishda tekshirilishi lozim.

Token yaroqsiz, muddati tugagan yoki noto'g'ri bo'lgan hollarda so'rov rad etilishi va mos xatolik kodi bilan javob qaytarilishi shart.

13. Refresh-token orqali yangilangan JWT tokenlar mazkur Nizomning 10 va 11-bandlarida ko'rsatilgan xavfsizlik talablariga to'liq muvofiq bo'lishi lozim.

Refresh-tokenning amal qilish muddati 12 soatdan oshmasligi shart.

14. Autentifikatsiya va avtorizatsiya jarayonida foydalanuvchi 3 daqiqa davomida faol emasligi aniqlansa, tizim uni avtomatik tarzda tizimdan chiqaradi hamda unga tegishli barcha tokenlar darhol bekor qilinadi (deaktivatsiya qilinadi).

15. Veb-servislar orqali axborotga kirish faqat oldindan belgilangan rollar va vakolatlarda amalga oshirilishi lozim. Har bir kirish holati majburiy ravishda qayd etilishi shart.

16. Aloqa kanallari orqali nazorat qilinadigan hududdan tashqariga chiquvchi konfidensial axborotlar O'zbekiston Respublikasida sertifikatlangan axborotni kriptografik himoya qilish vositalari bilan shifrlanishi zarur (qo'shimcha tarmoq himoyasini ta'minlashda qo'llaniladigan IPsec va boshqa shu kabi vositalar bundan mustasno).

Axborot tizimlaridan imtiyozli (administratorlik) foydalanish huquqiga ega xodimlarning masofaviy ulanishi faqat Privileged Access Management (PAM) tizimi orqali amalga oshirilishi lozim.

17. Tashkilot axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash uchun yangi avlod tarmoqlararo ekranlar qurilmalarining (next generation firewall) apparat-dasturiy vositalarini hamda tarmoqdagi hujumlarni aniqlash va oldini olish uchun tajovuzlarni aniqlash va oldini olish tizimlarini (IDS/IPS) joriy etishi lozim.

18. Platformani tashqi axborot tizimiga integratsiya qilishda o'zaro ma'lumot almashish uchun O'zbekiston Respublikasida sertifikatlangan axborotni kriptografik himoya qilish vositalari yoki himoyalangan IPsec tunnel orqali ulanish hamda ular orqali ma'lumot almashinuvini yo'lga qo'yish lozim.

19. Tashkilot axborot tizimlarida faqat litsenziyalangan antivirus dasturidan foydalanishi, ularning rusumlari va bazalari aktualligi hamda yangilanib borilishini ta'minlash uchun quyidagi choralarni amalga oshirishi shart:

antivirus dasturlarining avtomatik tarzda ishlashini ta'minlash;

internet va korporativ tarmoqlar orqali kelgan axborotlarni antivirus dasturi orqali tekshirish.

20. Platformani amaliyotga joriy etishdan oldin uning ishlab chiqilgan (modernizatsiya qilingan) barcha funksiyalarini test-sinov ishlari uchun mo'ljallangan serverlarda to'liq tekshiruvdan o'tkazish shart.

21. Axborot tizimining uzluksiz va barqaror ishlashini ta'minlash maqsadida quyidagi choralar ko'rilishi lozim:

axborot tizimi bilan bog'liq tarmoq va boshqa qurilmalar nosoz holatga kelganda, ularni ish jarayoniga keltirish va uzluksiz ishlashini ta'minlash;

texnik nosozliklarda va favqulodda vaziyatlar yuz berganda ma'lumotlarning zaxiraga olingan (backup) nusxalarini qayta tiklash rejasini ishlab chiqish;

operatsion tizimlar, dasturiy ta'minotlar, axborot tizimlarining dasturlari, ma'lumotlar (ma'lumotlar bazasi, sozlamalari, elektron bayonnomalar) nusxalarini zaxiraga (backup) olish va elektron arxivda saqlash hamda ularni qayta tiklash tartibini (mexanizmini) ishlab chiqish, amalga oshirish va ularning hisobini yuritish hamda nazoratini olib borish.

22. Axborot tizimi ma'lumotlariga kirish, qayta ishlash, ularni saqlash, taqdim etish jarayoni hamda AKT-infratuzilmasi, axborot tizimi administratori va foydalanuvchilarining harakatlari (IP-manzil, MAC-manzil) to'g'risidagi ma'lumotlar elektron bayonnomalarda (log-fayl) avtomatik tarzda shakllantirilishi hamda ushbu elektron bayonnomalar kamida besh yil davomida saqlanishi lozim.

23. Platforma faoliyati tugatilganda, unda mavjud elektron arxiv ma'lumotlari davlat arxivlariga topshiriladi.

24. Platforma boshqa tadbirkorlik subyektiga o'tkazilganda, arxiv ma'lumotlar o'tkazilayotgan tadbirkorlik subyektining elektron arxiviga topshiriladi.

25. Platformani tashqi axborot tizimlari bilan integratsiya qilish axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash talablarga muvofiq holda tashkil etilishi zarur.

26. Platforma hamda AKT-infratuzilmasini texnik qo'llab-quvvatlash O'zbekiston Respublikasi hududidan tashqaridagi outsorsing tashkilotlari xizmatiga berilmaydi.

27. Platforma hamda AKT-infratuzilmasida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash ishlari outsorsing tashkilotlari xizmatiga berilmaydi.

28. Tashkilotlar O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) bilan axborot almashinuvida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlashi shart.

29. Tashkilotlar axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikning ta'minlanganlik darajasini har yili mustaqil IT-audit orqali baholashlari shart. IT-audit o'tgan hisobot davri uchun joriy yilning birinchi yarim yilligida amalga oshiriladi.

IT-audit natijalari hujjatlashtirilishi va kamida besh yil davomida tashkilotda saqlanishi lozim.

30. Tashkilotlar axborot tizimidagi axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlik talablarining buzilishi bilan bog'liq hodisalar to'g'risida Markaziy bankka zudlik bilan yozma yoki elektron shaklda xabar berishi lozim.

31. Tashkilotlar platforma foydalanuvchilari tomonidan firibgarlik holatlari yuzaga kelishini oldini olish bo'yicha tashkiliy va texnik choralarni belgilash hamda ularni nazorat qilishga majburdir.

32. Tashkilotlar platformada firibgarlik holatlari aniqlangan taqdirda, bir kun muddatda tahlil qilingan to'liq ma'lumotlarni Markaziy bank "CERT-CBU" kiberxavfsizlik markaziga taqdim etishi lozim.

4-bob. Yakuniy qoida

33. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SANOAT,
RADIATSIYA VA YADRO XAVFSIZLIGI QO'MITASINING
QARORI

**472 Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini
akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya
nazoratini o'tkazish uchun to'lovlarni amalga oshirish tartibi
to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2105-3*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-maydagi PF-5723-son "Mehnatga haq to'lash, pensiyalar va boshqa to'lovlar miqdorlarini aniqlash tartibini takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 4-oktabrdagi 633-son "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. "Sanoatkontexnazorat" davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2010-yil 15-apreldagi 126-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2105, 2010-yil 25-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 21-son, 164-modda) bilan tasdiqlangan Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish uchun to'lovlarni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomning 3, 5, 6 va 7-bandlaridagi "eng kam oylik ish haqining" degan so'zlar "bazaviy hisoblash miqdorining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Ushbu qaror O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

A. RAFIQOV

Toshkent sh.,
2025-yil 5-avgust,
19-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

2025-yil 14-iyul

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-avgustda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO'MITASINING
QARORI

473 O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim tashkilotlarida ta'lim olish uchun yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2107-2*

O'zbekiston Respublikasining "Soliq va budjet siyosatining 2024-yilga mo'ljallangan asosiy yo'nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Soliq qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Davlat soliq qo'mitasining 2010-yil 24-martdagi 24 va 2010-15-son qarori (ro'yxat raqami 2107, 2010-yil 27-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-yil, 21-son 169-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim tashkilotlarida ta'lim olish uchun yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

J. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 17-iyul,
273-son

Soliq qo'mitasining raisi

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 7-iyul,
2025-14-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil
17-iyuldagi 273-son va Soliq qo'mitasining
2025-yil 7-iyuldagi 2025-14-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim
tashkilotlarida ta'lim olish uchun yo'naltiriladigan mablag'larga
jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni
qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksiga muvofiq fuqarolarning soliq solinadigan ish haqi va boshqa daromadlarining O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim tashkilotlarida ta'lim olishga (o'zining, farzandlarining, shuningdek yigirma olti yoshga to'lmagan erining (xotinining) yo'naltiriladigan to'lovlariga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i solinmaydi.”.

2. 2-banddagi “o'zining, shuningdek, yigirma olti yoshga to'lmagan farzandlarining yoki erining (xotinining)” degan so'zlar “o'zining, farzandlarining, shuningdek yigirma olti yoshga to'lmagan erining (xotinining)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. O'zining, farzandlarining yoki erining (xotinining) o'qishi uchun to'langanda soliq chegirmasi jismoniy shaxs — ta'lim oluvchiga, uning otalariga, shuningdek, agar o'qish uchun to'lov ta'lim oluvchi yigirma olti yoshga to'lguniga qadar amalga oshirilgan bo'lsa xotiniga (eriga) beriladi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

474 Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3666*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 16 июль,
17-сон

Келишилди:

Марказий банк раиси

Т. ИШМЕТОВ

2025 йил 3 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 16 июлдаги
17-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича
ваколатли давлат органининг «Қимматли қоғозлар марказий
депозитарийси» акциядорлик жамияти билан ўзаро
ҳамкорлиги тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиши жараёнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Марказий депозитарий деб юритилади) билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги;

инвестиция воситачиси — мижознинг топшириғига биноан, мижоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси;

ҳисобга олиш регистрлари — инвестиция воситачисида ва Марказий депозитарийда қимматли қоғозларни сақлаш ҳамда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими;

депо ҳисобварағи — депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган, инвестиция воситачисининг ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндиси;

эмиссиявий қимматли қоғозлар — битта чиқарилиш доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;

қимматли қоғозларни чиқариш параметрлари — қимматли қоғозларни чиқариш (эмиссия) миқдори, номинал қиймати, чиқариш шакли, чиқариладиган қимматли қоғозлар сони, уларнинг тури ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар;

депозитар тизим — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли

қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш тизими.

2-боб. Давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар эмиссияларини Марказий депозитарийда ҳисобга қўйиш

2. Марказий депозитарий ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозларни ҳисобга олишни амалга оширади.

3. Депозитар тизимда фақат Марказий депозитарийда ҳисобга қўйилган қимматли қоғозлар чиқарилишининг муомалага киритилишига йўл қўйилади.

4. Ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай Марказий депозитарийга қўйидаги ҳужжатлар юборилади:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган эмитентнинг эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарори;

қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

қимматли қоғозларнинг чиқарилишига аввал берилган давлат рўйхатидан ўтказиш рақамини бекор қилиш тўғрисидаги қарор (қимматли қоғозлар янги чиқарилган тақдирда).

5. Ваколатли давлат органи ва Марказий депозитарийда мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш бўйича тегишли журналлар юритилади. Журналда ҳужжатларни топшириш (қабул қилиш) тўғрисидаги ёзув, шу жумладан топшириш (қабул қилиш) санаси ва ҳужжатларни имзо қўйган ҳолда топширган (қабул қилган) масъул ижроочи тўғрисидаги ёзувлар бўлиши керак.

6. Марказий депозитарий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида эмитентга ва депозитар тизимдаги ҳар бир қимматли қоғозга ички кодларни берган ҳолда эмитентни ҳамда унинг қимматли қоғозларини Марказий депозитарийнинг ҳисоб регистрларида тавсифлаш йўли билан қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳисобга қўяди ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги хабарномани инвестиция воситачиларига юборади.

7. Қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳисобга қўйилганидан кейин депозитар тизимда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни сақлаш ва ҳисобга олиш Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари томонидан депонентлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Марказий депозитарий ваколатли давлат органига мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳисобот тақдим этади.

3-боб. Қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига ўзгартиришлар киритиш

9. Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, барча ўзгартириш ва

қўшимчалар Марказий депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларида акс этирилиши керак.

10. Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига қўшимча акциялар чиқариш билан бир вақтда ўзгартиришлар киритилган тақдирда, қўшимча чиқаришни ҳисобга қўйиш ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига қимматли қоғозларни бекор қилиш билан бир вақтда ўзгартиришлар киритилган тақдирда, қимматли қоғозлар чиқарилишларини ҳисобдан чиқариш ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Ваколатли давлат органи қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига ўзгартиришлар киритилганидан кейин беш иш куни ичида қимматли қоғозларни чиқариш параметрлари ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Марказий депозитарийга юборади.

13. Ваколатли давлат органи ва Марказий депозитарий тегишли журнални ҳужжатлар топширилганлиги (қабул қилинганлиги) тўғрисидаги ёзув, шу жумладан топшириш (қабул қилиш) санаси ва ҳужжатларни имзо қўйган ҳолда топширган (қабул қилган) масъул ижрочи тўғрисидаги ёзувларни қайд этган ҳолда юритади.

14. Марказий депозитарий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида Марказий депозитарийнинг ҳисоб регистрларига ўзгартиришлар киритади ва тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисидаги хабарномани инвестиция воситачиларига юборади.

15. Эмитентнинг қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритадиган инвестиция воситачилари уч иш куни ичида қимматли қоғозларни чиқариш параметрларига ўзгартиришлар киритиши шарт.

4-боб. Қимматли қоғозлар чиқарилишини Марказий депозитарийдан ҳисобдан чиқариш

16. Қимматли қоғозлар чиқарилиши бекор қилинган тақдирда, Марказий депозитарийда ҳисобдан чиқарилади.

17. Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилган, бекор қилиниши лозим бўлган ҳужжатсиз ва ҳужжатли қимматли қоғозларни йиғиш Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилмаган, бекор қилиниши лозим бўлган ҳужжатли қимматли қоғозларни йиғиш ва уларни кейинчалик йўқ қилиш эмитент томонидан амалга оширилади.

18. Марказий депозитарий ваколатли давлат органига Марказий депозитарийда ҳаракатсизлантирилган, бекор қилиниши лозим бўлган ҳужжатсиз ва ҳужжатли қимматли қоғозлар ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарномани бир иш куни ичида юборади.

19. Ваколатли давлат органи ва Марказий депозитарийда қимматли қоғозлар чиқарилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини топшириш-қабул қилиш бўйича тегишли журналлар юритилади. Журналда

хужжатларни топшириш (қабул қилиш) тўғрисидаги ёзув, шу жумладан топшириш (қабул қилиш) санаси ва хужжатларни имзо қўйган ҳолда топширган (қабул қилган) масъул ижрочи тўғрисидаги ёзувлар бўлиши керак.

20. Марказий депозитарий уч иш куни ичида қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида ўз ҳисоб регистрларига ўзгартиришлар киритади ва тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисидаги хабарномани инвестиция воситачиларига юборади.

5-боб. Ҳисобот

21. Марказий депозитарий депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва тизимлаштиришни амалга оширади.

22. Марказий депозитарий ҳар ҳафтанинг душанба кунида ваколатли давлат органига мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда Марказий депозитарийда ҳисобга қўйилган қимматли қоғозларнинг чиқарилиши ва қимматли қоғозларни чиқариш параметрларининг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

23. Марказий депозитарий ҳар ҳафтанинг душанба кунида ваколатли давлат органига Марказий депозитарийда ҳисобдан чиқарилган қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳисоботни мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда тақдим этади.

24. Марказий депозитарий ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига эмитентларнинг Марказий депозитарийда ҳисобга қўйилган қимматли қоғозлар эмиссиясининг жойлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботни мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда тақдим этади.

6-боб. Қимматли қоғозлар эмиссияларини солиштириш

25. Марказий депозитарий ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг бешинчи санасидан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига Марказий депозитарийда ҳисобга қўйилган қимматли қоғозлар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 4 ва 5-иловаларига* мувофиқ электрон шаклда тақдим этади.

26. Ваколатли давлат органи ўн беш иш куни ичида тақдим этилган маълумотларни Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри маълумотлари билан солиштиради.

Солиштириш натижаларига кўра номувофиқликлар аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи томонидан далолатнома расмийлаштирилади. Бунда, далолатнома қимматли қоғозларнинг тегишли чиқарилишлари бўйича зарур маълумотлар ва улар бўйича тафовутлар кўрсатилган ҳолда ваколатли давлат органи ва Марказий депозитарийнинг масъул ходимлари томонидан тасдиқланади.

27. Ваколатли давлат органи далолатнома асосида номувофиқларни бар-

* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тараф этиш учун Марказий депозитарийнинг маълумотлар базасига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги кўрсатмани, зарурат бўлган тақдирда, тегишли бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда Марказий депозитарийга юборади.

Марказий депозитарий кўрсатма келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида номувофиқликларни бартараф этади ва ваколатли давлат органига номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

7-боб. Якуний қоида

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG'I

475 O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va
bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3667*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, O'zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 27-dekabrda PF–230-son “O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasi faoliyatining takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

B. ZAXIDOV

Toshkent sh.,
2025-yil 29-iyul,
13-2025/B-son

Kelishildi:

***Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi vaziri***

Sh. XIDOYATOV

2025-yil 22-iyul

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-avgustda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 29-iyuldagi 13-2025/B-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik
vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy
hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 17-apreldagi 13-4/B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 1957, 2009-yil 14-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 19-20-son, 247-modda) bilan tasdiqlangan Choy ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar choy ishlab chiqarish korxonalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5, 6 va 12-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

4) 7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.”;

5) 9 va 10-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.

10. Korxonalarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 24-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 25 va 26-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“25. Korxonalarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

Xodimlar majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishdan bo‘yin tovlashga haqli emas.

26. Majburiy tibbiy ko‘riklar korxonalarga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa korxona joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi. Majburiy tibbiy ko‘riklar davolash-sog‘lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.

Korxona ma‘muriyati (yoki ish beruvchi) va kasaba uyushmasi qo‘mitasi majburiy tibbiy ko‘rik dalolatnomasi bilan tanishib chiqishi, ish beruvchi esa dalolatnomada ko‘zda tutilgan barcha tadbirlar va ko‘rsatmalarni bajarishi lozim.”;

8) 27-banddagi “tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

9) 28-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“28. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

10) 29-bandning beshinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yorug‘lik. Loyihalashtirish me‘yorlari”ga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 30-bandning birinchi xatboshisidagi “Korxonalarning ma‘muriy va maishiy xonalari” QMQ 2.09.12-98 talablari” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

12) 36-banddagi “QMQ 3.01.02-00 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” qoidalariga” degan so‘zlar “SHNQ 3.01.02-23 “Qurilishda xavfsizlik texnikasi” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 39-banddagi “Bino va inshootlarning yong‘in xavfsizligi” SHMQ 2.01.02-04 qoidalariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.02-04 “Binolar va inshootlarning yong‘in xavfsizligi” talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14) 46-banddagi “Texnologik uskunarlar va texnologik quvurlar” QMQ 3.05.05-98” degan so‘zlar “SHNQ 3.05.05-22 “Texnologik jihozlar va texnologik quvur o‘tkazgichlar” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 47-banddagi “QMQ 2.09.12-98 “Ombor binolari” qurilish me‘yorlari va qoidalariga” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.03-23 “Omborxonalar. Loyihalash me‘yorlari” shaharsozlik normalari va qoidalariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16) 49-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22

“Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

17) 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Oqova suvlarini hosil qilish va suv havzalariga tushirish shartlari SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” va SHNQ 2.04.03-24 “Oqova suvlarni chiqarib yuborish. Tashqi tarmoqlar va inshootlar” talablariga muvofiq bo’lishi lozim.”;

18) 103-banddagi “QMQ 2.01.08-96 “Shovqin. Umumiy xavfsizlik talablari” degan so’zlar “QMQ 2.01.08-19 “Shovqindan himoya” talablariga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

19) 111-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“111. Elektr uskunalarini ekspluatatsiya qilish O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilingan holda amalga oshirilishi lozim.”.

2. O’zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 30-apreldagi 18/B-1-son buyrug’i (ro’yxat raqami 1966, 2009-yil 11-iyun) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2009-y., 24-son, 279-modda) bilan tasdiqlangan Ikkilamchi xom ashyo tayyorlash omborxonalari, baza va punktlari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalari:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar ikkilamchi xom ashyo tayyorlov omborxonalari, baza va punktlarida ishlovchi xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3 va 4-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.

4. Mazkur Qoidalarining bajarilishini nazorat qilish korxonaning mehnatni muhofaza qilish xizmati zimmasiga yuklatiladi.”;

3) 5 va 9-bandlar o’z kuchini yo’qotgan deb topilsin;

4) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Ishlarni texnologik reglament bo’yicha xavfsiz yuritish yo’riqnomalari ishlab chiqiladi va ishlovchilar hamda ish joylarini shu yo’riqnomalar bilan ta’minlash tuzilmaviy bo’linmalar rahbarlari zimmasiga yuklatiladi.”;

5) 11-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ishga kirishdan oldin dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko’rikdan o’tgan bo’lishi kerak.”;

6) 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Bino va inshootlar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”;

7) 29-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Korxonalarning sanitariya-maishiy va boshqa yordamchi xonalari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos bo’lishi kerak.”;

8) 2-bobning 7-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so’z “oqova suvlar” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

9) 35-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

ikkinchi xatboshidagi “kanalizatsiyaga” degan so’z “oqova suvlar tizimiga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

10) 38-banddagi “kanalizatsiyadan” degan so’z “oqova suvlar tizimidan” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

11) 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Korxona maydonida, ishlab chiqarish va yordamchi binolar va xonalarda tabiiy va sun’iy yoritishlar SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” talablariga muvofiq bo’lishi kerak.”;

12) 96-banddagi “kanalizatsiya” degan so’z “oqova suvlar” degan so’zlar bilan almashtirilsin.

3. O’zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 27-iyuldagi 47-B-son buyrug’i (ro’yxat raqami 1999, 2009-yil 27-avgust) (O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2009-y., 35-son, 392-modda) bilan tasdiqlangan Mebellar va yog’och qurilish materiallarini tayyorlash va ta’mirlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

2) 5, 6, 13 va 32-bandlar o’z kuchini yo’qotgan deb topilsin;

3) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo’yicha xavfsiz yuritish yo’riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo’riqnomalar bilan ta’minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

4) 35-banddagi “davriy tibbiy ko’rikdan” degan so’zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko’rikdan” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

5) 37-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko’rikdan o’tmagan yoxud majburiy tibbiy ko’rik natijalariga ko’ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo’yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

6) 39-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“39. Majburiy tibbiy ko’riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko’rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo’lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan

o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

7) 40-banddagi “tibbiy ko'rik” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 41-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 43-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“43. Ishlab chiqarish binolari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga muvofiq bo'lishi lozim.”;

10) 45-banddagi “QMQ 2.03.13 “Pollar” talablariga” degan so'zlar “SHNQ 2.03.13-24 “Pollar” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq bo'lishi lozim.”;

12) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

14) 54-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so'z “oqova suvlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 60-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan so'z “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 61-banddagi “kanalizatsiya” va “kanalizatsiyasiga” degan so'zlar tegishli ravishda “oqova suvlar” va “oqova suvlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17) 62-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

18) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Har bir tashkilotda SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga va mazkur Qoidalariga muvofiq sanitariya-maishiy va qo'shimcha xonalar bo'lishi lozim.”;

19) 85-banddagi “Umumiy maqsadlar uchun ombor binolari va inshootlari” QMQ” degan so'zlar “SHNQ 2.09.03-23 “Omborxonalar. Loyihalash me'yorlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 4-avgustdagi 44-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2003, 2009-yil 4-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 37-son, 411-modda) bilan tasdiqlangan Yog'ochni qayta ishlash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar yog'ochni qayta ishlash ishlab chiqarishida mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5, 6, 13, 33 va 35-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

4) 8 va 9-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo‘linmalari bo‘lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo‘ysunadi.”;

5) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to‘g‘risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 36-banddagi “davriy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko‘rikdan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

Xodimlar majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishdan bo‘yin tovlashga haqli emas.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

9) 40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

10) 41-banddagi “tibbiy ko'rik” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 42-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 44-banddagi “SanMvaQ II-89-80 “Sanoat korxonalarini bosh plani”ga degan so'zlar “SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 49-banddagi “Tabiiy va sun'iy yoritish” QMQ 2.01.05-98” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 53-banddagi “SHNQ 2.01.02-04 “Binolar va inshootlarni yong'inga qarshi xavfsizligi” degan so'zlar “SHNQ 2.01.02-04 “Binolar va inshootlarning yong'in xavfsizligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 55-banddagi “QMQ 2.09.04-98 “Tashkilotlarning ma'muriy va maishiy binolari” talabiga” degan so'zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 58-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“58. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.”;

17) 71-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

18) 2-bobning 11-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

19) 77-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

20) 78-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so'z “oqova suvlarga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

21) 84-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan so'z “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

22) 85-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“85. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo'q bo'lganda, O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo'limlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo'l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o'ralariga ruxsat etiladi.”;

23) 86-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish” degan soʻzlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

24) 120-banddagi “Umumiy maqsadlar uchun ombor binolari va inshootlari” QMQ” degan soʻzlar “SHNQ 2.09.03-23 “Omborxonalar. Loyihalash meʼyorlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

25) 258-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“258. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilinishi kerak.”;

5. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 9-oktabrdagi 62/1-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2042, 2009-yil 16-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 47-son, 509-modda) bilan tasdiqlangan Mebel ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar mebel ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5, 6, 13 va 32-bandlar oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin;

4) 8 va 9-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Oʻzbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish toʻgʻrisida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq boʻlgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini taʼminlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha tegishli tayyorgarlikka ega boʻlgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud boʻlgan tashkilotda yoʻl harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yoʻl harakati xavfsizligi boʻyicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam boʻlgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha mutaxassis lavozimini joriy etish toʻgʻrisidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining oʻziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yoʻl harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy boʻlinmalari boʻlib, ular bevosita tashkilot rahbariga boʻysunadi.”;

5) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bogʻliq ravishda sodir boʻlgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan

tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 35-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 36 va 37-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

Xodimlar majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishdan bo'yin tovlashga haqli emas.

37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

9) 39-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“39. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

10) 40-banddagi “tibbiy ko'rik” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 41-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 43-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“43. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.”;

13) 45-banddagi “QMQ 2.03.13 “Pollar” degan so'zlar “SHNQ 2.03.13-24 “Pollar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 47 va 48-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq bo'lishi lozim.

48. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

15) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

17) 54-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlarga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 60-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

19) 61-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“61. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yoʻq boʻlganda, Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) boʻlimlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qoʻl yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat oʻralariga ruxsat etiladi.”;

20) 62-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

21) 69-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“69. Har bir tashkilotda SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga va mazkur Qoidalarga muvofiq sanitariya-maishiy va qoʻshimcha xonalar boʻlishi lozim.”;

22) 261-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“261. Hamma elektr asbob-uskunalaridan foydalanish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”.

6. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2009-yil 9-oktabrdagi 62-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2043, 2009-yil 16-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 47-son, 510-modda) bilan tasdiqlangan Devorbop materiallar, ohak, gips ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

2) 5, 6, 12 va 36-bandlar oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin;

3) 8 va 9-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Oʻzbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish toʻgʻrisida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq boʻlgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini taʼminlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha tegishli tayyorgarlikka ega boʻlgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud

bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

9. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

4) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

5) 41-banddagi “davriy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

6) 42-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“42. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.”;

7) 43-banddagi “tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 44-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“44. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.”;

9) 45-banddagi “tibbiy ko'rik” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rik” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 46-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 48-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“48. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

12) 49-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. Tashkilot maydonlari va binolarni joylashuvi SHNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” talablariga mos bo'lishi kerak.”;

13) 52-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 56-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“56. Ishlab chiqarish binolari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

15) 58-banddagi “QMQ 2.03.13 “Pollar” degan so‘zlar “SHNQ 2.03.13-24 “Pollar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 60 va 61-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“60. Shamollatish va isitish SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq bo‘lishi lozim.

61. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

16) 2-bobning 11-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 66-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“66. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlar tizimi SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

18) 67-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

19) 73-banddagi “kanalizatsiyalangan” degan so‘z “oqova suvlar tizimiga ulangan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

20) 74-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“74. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo‘q bo‘lganda, O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralariga ruxsat etiladi.”;

21) 75-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish” degan so‘zlar “SHNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

22) 82-banddagi “QMQ 2.09.12-98 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy xonalari” talablari” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

23) 154-banddagi “QMQ 2.09.19-97 “Neft va neft mahsulotlari omborlari” degan so‘zlar “SHNQ 2.09.19-22 “Neft va neft mahsulotlari omborxonalarini” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

24) 336-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“336. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”.

7. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish

vazirining 2009-yil 28-oktabrdagi 63-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2046, 2009-yil 24-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 48-son, 515-modda) bilan tasdiqlangan Shtamplash ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

a) 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarning ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.”;

b) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Bino va inshootlarning ishlab chiqarish xonalarida havodagi zararli moddalar miqdori SanQvaN 0294-11 “Ish joylari havosidagi zararli moddalar ruxsat etilgan miqdorining gigiyena normativlari” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 14-iyuldagi 6-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi 271-son "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining uzaytirilgan kun guruhlarida bolalar ta'minoti uchun ota-onalar to'lovini undirish va undan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2820-3.

2. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 14-iyuldagi 7-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 9-iyuldagi 272-son "Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2821-4.

3. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 9-iyuldagi 270-son "Bojxona organlari tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga ko'rsatiladigan pulli xizmatlar ro'yxati va tariflarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3659.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 24 июндаги 10-сон "Халқаро молия институтларининг миллий валютада ифодаланган облигацияларини чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3660.

5. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 9-iyuldagi 14-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3661.

6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 10-iyuldagi 14/12-son "Kafolatlar berish tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3662.

7. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 10-iyuldagi 14/11-son "Banklar tomonidan Omonatlarni kafolatlash jamg'armasiga badallar to'lash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3663.

8. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 11-avgustdagi 20-mh-son "Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3664.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2025 йил 28 июлдаги 11-сон "Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-4.

10. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 16-iyuldagi 16/2-son "Faktoring elektron platformalarining axborot tizimlarida axborot xavfsizligi va kiberxavfsizlikni ta'minlash bo'yicha minimal talablar to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori.

2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3665.

11. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo'mitasining 2025-yil 5-avgustdagi 19-son "Sanoat xavfsizligi sohasidagi ekspert tashkilotlarini akkreditatsiya qilish va ular faoliyati ustidan inspeksiya nazoratini o'tkazish uchun to'lovlarni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2105-3.

12. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 17-iyuldagi 273-son va Soliq qo'mitasining 2025-yil 7-iyuldagi 2025-14-son "O'zbekiston Respublikasining professional va oliy ta'lim tashkilotlarida ta'lim olish uchun yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2107-2.

13. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 16 июлдаги 17-сон "Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" акциядорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3666.

14. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 29-iyuldagi 13-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni

qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 13-avgustda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3667.

II. Davlat reestridan chiqarildi:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сон “Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 1742, 2007 йил 27 ноябрь), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1742-1, 2013 йил 12 август), (рўйхат рақами 1742-2, 2015 йил 25 май).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сон “Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1743, 2007 йил 27 ноябрь), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1743-1, 2013 йил 12 август), (рўйхат рақами 1743-2, 2015 йил 25 май).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 15 январдаги 88/1, 1-сон “Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2071, 2010 йил 21 январь).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 23 апрелдаги 13 ва 2-сон “Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2372, 2012 йил 20 июнь).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 7-мх-сон “Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3358, 2022 йил 31 март).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 8-мх-сон “Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шартномаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3359, 2022 йил 31 март).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 7 декабрдаги 21-мх-сон “Товар келиб чиққан жой номи ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3482, 2023 йил 7 декабрь).

2025 йил 11 августда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.